

Музаффар Чориев

**Инглиз тили лексикасини
ўқитишнинг лингводидактик
асослари**

Қарши
«Насаф» нашриёти
2004

Қўлланмада инглиз тили лексикасини ўргатишнинг назарий асослари, маъқларни тизимлаштириш, лексик маъқларни саралаш ва улардан таълимда кенг миқёса фойдаланиш усуллари ҳақида фикр юритилади. Шунингдек, лексикани ўрганишда техник веситаларсиз ўтказилган тажрибалар, компьютер ёрдамида тил ўргатишнинг бутунги аҳволи хусусида илмий-методик мулоҳазаларнинг аҳамияти таҳлил қилинган.

Қўлланма хорижий филология факультети талабалари, магистрлар, ўқигувчилар ва мустақил ўрганувчилар учун мулжалланган.

Қарши Давлат университетининг 2003 йил 2 майдаги
Илмий Кенгаши қарорига мувофиқ ўқув қўлланма
сифатида нашрга тавсия этилган

Масъул мұхаррирлар:

Фил. ф.д. проф. Ш.Сафаров
Пед. ф.н.доц. А.Кучибоев

Махсус мұхаррир:

Фил. ф.д. Х.Орзиқулов

Тақризчилар:

Фил. ф.д. проф. У.Юсупов
Ф.ф.н.доц. Р.Қиёмов
П.ф.н.доц. И.Темиров

Мұхаррир:

Темирпұлат Тилласев

4702620102 - 204
376(02)2004

© М. Чормеев-2004

ISBN 5-7323-0502-2

20.04
A
4139

Alisher Navoiy
nomidagi
O'zbekiston Mif

30345
2g,

МУҚАДДИМА

Мазкур қўлланма узлуксиз таълим тизимида олий таълимнинг магистратура ва бакалавриат йўналишида юқори босқич талабалари, ўқитувчилар ва чет тили ўрганаётган кент китобхонлар оммаси учун мўлжалланган бўлиб, таълим муассасаларининг ўқув режаларига мос ҳоҷа тузиаган.

Қўлланманнинг асосий мақсади инглиз тили лексикасини атрофлича ўрганишдан ибораг бўлиб, шунингдек, фонетика ва грамматикага хос хусусиятларни ҳам идрок этишда талаба, магистр, ўқитувчи ва мустақил ўрганувчиларга амалий ёрдам кўрсатишдан иборат.

Тил ўрганиш жараёни она тилидан бошланиб, хорижий тил эса кейинги иккинчи босқич ҳисобланади. Она тили музайян бир муҳитда ўрганилса, хорижий тиллар мавҳум ҳолатдаги имкониятлардан фойдаланилган ҳолда ўрганилади.

Хорижий тил мутахассиси хорижий тилларни ўқитиши услубиёти фани ютуқларини ўзлаштирган ва туплаган тажрибаси орқали ўқувчининг тилга муносабати меъёрини аниқ қилиш, уни янада такомиллаштириш каби психик ва методик жараёнларни умумлаштиради.

Мазкур қўлланма хорижий тилларни ўқитиши услуби соҳасида хизмат қилган, Игорь Владимирович Рахмонов., Александ Александрович Миролюбов., Хародд Палмер., Перси Барисович Гурвич., Олег Александрович Розов., Жамол Жалолов., Тожимат Қурбонович Сатторов., Ҳошимжон Сайназаров., Ўринбой Ҳошимов., Карамат Набиева каби етук мутахассислар, айрим педагог ва психолог олимларнинг фикрларига таянган ҳолда яратилди.

Ушбу қўлланманинг яратилишида кўмаклашган, қимматли маслаҳатларини аямаган доцентлар Р Қиёмов, С Эгамбердиев, А. Эргашев, З.Аминова, О.Тургунов ва Мадина Чориева ларга миннатдорчилик билдирамиз.

Шу тицдаги қўлланма биринчи бор нашр қилинаётгани бонис унда айрим камчиликлар бўлиши табиийдир.

Қўлланманнинг илмий методик савиясини янада оширишга қаратилган мутахассисларнинг фикр-мулоҳазаларини муаллиф мамнуният билан қабул қиласи.

Муаллиф

КИРИШ

Мустақил Ўзбекистон Республикасида хорижий тилларни мукаммал биладитан малакали мутахассислар тайёрлашта эҳтиёж кундан кун ошмокда. Бу жалқ таълимни ходимлари олдита чет тили фанини ўқитишининг услуг ва усулларини янада такомиллантиришдек ўта муҳим вазифани кўнгидланг қилиб қўйди.

1.Ўрта мактабни битирувчиларнинг чет тилини нечоғлик билиши маълум даражада бўлгуси мутахассисларнинг интеллектуал, ҳамда профессионал савиясининг ўсишига, Ўзбекистоннинг хорижий мамлакатлар билан маданий, иқтисодий ва сиёсий алоқаларининг ривожланишига боғлиқ. Шу сабабли кейинги пайтларда Республикамиз қукумати чет тилларни ўқитиши усулларини такомиллаштиришга, ўнинг сифатини оширишга алоҳида эътибор бермоқда.

Чет тили ўқитишини такомиллаштиришда замонавий техник воситалардан, шу жумладан, компютер ва интернет тармоқларидан фойдаланиш, ошириш таълимнинг долзарб вазифаларидан бирига айланмоқда. Чет тилини ўқитишининг долзарб масалаларига багишланган қатор илмий-амалий анжуманлар ("Чет тили ўқитишини жадаллаштириш услублари", Тошкент, 1991; "Инженер тиашунослаги ва чет тили ўқитишини жадаллаштириш", Самарқанд, 1992; "Инженер тиашунослаги ва тил таълимни жараёнини компютериза-циялан", Самарқанд, 1996) ўтказилиши ва янги русумдаги дарсликлар, метод кўлланмалар ва услубий тавсияларнинг чоп этилиши фикримиз далиллайдир. Чет тилини ўқитиши методикаси бўйича чоп этылган илмий адабиётларнинг таҳдили шуни курсатадики, олий ўкув юртларида хорижий тилларни ўқитиши масаласига ҳам алоҳида эътибор берилмоқда, аммо ўрга мактаб ўқувчиларига чет тилларни ўргатиш усуллари юзасидан деярли эътиборли ишлар қилинмаётир. Хусусан, лексикани ўқитиши масаласи дикқатини уччалик торғмаган. Аслини олганда, матндан маълумотларнинг катта қисми ўнинг лексикасида ўз ифодасини топади, демак, ўзбек миллий мактабларида чет тилларнинг, айниқса, инглиз тили лексикасини ўқитиш услугибети кам ўрганилган соҳа бўлиб қолмоқда. "Бундай заиф ноўрин ҳолатларни тезда ўзгартириш мамлакати-

мизда хорижий тилларни ўрганишнинг миллай асосдаги жадаллаштирилган методикасини тайёрлашни тезлаштиришимиз керак" (И. А. Каримов. 1997, 9 бет).

Ушбу кўлланмада узлуксиз таълимнинг иккинчи босқичда инглиз тили лексикасини ўқитиш таълим самара-дорлитини оширишга қаратилган лексик машқлар тизими ва уларнинг назарий талқинини ёритишга ингилдик .

Мақсадимиз - узлуксиз таълимнинг ўрта бўгинида инглиз тили ўқитиш самарасини оширишга хизмат қиласди-гап лексик машқлар тизимини яратиш ва тузилган машқлардан дарс жараёнида фойдаланиш, компютер ёрдамида лексикага ўргатиш тамойилларини ишлаб чиқиш бўлиб кўйидаги вазифаларни бажаришга интилдик: - психолого-психофизиологик ва методик тадқиқотларни таҳлили ўрганиш асосида лексик кўникма тушунчасининг моҳиятини очиш;

- узлуксиз таълимнинг иккинчи босқичда ўкувчиларига лексик кўникмаларни шакллантиришнинг янги имкониятларини очиб бериш;

- лексик машқлар тизимини ишлаб чиқиш ва уларнинг каталогларини тузиш;

- узлуксиз таълимнинг иккинчи босқичда инглиз тили лексикасини ўргатилиш жараёнини таҳлил қилиб, ўқув йишининг чорагида, қолаверса ҳар бир дарсда ўзлаштирилиши ва тақрорланиши лозим бўлган лексик бирликларнинг миқдор кўрсаткичларини аниқлаш;

- систем ва структурал ёндашув асосида лексик машқларни саралаб олиш ва уларни анъанавий йўл билан ҳамда компютер ёрдамида инглиз тили ўқитиш жараёнига татбиқ этиш;

Кўйидаги *намий-тадқиқот усуллари*дан фойдаланилган ҳолда мулоҳаза юритишни, маевзуни ёритишни лозим постулик:

- тил ва нутқ, дихотомияси асосида лексик материални саралаш ва таснифлаш;

- лексик бирликларни қиёсий таҳлил қилиш;

- лингвометодик таҳлил

-лингводидактик алгоритмизациялаш.

Ушбу кўлланма орқали чет тили ўқитувчиларига биз таклиф этган янгиликлар тубандагича:

1) сўз алоқаларининг психофизиологик талқинидан келиб чиқсан ҳолда лексик кўникманинг табиати ёритилди ва үнинг шаклланиши босқичлари кўрсатиб берилди;

2) лексикани ўқитиши тамойиллари илмий жиҳатдан асосланы да үзгача талқин этилди;

3) лексик машқларнинг янги классификацияси ишлаб чиқилди ва уларнинг каталоги тузилди.

4) узлуксиз таълимнинг иккинчи босқицда инглиз тилини ўқитиши учун лексик машқларни саралаш тартиб-қоидалари яратилди ва улар амалга татбиқ этилди;

5) узлуксиз таълимнинг иккинчи босқицда бажарнишни шарт бўлган лексик машқлар мажмуаси аниқланди ва у тажрибада синааб кўрилди;

6) узлуксиз таълимнинг иккинчи босқицда уқувчиларга компьютер ёрдамида инглиз тили ўқитиши масалалари ишл бор назарий ҳамда амалий жиҳатдан ўрганилди.

Лексик машқларнинг таснифланишиндаги ҳануз мунозараларга сабаб бўлиб келаётган масалаларга ойдинлик киритиб, тил ўргатишида янги педагогик технология ҳисобланмиши компьютер ёрдамида чет тили ўқитишининг лингводидактик асослари ҳақида тўхталадик.

МУЛОҚОТГА ДОИР ЛЕКСИК КҮНИКМАЛАР ВА УЛАРНИ ШАКЛАНТИРИШ БОСҚИЧЛАРИ

Методик адабиётда лексик күникма масалалари илк бор Е.И.Пассов томонидан ўрганилган. Унинг фикрича лексиканни ўргатиш, фонетика ва грамматикани ўргатиш каби, керакли сўзларни танлаш ва "малакавий харак-теристикалар" даражасида уларни бошқа сўзлар билан алоқага киритиб жумла тузишни кўзда тутади. Бошқа ишларда лексик күникма тушунгасига махсус таъриф берилмасада, унинг мавжудлиги ва босқичма-босқич шакланиши эътироф этилади.

Лексик күникмаларни шакллантириш босқичларини ўрганиш дастлаб И. В. Раҳмонов томонидан таклиф қилингандан "англаш-ёдда тутиш-мулоқотда кўллаш" босқичлар тизимида ўз аксини топди. Шубҳасиз ўрганилаётган лексиканни ҳар бир ўкувчи англashi, ёдда тутиши ва мулоқотда кўллаши зарур. Лекин бундай босқичларга ажрагиш айрим эътирозни келтириб чиқаради: жумладан англалиш - бу узундун узун жараён ва у янги сўзларни ишлатишга йўналтирилган машқларни бажариш пайтида ҳам давом этади; лексиканни ёдда саклаш ўрганишини уни нутқ жараёнида кўллащдан ажратиб бўлмайди, зоро лексиканни ёдлаш, унинг алоҳида турлари инобатта олинмаса, асосан нутқда фойдаланиш орқали амалга оширилди.

Л.З.Якушина томонидан ишлаб чиқилган лексик күникмаларни шакллантириш тамоили ҳам уч босқични ўз ичига олади: сўзларни муайян тематик гуруҳлар ичида хотирлашни, улардан кичик-кичик нутқ вазиятларида фойдаланишини ва, ниҳоят, катта коммуникатив жараёниларда уларни кўллашни кўзда тугади. Тамоийл амалий маънио касб этса-да, айрим эътиrozларни ҳам келтириб чиқаради. Месалан, сўзларни гуруҳлаш бўйича машқлар фақатгина якка ажратилган сўзлар орқали машқ қилишни кўзда тугади ва лексик күникма шакланишининг бутуни билан босқичи бўла олмайди. Якка сўзлар билан ишлашнинг муҳим ва зарурлигини тан олганимиз ҳолда, бу босқичда лексиканни ўзлаштириш бошланади деб тасавур қилиш қийин. Сўзнинг катта ва кичик контекстларда кўлланиши-нинг фарқланишига келсак, фикримизча, бу ҳолатда сўз кўллаш күникмаларини шакллантиришни аниқлайдиган психофизик жараёнилар бевосита намоён бўлмайди.

О.Г.Городилове ва ундан кейин А.Т.Воронин, И.И.Богданова, Ю.А.Бурлаковалар эса лексик күникмалар шакллантиришнинг 1) идрок этиш, 2) тәқлид қилиш, 3) трансформация қилиш, 4) бир мавзудан иккинчи бир мавзута ўғиши 5) сўзларни пугқуда эркинроқ қўллаш каби босқичларни таклиф қилишган. Мазкур босқичларга бўлиш схемаси инкор қилиб бўлмайдиган ҳақиқатни тасвирилаган, зеро ҳар қандай сўз ўқувчининг ахлат бойлигига айлантипи учун у қандайдир даражада идрок қилиниши керак ва уни тўгри талаффуз қилиш, ўзлаштирилиши учун ўқитувчига тәқлид қилиниб тақрорланиши зарур. Бироқ аналогия (бир грамматик формани бошқа бирнга монаид ўзгартириш), трансформация (грамматик конструкцияни бир турдан иккинчисига бош маъносини сақлаган ҳолда ўтказиш) на шу кабилар грамматикани ўргатишида асқотадиган стандартизациялар ва уларнинг тұтрыдан-тұтры лексикани ўргатиш соҳасига кўчирилиши, бизнинг фикримизча, ўзини оқламайди.

Лексик күникмаларнинг шакллантириш масаласида С.Ф.Шатилов дикъатга сазовор фикрлар билдиришан. У ишлаб чиққан концепция асосида ҳам А.Б.Ительсон таълимотидаги асосий ғоялар ётади: яъни тил аспектларини ўрганишда ўқувчиларда күникма ва малакалар ҳосил бўлишининг уч босқичи кўрсатилади. Аммо, А.Б.Ительсондан фарқи ўмарок, С.Ф.Шатилов бу уч босқичта кўйидагилари кирғади: 1) нутқ бирликлари билан ўқувчиларни таништириш; 2) ўқувчиларни нутқ бирликлари қўлланыладиган вазият билан таништириш; 3) нутқ бирликлари ситуатив-вариатив кўринишларини ўқувчиларга "ҳазм" қилдириш. Методика илмининг йирик намоёндаси С.Ф.Шатилов фонетик, лексик, грамматик күникма ва малакаларни ҳосил қилишга қаратилган машқлар ана шу уч босқичга муцтарак ҳолда тузилиши керак деган фикри ҳам айрим эътиrozлар туғидиради. Масалан, лексикани ўргатища стандартизациялаш (бир қомитга тушириш) босқичининг маъмунини охиригача тушунарли эмас, зеро С.Ф. Шатилов стандартизациялаш атамаси орқали ўзлаштирилаётган сўзининг намунавий қуршонини кўзда тутганми, ёки алоҳида сўзни ўзлаштиришни назарда тутганми, яъни қайси бир босқич ҳақида гап кетаёттанингни билиб олиш қийин. Агар иккичи ҳолат кўзда туғилган бўлса, у ҳолда унинг ўзи лексик күникмаларни ҳосил қилишда алоҳида босқични ташкилаш

қилмайди. Лексиканинг контекстул (сигуатив) қўлланилиши эса уни ўрганишнинг ибтидосидаёқ намоён бўлиб, ундан кўнишка ҳосил қилинишинг барча босқич-ларида фойдаланилади. Таъкидлаш жонизки, грамматикачи ўргатишда ўзини оқлаган услубларни тўтиридан-тўгри лексикани ўргатишга кўчириш ҳамма вақт ҳам ўзини оқдай бермайди.

С.Ф.Шатилов таълимотига биноан лексик кўнишка икки қисмдан иборат: нутгуда сўзни қўлмаш ва нутг жараёнида сўз ясаш. У буни нуткий лексик кўнишкалар сирасига киритади. Бу лексик кўнишкалар такомиллашиб лисоний лексик кўнишкаларга айланади. Лисоний лексик кўнишка, олимнинг фикрича, нуткий лексик кўнишмага қарама-қарши ўлароқ ўқувчида новербал лисоний фикр юритиш қобилиятини шакллантиради, мулоқот жараёнида эса унга тезкорлик ва кеңг қамровли жумлалар тузиш имкониятларини беради. С.Ф.Шатиловнинг лисоний лексик кўнишка тушунчаси П.Е.Гурвичнинг стереотипларга кўра тан ясаш – "стереотипное конструирование" (Гурвич, 1987, с. 76), Е.И.Пассовнинг кўнишманнинг онгли компоненти - "сознательный компонент в нарыке" (Пассов, 1991, с.45) ва В.С.Цетлиннинг ҳаракатлар маъмуаси қоидаларига олдинма-кетин амал қилиши – "исстепенное свертывание правил собранных действий" каби фикрларига жуда ўхшаб кетади.

Бу атамалар ва улар англаттан тушунчалар, юқорида таъкидлаганимиздек, кўпроқ грамматика ва грамматик кўнишкаларни шакллантиришта тегишли. Лексик кўнишмага эса бу тушунчалар факаттина лексик қоидалар қўлланган шароитлардагина алоқадор бўлиши мумкин. Лексик қоидаларнинг мавжудлиги ҳеч кимда шубҳа уйғолмайди. Аммо улар ўқувчиларнинг она тилидаги ва ўрганилаётган чет тилидаги лексик бирликларнинг мазмуни бирликларига нисбатан бир хил бўлавермайди ва ҳар бир тил лексик бирликларига нисбатан ўзига ҳос семантик қоидалар қўлланилиши керак. Агар инглиз ва ўзбек тиллари борасида тан кетадиган бўлса, бу тилларга нисбатан амал қилидиган лексик қоидалар бир-биридан тамоман фарқ қиласди. Масалан, *to prepare for*, *to be interested in* ва шу каби инглиз тилидаги бошқа лексик бирликларда маълум кўмакчилар қўлланилиши талаб қилинади, ўзбек тилидаги уларнинг муқобилларида эса бошқарув келишик қўшимчалари орқали ўзифодасини топади, қиёсланг: (*бирор нарсага*) *тайёрламоқ/тайёрланмоқ*, қизиқмоқ. Кўриниб турибдики, бу икки тилда

сўзларнинг бошқа сўзлар билан бириниш воленгтиги мос тушмаслик ҳолатига дуч келмоқдамиз. Умумтъилим мактабларида чет тили ўқитни дастури бунака қоидаларнинг моҳиятини очишни талаб қиласмайди. Таъкидлаш керакки, тўққизинчи синфнинг биринчи ярим йиллигидаги янги лексикани ўргатиш мўлжални, грамматика роҳасидаги дик кениң қамровли эмас ва умумлисоний материалнинг фақат 8 фойизини ташкил қулади.

Оғзаки нутқ кўникмалари ва грамматик кўникмаларни шакллантириш босқичлари концепциясини Е.И.Пассов ишлаб чиқсан. Унинг таълимотига биноан лексик кўникма-ларнинг шаклнаниши уч босқичда амалга ошади. Биринчи босқичда лексик кўникма идиз отади яныни дастлабки лексик кўникмалар шакллантирилади; иккинчи босқичда у такомиллашади; учингчи босқичда эса кўникмаларнинг нутқ жараёнида қўлланилиши кўзда туғилади. Фикримизча, лексик кўникмаларнинг ҳосил бўла бошлиши ва уларнинг такомиллашуви ўргасидан демаркация чизигини ўтказиш анча мушкул иш, зоро лексик кўникмаларнинг ҳосил бўла бошлиши ва такомиллашуви уларнинг шаклнанишидан ўзга нарса эмас. Мунозарали масала фақат шу билан чекланмайди. Грамматикани ўргатиш борасида сўз юритган Е.И.Пассов кўникмалар шаклнанишининг иш босқичида бир типдаги грамматик белгиларнинг (знакларини) ишлатилишини назарда туғади ва уларни нутқий машқларда бошқаларига қиёслашни ўқтирумайди. Такомиллашини босқичида эса, грамматик белгилар асоссан оғзаки нутқ учун мўлжалланган матнлар негизида тузилаган нутқий машқлардаги бошқа грамматик белгиларга қиёсланади Е.И.Пассов концепциясидаги учингчи босқич эса грамматикага умуман таалукди бўлмасдан, муаммоли масалаларнинг ечимини қамрайди. Бу муаммолар ечилиш жараёни ўрганилаётган тил белгиларининг нутқда қўлланилиш масалаларининг ечишини ҳам тақозо этади. Лексика бобида гап кетадиган бўлса, бундай босқичларни ўзаро бир-бирларидан ажратишни амалга ошириш ниҳоятда қийин. Биринчидан, янги лексика миқдори один ўтилган лексик материал миқдори билан меъёрлашуви керак, чунки биринчи босқичдан иккинчи босқични ажратиш учун янги сўзларнинг ишлатилиш кўлами билан одинги лексик материалнинг ишлатилиш кўлами ўртасидаги чегарани топиш қийин. Иккинчидан, учингчи босқичдаги муаммоли масалаларнинг ечими наинки шу

босқичда, балки чет тиали ўқитишнинг кейинти босқичларининг ҳаммасида ўқитувчининг диққат марказида туради. Умуман олганда Е.И.Пассовнинг лексик кўникумаларни шакллантириш концепцияси анча мантиқий ва бирмунча ижобий қирраларга эга. Агар биз у ишлаб чиққан лексик кўникумаларни шакллантириш босқичлари схемасини оғзаки нутқ кўникумаларини шакллантириш схемасига нисбатласак, ёки тайёрланмаган комбинацион нутқ малакаларини шакллантириш схемаси билан таққосласак, бунинг яққол гувоҳи бўламиш.

П.Б.Гурвич ўз тадқиқотларида лексик кўникумаларнинг шаклланиши масаласига маҳсус тўхтамасада, оғзаки нутқ кўникумла ва малакаларини шакллантириши ўрганишда бу масала борасида ҳам йўл-йўлакай айрим фикрларини баён этган. Унинг эътироф этишича, лексик кўникумаларнинг шаклланиши уч босқичда амалга оширилади: 1) текст тузилишигача бўлган босқич - янги лексик "ансамблга" кирадиган сўзларнинг ўзаро алоқага кириш йўллари ўқувчи миясида "пиширилиш" босқичи; 2) янги лексиканинг нутқий фаоллигини ошириш - ўзлаштирилиши лозим бўлган лексика олдин ўзлаштирилган сўзлар билан янги матн ҳосил қилишга қаратилган нутқий машқларни бажариш босқичи; 3) посттекстуал (матн тузилгандан кейинги) босқич - ўзлаштирилган ва ўзлаштирилиши лозим бўлган сўзларнинг ўзаро грамматик ва семантик алоқаларга тўлақонли кириши ва уларнинг нутқда кўлланилиш кўламини максимал даражага етказиши.

Юқорида куриб чиқилган лексик кўникумаларни шакллантириш концепцияларининг ятона умумий, сўзсиз ижобий, томони бор: уларнинг негизида, очиқча эътироф этилганми, бундан қатъий назар, сўз алоқалари микросистемасини кенгаювчан эволюцияси ётади. Бу эволюцияда лексик кўникумалар шаклланишининг психологияк ва психофизиологик моҳияти ўз ифодасини топади.

Маълумки, у ёки бу сўз бошқа сўзлар билан алоқага киришганлиги туфайли нутқда иштирок этади. Бу жараёни психофизиологик нутқни назардан талқин этадиган бўлсак, у ёки бу сўзнинг ҳар сафар нутқда ишлатилиши бошқа сўз ва сўз бирикмалари билан муайян грамматик ва семантик алоқаларга киришувини гувоҳи бўламиш..

Сўз, -дэйди А.Р.Лурия, - ўз потенциал алоқалар тизимишининг ҳаракатта келиши туфайли нутқда фъоллашади.

Шунинг учун ҳам лексикани ўзлалтириш жараёни охир оқибат уларнинг семантик ва грамматик алоқаларини ўзлостиришига, аникроғи ўқувчи онгида маълум бир тушунчалар ҳосил килишга ёрдам беради.

Нутқ жараёнини ўрганувчи психологлар ва психофизиологлар сўз алоқаларининг ранг-баранг турлари борлигини таъкидлашадилар ва алоқаларнинг бир қамта турларини аниқлаганлар. Бу алоқалар нутқда фаоллашиши учун ўқувчи онгида шаклланиши, стереотип нутқ намунаси тусини олиши керак. Шунинг учун ҳам лексик бирликларнинг асосий грамматик ва семантик алоқаларига нутқниег асосий стереотиплари тўғри қелади. Бинобарин, лексик кўникмаларни ҳосил қилиш сўз ва сўзга тенг бирикмаларнинг муайян нутқий стереотипларини шакллантиришта йўналтирилиши мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Айрим психолог ва психофизиологларнинг фикрича алоҳида олинган сўзларнинг (сўз формаларининг) стереотиплари, энг аввало номинация учун, яъни моддий борлиқдаги предмет ва ҳодисаларни номлаш учун керак. Нутқ жараёнинда сўзлар алоҳида ажратилган ҳолатидан ишлатилмасада. Фикрининг вербаллашиб амалиётида тил парадигматикасида алоҳида-алоҳида мавжуд бўлган лексик бирликларни стереотиплаштириши жараёнинг ҳам дуч қелади. Ўтказилган қатор тадқиқотларнинг натижалари шуни кўрсатадики, хорижий тиљдан ўзлостирилган лутат бойлигидан сўзлашуб жараёнинда эркин феидаланишининг зарур шарт-шароитлардан бири хотиграга ҳеч бир воситасиз (эслатишсиз) алоҳида сўзларни келтирин ва уларни оға тилидаги муқобилларга яшин тезлигида боғлайдиган "микротаржима стереотиплари"ни қўллашни тақозо этади. Бундай стереотипларни яратиш ва қўллаш нечонлик муҳим эканлигини эътиборга олмаслик шунин кўрсатадики, ўқувчиларда ана шундай кўникмалар шаклланмасдан қолади ва Бу эркин мулоқот жараёнининг юзага келишига тўғанок бўлибтинга қолмай, қўпгина ҳолларда нутқ жараёнинда сўзларнинг ўзаро алоқага киришидаги мантиқсиз ҳолатларнинг юзага келишига сабаб бўлади. Хорижий тиљни ўргатишнинг психологик ва психофизик асослари тадқиқ қилиш ҳам айнан микротаржима стереотипларини шакллантиришга йўналтирилган усул ва воситаларни ташлашни талаб қилади.

Якка ажратилган сўзлар стереотиплари тушунчасига чуқурроқ назар ташласак, унинг шаклланиши кўпроқ

сингтагматик эмас, балки парадигматик муносабатларга асосланган, деган холосага келиш мүмкін. Ана шу мұлоқазадан келиб чиққан ҳолда биз сўзларнинг парадигматик муносабатларини, қисқача кўриб чиқамиз.

СЎЗЛАРНИНГ ПАРАДИГМАТИК АЛОҚАЛАРИ

Ўқувчилар оңгидә сўзларнинг парадигматик алоқаларига оид кўнишка ва малакаларни шакллағтириш оңг аввало, ана шу лингвистик тушунчанинг моҳиятини очинини талаб қилади. Бинобарин, замонавий тиалшуносликнинг чет тили ўқитиши услубияти соҳасида қўяга кирифтилган айрим натижаларига тўхтаб ўтишини лозим тоғдик.

К.С.Жбанова кўрсатганидек, микротаржима стереотипининг ўзи "она тилидаги сўз - чет тилидаги сўз" кўринишидаги парадигматик алоқани намоён этади. Масалан, time - вакт, реace - ташчилик ва world - ер курраси, аммо to do home work - уйга вазифани бажармоқ ибораси билан ўша сўзларнинг парадигматик алоқаларини англамоқчи бўлсан, албатта қўшимча изоҳ талаб қилиши мүмкін. Бундай парадигматик алоқанинг зарурати шундаки, чет тили ўқитишининг илк ва ўрта босқичларида ўқувчиларнинг фикрларини она тилидан шаклланган кўнишка ва малакалар ёрдамида амалга оширилади ва шунинг учун фикрни баён қилишда "ички таржима" жараёни яққол намоён бўлади. Микротаржимада парадигматик алоқаларининг мавжудлиги "ички" (дилда бажариладиган) таржиманинг узлусиз ва яшин тезлигида амалга ошишини таъминлайди.

Таржима стереотипларига алоқадор бўлмагани айрим сўз шаклларнинг парадигматик хислатлари алоҳида аҳамият касб этади. Бундай сўзлар сирасига give - gave - given, calf - calves, good- better - best кабилар киради. Бу парадигматик муносабатлар нутқ жараёнида яшин тезлигида бажариладиган грамматик амаллар учун ниҳоятда катта аҳамият касб этади. Олдинги юқорида айтилган фикрларни умумлаштириш сўзларнинг тил системасидаги парадигматик алоқаларига ва уларнинг нутқий ифодасига алоқадор бўлган қўйидаги мұлоқазаларни ифодалаш имконини беради:

а) сўз маъносига беносита алоқадор бўлган ва юқорида қайд этилган микротаржима стереотипларини (она тилдаги сўз - чет тилдаги сўзни) уларни ўзаро таққослашига на она

тилига таржима қилиш ёки қиласликка қарамасдан маъно оттенкаларини дифференциациялашга имкон беради.

б) сўзниг талаффуздаги, ёзимицдаги аломатларини ва уларнинг муайян маъно билан бөгликлигини татминлағдиган рамзий белгисини (знаковый признак) ифодаловчи парадигматик муносабатларни фарқлашга ўргатади;

в) come - саше типидаги грамматик формалар стереотипларини қамраб оладиган парадигматик муносабатларни юзага келтиради;

г) по - to know типидаги фонетик-орфографик қарамакарши стереотипларини ифодалайдиган парадигматик муносабатларни фарқлашига олиб келади;

д) этимологик дублетлар, байналмилал лексик элементлар (republic - республика), ўзлагтирилган сўзлар (volley-ball - волейбол) ва лексик деривация (frend - дўст, friendly - дўстона, friendship - дўстлик) каби лингвистик ҳодисаларни англашга имкон берадиган парадигматик муносабатларни ўзлаштиришга ёрдам беради;

е) лексик бирликларнинг нутқ, феълари, ҳаракат феълари, мева-сабзавот номлари ва шу каби маъно-категориал таснифланишларига имкон берадиган парадигматик муносабатларни фарқлаб ўзлаштирилишига ёрдам беради.

Маълумки, ҳар қандай тил бирлиги, жумладан лексик бирликлар, нафакат парадигматик алоқалар, балки синтагматик алоқалар туфайли ҳам мулоқот бирлиги бўлиб ҳизмат қилиш имкониятига эга. Шундай экан, сўз синтагматик муносабатларини ўқувчиларга тушунгириш алоҳида аҳамият касб этади. Шунинг учун бу масалани алоҳида ўрганиш мақсадга мувофиқdir.

СЎЗЛАРНИНГ СИНТАГМАТИК АЛОҚАЛАРИ

Сўзларнинг синтагматик алоқалари шакланиши замирида муайян сўз биримлари, айрим ҳолларда эса ўрганилаётган сўз ишлатилган ва ўқувчилар онгида шакллантирилиши зарур бўлган жумлалар стереотиплар ётади. Бу борада методик адабиётларни ўрганиш шуни кўрсатадики, сўз биримлари ва жумлаларнинг андозаланган турларини - "рекурент белгиларини (рекурентных знаков)", яъни "истеъмолга тайер" нутқ материалларини

ўқувчилар томонидан ўзлаштирилиш биринчи бўлиб Э.П.Шубин томонидан тадқиқ қилинган. Унинг фикрича будай лисоний бирикмалар ўрганилаётган чет тилида фикрни баён этиш, яъни жумлалар тузиш учун "Курилиш" материали бўлиб, аналогия ва субституция усуллари ёрдамида япти нутқ бирликларини ясаш учун асос бўлиб хизмат қиласди.

Демак, таркибида ўрганилаётган сўз мавжуд бўлган ва коммуникатив нуқтаи назардан жуда катта қийматта эга бўлган тайёр сўз бирикмалари ва жумлаларнинг ажратиб олиниши ва ўқувчилар томонидан ўзлаштирилиши катта методик аҳамият касб этади. Ҳозирги гайдада умумтаълим мактабларида қўлланилаётган инглиз тили дарслеклари муаллифлари томонидан бу масала, шубҳасиз, ишобатта олинган. Масалан, маълум мавзу бўйича тайёр сўз бирикмалари ва жумлаларнинг такрор-такрор қўлланишига йўчалтирилган нутқий машқлар бунга мисол бўла олади.

Дарҳақиқат, сўзларни тайёр бирикмалар яъни нутқ намуналари таркибида ўзлаштириш уларнинг ишлатилишидаги ўзгарувчанликни кам миқдорда таъминлайди, лекин тўхталиш юз берган ҳолларда, сўзни қайта эслаш жараёнида будай бирикмалар сўз қўлланилишининг бирламчи намунаси сифатида намоён бўлади ва улар ёрдамида тезда керакли лексик бирикмаларни топиб олиш мумкин.

СЎЗЛАРНИНГ КАТЕГОРИАЛ АЛОҚАЛАРИ

Сўзларнинг парадигматик ва сингагматик алоқалари ажратиб бўлмас даражада ўзаро боғланиб кетиши нагижасида, аввало, сўзларнинг категориал алоқалари, сунгра, уларнинг категориал гурӯҳлари юзага келади. Бу стереотиплар сўзларнинг комбинацион фаоллигини ва уларнинг грамматик ҳамда семантик жиҳатдан тўғри ишлатилишини таъминлайди. Агар қандайдир бир сўз музийн категориал умумийликка эга бўлгая бир қатор бошқа сўзлар билан алоқага кира бошласа, унда ўша сўзниң шу категорияга мансуб бўлган бошқа сўзлар билан алоқалар ўрнаташга "мойиллиги" оргади. Бу "мойиллик"нинг ўсиши нутқий тажрибада юзага келадиган лексик алоқалар миқдорига ва қўлланилаётган турли лексик компонентлар сонига муштарак ҳолда амалга ошади. Ўқувчилар Io prepare for

феъли ёрдамида ўз нутқида *to prepare for the anniversary of Uzbekistan* каби иборани ясаганларида *to prepare for + байрам категорияси* каби янги алоқа ҳосил бўлади ва бошқа категориал тушунчалар билан шу йўсиңда ва худди шу категория чегарасида янги лексик-семантик алоқаларнинг кенгайиб бориши осонлашади. Қатор тадқиқотлардан маълумки, бир сўзнинг маълум бир қатерияядаги қатор сўзлар билан бирикиши қобилияти сўзнинг илгаридан тайёрланган қўпгина нутқ курилмаларида ишлатилишини таъминлади.

Категориал алоқалар ёки категориал кетма-кетлик стереотиплари нутқда сўзларнинг семантик ва грамматик жиҳатдан тўғри ишлатилишини таъминлашади. Сўзларнинг нутқда ишлатилиши (шу билан бирга нутқнинг ўзи ҳам) уларнинг муйайн бир категорияи ёки бир неча категорияларга (семантик, грамматик) тегишилиниги категорияларга ўргасидаги стереотип алоқаларга мос равишда амалга ошади. Категориал алоқаларнинг моҳияти, ўз навбатида, сўзнинг парадигматик ва синтагматик алоқаларининг уйғулигидә ифодаленади, шунинг учун сўзнинг маълум бир категориал туркумга киришининг ўзи, аслини олганда, парадигматик алоқадир, лекин бу алоқа синтагматик алоқалар йигинидисидан пайдо бўлади, яъни сўзларнинг парадигматик қатори бошқа қатор бирлеклари билан бўлган синтагматик алоқалар мавжудлигини тақозо этади. Парадигматик ва синтагматик алоқаларнинг доимий муносабати натижасида сўз ва сўз бирикмаларининг маълум категориал қаторлари стереотипи вужудга келади. Бу лексеманинг маълум бир категорияядаги сўзлар билан бирикишини талаб қилувчи стереотипдир. Бунда сўзнинг категориал "хулқи" намоён бўлиб, сўзларнинг маълум бир категория вакиллари сифатида бошқа категория вакилларига нисбатан "нутқла ўзларини ҳандай тутиш"ларини кўрсатади.

Демак, лексик кўнижманинг шакланишида сўзнинг ўзига хос синтактик позициясини унинг боцида грамматик формалари билан муштарак ҳолда эътиборга олинниши мозим. Айнан шу нарсани сўзнинг грамматик категориал ҳамда семантик категориал хислатларига нисбатан ҳам айтиш мумкин. Буни *to take place* бирикмаси мисолида қўйидагича исботлаш мумкин:агар бу сўз бирикмасини ўқувчилар нутқ амалиётида *tagbir*, ўрин-пайт каби семантик категорияларга алоқадор бўлган: *the concert, the day before, last week, on*

Monday, at our school, at the concret hall ва ҳоказо сўзлар билан бирекиб ишлатилишина ўзлаштирилиши мумкин.

Ҳар бир синтактик позицияни лексик элементлар билан максимал тўдирип мазкур феълнинг грамматик жиҳатдан тўри қўлланилишини таъминлайди. Ҳар қандай гапнинг грамматик ва семантик жиҳатдан тўғрилиги юқорида санаб ўтилган барча стереотип алоқаларнинг ўзаро мураккаб муносабати билан боғлиқдир. Аммо бу шарт ўқувчилар она тилидаги маъно муқобиллари структурасидаги фарқлари сабабли ўзлаштирилиши қийин бўлган лексик бирликларга алоқадор эмас. Бундай сўзнинг семантик категориал хислати, биринчидан, нутқий мулоқот шароитида бир турдаги бирималарни кўп миқдорда ҳосил қилиш йўли билан ўзлаштирилса, иккинчидан, -хилма-хил лексик бирликларнинг қўлланишини фарқлашга мўлжалланган машқлар воситасида амалга оширилади.

СЎЗЛАРНИНГ СПОНТАН ФАОЛЛАШУВИДА АСҚОТАДИГАН ЛЕКСИК АЛОҚАЛАР

Услубий, педагогик ва психологияк адабиётларда кўрсатилишича, сўзларнинг нутқда тўғри ишлатилиши уларнинг спонтан фаоллашуви деган гап эмас. Сўзнинг автоматик тарзда, ихтиёrsиз фаоллашуви олдиңдан мўлжалланган нутқий бирликлар машқларини бажарилиши билан ҳам боғлик эмас. Шунинг учун кейинги пайтларда ўқувчарнинг нутқ фаолиятини спонтан таъминлаб турадиган сўзлар алоқалари мажмуасини тузиш талаби илгари суряляти.

Сўз алоқалари - у ифюдалаган тушунчача алоқадор муносабатлар, функциялар ва хусусиятларнинг ашёвий кўринишидир. Инсон ўз ҳаётий тажрибаси давомида маълум тушунчанинг ўзига зарур томонларини акс эттирувчи алоқалар, муносабатларни идрок қиласди ва қайд қилиб боради. Муайян тилда сўзлашувчи барча кишилар учун бир хил бўлган асосий алоқалар гурӯҳидан ташқари, тушунчанинг можияти, унинг ижтимоий, касбий ва айрим қирралари турли шахслар томонидан турлича талқин қилинади. Нугқининг психофизик масалаларини ўрганган йирик немис психофизиологи Г.Роҳарернинг фикрига кўра, сўзнинг нутқда спонтан равишда фаоллашуви сўзловчининг ички нутқий

фиркини ифодалайдиган жумлалар ҳосил бўлишидан оддин рўй берадиган "сўз алоқаларининг тегишини томонлашни жўнбушга келтириш"га асосланганди. Шунинг учун ҳар бир шахсда сўзниң спонтан фаоллиги даражаси ҳар хил бўлиши мумкин. Чег тилига ўргатиш жараёнида она тилидаги сўзниң спонтан фаоллигини таъминлашдиган алоқалар жуда ҳам кам миқдорда ихтиёрсиз тарзда чет тили эквивалентига кўчади

Юқоридаги ҳодиса сабабларини муаллифлар ҳар хил тушунтирулар, лекин чет тилидаги сўзларниң спонтан фаоллигини таъминлашдиган ҳодисалар можияти тўгрисида бир хил фикрдалар. Хорижий тилдати сўзларни, аввало, фирмни ифодалашда асосий комуникатив вазифа бажарувчи бирликларни, автоматик тарзда қўлланишини таъминлаш учун улар замирида ётган тушунчаларниң алоқаларини онгда тиклаш лозим. Демак, сўзниң спонтан фаоллитини таъминлашдиган алоқаларни ўрганиш зарурияти пайдо бўляпти. Бу мақсадда барча лутат бирликларни ўрганиш шарт эмас, балки нутқ мавзуси чегарасидаги энг муҳим сўзларни, асосан, сухбат мавзусининг асосий мазмунини ифодаловчи аниқ (конкрет) отлар ва баъзи феъллар, шу билан бир қаторда, ҳис-туйгуларни ифодалаш учун хизмат қилувчи мавхум сўзлар (феъллар, отлар, сифатларни) ўрганиш мақсадга мувофиқдир. Хорижий лексиканинг спонтан фаоллигини таъминловчи алоқалар мажмуасини ўқувчилар онгда тўлиғича шакллантиришни чет тили ўқитишининг юқори, жадаллаштирилган босқичида амалга ошириш мумкин. Аммо мактабдаёқ кўпгина муҳим нутқ бирликларида сўз қўллаш тажрибасининг юқоридаги тушунчаларга ҳос белги ва хоссаларни ўзида акс эттира олишини таъминлаш керак. Бинобарин, optional classes сўз биримасини оладиган бўлсақ, ўқувчи уни what optional classes he attends, why he has chosen certain optional classes and not other ones, in what they can be help to him каби нутқий қурилмаларда ишлата олгандагини, бу сўз биримаси ўзида спонтан активликни касб этади. Буларнинг ҳаммасини ўрта бўгин синфлар доирасидаги лексик-грамматик материал ёрдамида ифодалаш мумкин. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, лексик минимумга кирган сўзларнинг спонтан фаолликни таъминлашга қаратилган алоқалари ва сўз қўллашнинг ана шундай қирралари мавжуд дарсликлардаги нутқий машқларда ўз ифодасини топган.

СҮЗЛАРНИНГ ТЕМАТИК АЛОҚАЛАРИ

Н.И.Жинкин ўзининг охирги ишларидан бирида фикр ва унинг лисоний ифодасини ҳосил қилишда теманинг тутган мұхим ўрни ҳақида дікқатта молик фикр баён этган. Олимнинг назаридә ҳар бир фикрнинг ибтидосида сўзловчига таниш суҳбат мавзусининг кичик бўлакчаларини ўзида намоён қилувчи "катта мазмун" ётади. Нутқ бирликларини тузиши жарёнида дастлаб мазмун-мавзу ва кичик мавзучалар орасида ўзаро боғланиши ҳосил қилинади, кейин уни кенгайтириш ва конкретлаштириш жараёнида ушбу "семантик тузилмадан" маълум сўзлар қатори танлаб олинади. Айрим психологияк-методик манбаларда "тема-подтема-сўз" стадиалиги (босқичланиши) шубҳа остига олинади, лекин ўз она тилида сўзловчилар учун тема ва подтеманинг одатий кўникмаларга айланиши катта аҳамиятта зоталиги қайд қилинади. Чунки ҳатто чет тилидә ҳам, кўникма бўлиб қолган мавзуларда фикрни баён қилиш осонроқ кечади. Бинобарин, юқорида қайд қилинган лексик алоқалардан ташқари, сўз ўзининг "тематик алоқалари" билан киши онгига сингиб кетади. Таъкидлаш жоизки, ҳар бир сўз бир қатор тематик гуруҳларга кириши мумкин. Бу эса сўзининг тематик алоқаларини тиклаш нечоғлик мұхим эканлигини тасдиқлайди ва сўзининг бошига янги лексик бирликлар билан кенг миқёсда маълум тематик шароитда қўлланишини акс эттирувчи машқлар мажмуасини яратиш зарурлигини асослайди. Сўзларни нутқда тўғри ишлатиш кўникмасини шаклланишини кафолатладиган лексик алоқаларнинг асосий турлари шулардан иборат. Юқорида кўрсатиб ўтилганидек, лексик алоқаларнинг шаклланиши сўз ўзлаштиришнинг туб моҳиятини ифодалайди. Шунинг улуу лексик кўникманинг энг асосий хусусияти ва таърифи қенджайдир даражада юқорида биз санаб ўтган лексик алоқаларнинг шаклланиш конунгияларига асосланади.

Лексик кўникманинг моҳиятини янада чуқурроқ очиб беришдан олдин юқоридаги фикрлар юзасидан айрим мулоҳазаларни билдиримоқчимиз. Юқорида санаб ўтилган бир қанча муаллифлар, жумладан, Е.И.Пассов, лексик кўникмага таъриф берадигандай, ўқувчининг сўз танлаш қобилиятыни алоҳида таъкидлаб ўтади. Сўз танлаш бўйича бажариладиган ҳаракатни умумийлаштириш ҳам айрим зътиrozларни тутдиради. Масалан, тайёр сўз бирикмалар

стереотиплари билан иш күраётган сўз танлаш бўйича ҳеч қанақа ҳаракатни амалга оширмайди. Лекин, керакли кўламдаги сўз бирикмаларини билиш ва улардан фойдалала олиш лексик кўникманинг муҳим қисмини ташкил қиласди. Бироқ, гап фақатгина бунда эмас. Танлаш тушунчласининг ўзи ҳеч бўлмагандага маълум катордаги сўзларнинг ички фаоллашувини талаб қиласди ва кейинчалик шу қатор доирасида танлов эълон қилинади.

Бу ҳодиса кўникманинг шаклланиши жараённида аҳамиятлидир, аммо муайян сўз лексик кўникма юзага келганига қадар ўзлантирилган бўлса, танлаш учун айрим сўз каторларини шафоллашуви содир бўлмаслиги мумкин. Грамматик ва семантик жиҳатдан ҳеч қандай қийинчлик тутдирмайдиган якка сўзлар билан ишлашда лексик кўникма юзага келаудими? деган саволга ҳам жавоб топиш керак бўлади.

Грамматика содасида албатта, айрим ҳолларда, масалан, кишилик олмошлиари, Past Indefinite tense шаклларини кўллашда кўникма юзага келишини қайд килиш мумкин, лекин harvest ва winter сўзларини кўллаш кўникмаси ҳақида гапириш тўғри бўларми кан?. Агар лексик кўникманинг муҳимлигини сўз алоқалари деб ҳисобласак, маълум бир сўз ўруржларини кўллаш кўникмаси ёки, аниқроги, муайян бир микдордаги лексик бирликлар мажмусини кўллаш кўникмаси ҳақида гапириш макналга мувофиқ бўларди. Шунинг учун муайян бир сўзни кўллаш кўникмаси тушунчасини ишлассилишини шартли равнища қабул қилишимиз мумкин.

Лексик кўникманинг шаклланганлигини таъминловчи ҳолатларни алоҳида тасвирлаб бешишга ҳаракат қиласми:

а) чет тили лексик бирликлари ва улариниң она тилидаги муҳобилларини топишни автоматик йўсинганда бажа-ришга эришиш ҳамда бу ҳаракат самарасиз бўлган пайдада тўлиқ изоҳлари билан берилган "ўзбек сўзи - хорижий сўз" микротаржима стереотипидан эркин фаоллаштиришини тақозо қиласди;

б) тезда эслаб тушариш ва эслаб қолини таъминловчи сўз парадигматик алоқалари стереотипларининг мавжудлигини ҳисобга олиш зарур бўлади;

в) таркибида ўрганилаётган сўз мажкуд бўлган кенг кўламда кўлланиладиган сўз бирикмаларини танлаш зарурияти келиб чиқади;

г) лексемаларнинг муайян категориядаги сўзлар билан ҳеч қандай семантик қийинчиликларсиз биринишини таъминловчи алоқалар йигиндисининг мавжудлигини ўзлаштириш лозим бўлади;

д) семантик қийинчиликлар мавжуд бўлган ҳолларда сўзлар гурухидан бирортасининг тўгри танлаб олиш учун кўл келадиган алоқаларнинг шаклланганлигини таъминлаш зарур бўлади;

е) сўз формаларини қўллаш ва ҳосил қилишда грамматик жиҳатдан тўгри ишилатишни таъминловчи алоқаларни шакллантириш, бу борада морфологик ва морфосинтактик аспектлар фарқланиш талаб қилинади. Кўникманинг шаклланганлиги бирор бир сўз кўлланишини у грамматик биримидаги бошқа сўзларга боғлиқ эканлигини билишни таъозо қиласди, масалан, *yesterday he took*;

ё) муайян синтактик ўринни конкрет сўзлар билан тўлдириш синтари, сўзнинг гафдаги ўрнини аниқловчи синтактик алоқалар мавжуд. Масалан, ҳол биримаси таркибидағи оғнинг воситали тўлдирувчи вазифасида келишилиги;

ж) сўзнинг мантиқий алоқаларининг шаклланганлити. Мажъумки, айнан йўсинда сўзнинг асосий белги ва хусусиятлари ифодаланади ҳамда юкорида кўрсатиб ўтилганидек, худди шу алоқалар мажмуаси керакли сўзни тез топиб қўллаш шартини яратади;

з) сўзнинг тематик белгиланганлигини таъминловчи муайян мазмундор мавзуни матнига кириши. Фикримизча, лексик кўникма шаклланишининг психологик методик маҳияти ана шулардан иборат.

Шубҳасиз юкорида санаб ўтилган белгиларнинг барчаси ҳар қандай лексик бирликларни қўллашнинг маҳиятини тўлигича очиб бермайди. Масалан, *to put* феъли нутқнинг морфологик ва морфосинтактик тўтилигини таъминловчи ҳеч қандай алоқаларни шакллантиришга ҳожат сезмайди. Мантиқий алоқаларга ҳам барча сўзлар эмас, балки кенг қўлланишдаги "асосий" сўзларгина оҳтиёж сезади. Аммо юкорида берилган тавсиф сўзланиш учун лексикани қўллаш кўникмасини мулокот жараёнида намоён бўлишида асосий ўрин згаллайди.

Айттиб ўтилганилардан, фикримизча, анча аҳамиятта эга бўлган қўйидаги хуносага келиш мумкин. Сўзни биринчи ўзлаштиришдаёқ, унинг турли хусусиятли ва кўринишли алоқаларини шакллантиришининг иложи йўқлиги тушунарли.

Лексика доимо түлих бирлик тарзда оғзаки нұтқда ёки уйда ўқиши машылғоларида ёки мавзулараро сұхбатда үзлаштырилади, ҳамда бу сүз алоқалари мажмұасининг мұнгатазам ва устма-уст шаклантириш ҳаракати нұтқий фаолият ривожининг ўзига түсік бўлиб хизмат қилған бўларди. Шунингдек, кўрсатилган сүз алоқаларі умуман шакланган бўлиши лозим ва лексикани ўқитиш фақаттана лугат бирликларини үзлаштыриши узоқ давом этган машқдар налижасида юзага келадиган алоқалар "кўрсаткич"ига риоя қилған ҳолда фаоллашуви қонуниятларига риоя қилинип керак.

Лексика устида ишләшининг энг кагта камчиликаларидан бири, назаримизда, бу киритилган сўзининг кейинчалик етарли даражада тақрорланылмаслыгидадир: дарслеклар на методик қўлланималар муаллифлари. Лексик бирликларни оддий усуlda тақрорлаш имконини берадиган машгумотлар билан чегараланиб қолиб, бир мухим омилни эътибордан четда қолдирадилар. Сўзининг кейинги босқичларда қўлланиши уни илк бор ўргатища тўлигича шакланмаган алоқаларини мукаммалроқ шакланишини татымилаб бериши лозим. Шундайни лексикани тақрорлашнинг туб мөдияти амалга оширилади. Алоқалар шакллатишенинг шу тириқа мукаммаллашувида лексик кўникма ҳосил қилиш режаси намоён бўлади.

Аммо юқорида айтиб ўтилган фикрлар қўйидаги қатор изоҳларга муҳтюж:

1) Лексик бирликларнинг матлум гурӯҳ ёки турларига табақалаш, (масалан, грамматик жиҳатдан қийин ва осон сўзлар, асосий ва иккиласмчи лексик бирликлар ва бошқалар) алоҳида аҳамият қасб этади.

2) Лексик алоқалар тизимини шаклантириш режали равищда ва удабурронлик билан икки йўналишида амалга оширилиши керак. Бир томондан алоқаларни шаклантириш мўлжаллаган махсус лексик машқлардан фойдаланишни талаб қиласа, иккинчи томондан оддин киритилган лексик алоқалар мажмунини мунгатазам равищда таҳоилиллаштириш ва кенгайтиришини ўзини-ўзи таъминлайдиган нутқ кўникмаларини ривожлантиришини кўзда тутиши лозим. Мактаб шарситида айниқса иккинчи усул муҳим аҳамият қасб этади.

Юқорида айтилган фикрлар лексик кўникма тушунчасини ва унинг шакланиш жараёнини аниқлашпа ёрдам беради. Буларнинг ҳаммаси оғзаки нұтқда хорижий сўзларини малзакали даражада баён қилишга ўргатишини,

уларни тез құллай олиш ва чет тили нормаларига биноан бажарылаётганиңа кафорлат бериш зарур.

Хорижий лексикаға ўрганишнинг ўзига хос хусусиятлари асосида лексик күникма доирасини шакллантириш босқычларини қатый тарзда чегаралаб қўйишпинг умуман имкониятий йўқ. Лексикани, хусусан, ундан нутқ жараёнида фойдаланишга ўргатиш - бу доимо ҳаракатдаги, кенгайиб борадиган турли туман алоқаларнинг шаклларини жараёнини қамраб олувчи фаолият ва ушбу жараёни у ёки бу қисмга бўлиш мушкул масала.

Бу ўринда шартли рәвишда қўйидаги босқычлар ҳақида тапириб ўтиш мумкин:

а) дастлабки-қатый бошқариладиган лексик алоқалар мәзмунининг кенгайиш босқичи;

б) иккиласчы-унчалик қатый тарзда бошқарилмайдиган лексик алоқаларнинг кенгайиш босқичи;

в) бошқарив бўлмайдиган ҳолатдаги лексик алоқаларнинг кенгайиш босқичи.

Аммо бу чегараланиш шунчалик шартлидирки, унинг бирор бир муҳим амалий аҳамиятга эгалиги эҳтимолдан йироқ. Лексик күникманинг шаклланиш жараёнини аниқлаши учун сўз спецификаси доирасида талаб қилинадиган алоқа турларининг пайдо бўлиши ва уларни аниқ оғзаки нутгуда фаоллашув имкониятларини зътибордан четда қодирмаслик керак. Ушбу масалани кейинги бўлимда янада тўлароқ кўриб чиқишга ҳаракат қиласиз.

ЧЕТ ТИЛИ ЛЕКСИКАСИГА ЎРГАТИШ ТАМОЙИЛЛАРИ

Мулоқотда асқотадиган лексик кўникмалар масаласининг юқоридаги талқини чет тили лексикасига ўргатиш, тамойиллаш, қайта кўриб чиқиш ва уни ўзгачароқ талқин қилиш имконини беради. В.А.Бухбиндер ишларининг катта қисмида айнан шу масалалар ўз талқинини томонан. Ўқитиш услубиёти фанининг йирик мутахассиси бўлган бу олим чет тили лексикасига ўргатишнинг 7 тамойилини кўрсатади. Булар қўйидагилар:

1) ўқитиш жараёнида лексик минимумни рационал чеклаш;

2) ўқитиш жараёнида бериладиган лексик бирликларнинг тематик йуналишини таъминлаш;

3) лексик бирликларнинг лингвистик хусусиятларини ва уларни ўзлаштиришининг психологияк томонларини инобатта олиш.

4) чет тили таълимийнинг психологик ва дидактика қонунларига риоя қилиш;

5) ўқувчиларнинг потенциал ва реал лугат бойлигини бир-бири билан боғлиқ ҳолда шакллантириш;

6) сўзларнинг семантик умумлашувларига таяниш;

7) ўқувчилар томонидан лексикавининг ўзлаштирилиши ва уларда оғзаки нутқ кўникумаларини шакллантиришни бир меъёрда олиб борили.

Бу тамойилларнинг аниқланиши, шубҳасиз, лексикага ўргатиш услубиётитга қўшилган катта хисса бўлиб, уләрдан ҳеч бирининг аҳамиятини инкор қилиб бўлмайди. Аммо, ўқувчиларни ўрганаётган тида гапиритириш орқали тил таълимийнинг характеристикини аниқлайди, услубий тамойилларидан келиб чиқсан ҳолда, қўйидаги мулоҳазаларни айтиб ўтишини тақозо қиласди.

Лексикага ўргатиш аниқ бир метод асосида амалга оширилиши керак. *Метод ва методик тамойил тушунчаларини машҳур методист И.В.Рахмонов ўзига хос изоҳдаган. Масалан, у методни тил таълимидағи йўналиш, методик тамойил эса тил таълими борасидағи асосий назарий гояларнинг мажмуаси деб изоҳлайди. Агар лексикани ўқитити методи ҳақида гапирадиган бўлсак, бу борада В.А.Бухбинцдер томонидан ишлаб чиқилган тамойиллар, таъкидлаш керакки, бошқа методистлар таклиф қилган методлардан аълороқ ва ўзининг универсаллиги билан ажралиб туради. Бу тамойилларнинг барчаси воситали ва воситасиз чет тили ўқитиш тарафдорларига ҳамда онгли-коммуникатив метод жонкуярларига ниҳоятда қўл келган.*

Аммо, В.А.Бухбинцдер таълимотидаги тамойиллар гарбий Оврупо ва АҚШ мактабларига ҳеч ҳам тўғри келмасада, ҳеч кандай қоидаларига риоя қилмай чет тили ўқитишни кўзда тутувчи тўғри метод билан илмий асослашган онглилиж методи ўртасидағи тафовутларни қамраб олмаган. Шу муносабат билан қўйидагиларни кўрсатиб ўтишини лозим топдик.

В.А.Бухбинцдернинг еттига тамойилларидан кўпчилиги ўз-ўзидан маълум бўладиган "ҳақиқат" - аксиомалардири. Масалан, ўрта мактабда ўқувчиларга чет тилидаги барча сўзларни ўқувчиларга ўргатиб бўлмайди, бинобарин ўрга

мақтаб учун лексик минимум таңлаб олиниши керак (1-принцип). Янги лексиканы маълум мақсадда амалга ошириладиган нутқ фаолияти билан борлиқ ҳолда ўқув жараёнинг киритиш кераклигига ҳеч қандай шубҳа йўқ. Ҳатто чег тили ўқитишининг лексик-таржима методи қўлманилган пайтларда ҳам, янги лексиканни ўқувчиларниң кейинги оғзаки ёки ёзма нутқ фаолиятидан ажратилган ҳолда ўқув жараёнинг киритиш маъкул деб топилмаган (2-принцип). Дидақтик ва психологик қонуниятларга муніципар ҳолда иш тутиш тамоили ҳам аксиома (4-принцип). Чунки бу принципга ҳар қандай нутқ фаолиятида, чег тилининг ҳар қандай бирлигига -хоҳ у фонетик, хоҳ у лексик, хоҳ у грамматик ва ҳоказо бўлсин! - ўргатишида қатъий қилиниши керак. Янги лексиканни ўзлаштириш билан оғзаки нутқ кўнишка ва малакаларини шакллантиришнинг чамбарчас боғлиқдиги (7-принцип) тамоили иккичи тамоилининг ўзгачароқ ифода формасидир ва аслида бу ҳам аксиоматик характерига зига. Бу тамоилларга яна уларниң аниқ ифодаланишига бўлган эҳтиёжни асло инкор этмасдан, шуну қайд килиш жоизки, улар лексиканни ўқитиши жараёнини етарли даражада қамрамайди ва унинг дегалларини конкретлаштирумайди. Келтирилган тамоиллардан айримлари (3,5,6) илмий жиҳатдан чуқур ишланганлиги ва долзарблиги билан бошқаларидан ажralиб туради.

Юқорида баён қилинган фикрларга таяшган ҳолда, чег тилларни ўқитиши методикасининг ҳозирги ривожланиш босқичида лексиканни нутқий мулоқотда қўллай олиш малакасини ўргатиши жараёнини кўрсатиб берадиган тамоилларни аниқлаш яна уларни тадбиқ этиш йўлларини асослаш вазифаси ўз долзарблитини йўқотмаганлигини кўрамиз.

Фикримизга юқорида тасвирланған тамоилларга кейинги тадқиқотчилар томонидан аниқликлар кириглади. Онгли қиёсий метод биринчи ва асосий манба бўлган. И.В.Рахмонов онгли қиёсий метод замирида тўргта зидданиши (оппозиция) имманентлик; тажрибанинг ҳар икки (ижобий ва салбий) хилаига ҳам таяниши - фақат ижобий тажрибага тачниши; нутқ фаолияти аспектларига параллел, кетма-кет ўргатиш; тил материалининг ўзлаштирилишига дифференциал ва нодифференциал ёндошиш каби тамоилларни илгари сурған.

Онглилик методининг асосий тамоиллари кейинчалик

П.Б.Гурвич томонидан қўйидағича ойдинлаширилган.

Таққослаш - бу бутун ўқув материалини турлар ва қисмларга ажратиш, ҳамда уни тушунтиришда, машқлар бажаришда ва таржимада намоён бўладиган она тилини ҳисобга олиб, унга таянган ҳолда иш олиб боришни талаб қилувчи услубий фаолиятдир. Иккни ёқдама (салбий ва ижбий) тажрибага таяниш тамойили қўйидағича ифодаланади. Салбий тажрибага таяниш нутқда фикрни баён қилишни ақлий фаолият тил орқали ифодаланишини такомиллашгиреш асосида тўғри йўлга қўйишни тақозо қиласди. Демак, тил материалига ўргатиш аста-секинлик билан автоматизмни шакллантиришта олиб борувчи тил орқали ифодаланадиган онгли ҳаракат ёрдамида амалга оширилади.

Нутқ фаолиятининг барча турига параллел ўргатиш тамойилини қўйидағича аниқлаш мумкин. Параллел ўргатиш нафақат нутқ фаолияти турларига (оғзаки нутқ, ўқиш, ёзма нутқ) нисбатан, балки бу фаолият турлари талаб қиласиган материалга нисбатан ҳам қўлланилади. Бунча лексик ва грамматик материал тўлалигича ўзлаштирилади ва бир йула ҳаракатга келтирилади, шу туфайли унинг ўзлаштирилиши таъминланади, яъни эшитилаёттан бирлик шу пайтнинг ўзида талаффуз этилади, ўқиласди ва ёзилади. Оғзаки нутқ устиворлигига, умуман олганда, аҳамият берилмайди, чунки бир дарс чегарасидан чиқиб ўргатилган тил материални ўзлашгирешни мустаҳкамлайди. Шунинг учун ушбу тамойил тил материалини комплекс тарзда эгаллаш, яъни уни ўрганишида эшитиш, талаффуз қилиш, ўқиш ва ёзишни бўлак-бўлак эмас, балки биргаликда слив боришни тақозо шади. Айнан шу талқинда ушбу тамойил лексикага ўргатиш асосини аниқлаб беради.

Оғзаки ёки ёзма нутқ иширикига мувофиқ тил материалига дифференциал ёндошиш В.С.Цетлин, Б.А.Лапидус, П.Б.Гурвич ва бошқаларнинг ишларида ҳар томонлама назарий ёритилган ва тажрибалар орқали исбетланган. Тил материали, оғзаки ёки ёзма нутқда иширик этиши ёки этмаслигидан қатъий назар, ўргатиш жараёнида унинг нутқий "образ - тасвирини" яратиш лозим. Лекин унинг характери ва шаклланниш йўллари тил белгиларнинг функционал қўлланишига (фақат ўқиш учун ёки оғзаки нутқ ва ўқиш учун), уларга хос ҳусусиятларга, ҳамда ўрганувчиларнинг тил бўйича тайёргарлик даражаси,

ўқитиши шароитига иисбатан фарқланған бўлини керак.

Чет тилига ўргатиш жараёнида ўқувчининг ихтиёрий ва ихтиёrsиз дикқатини мажбурий мослашувини талаб қиладиган методик тамойилни алоҳида ажратиш мақсадга мувофиқ, деган фикр ҳам ўзига ярага қизиқиши ўйготади. Маълумки, бевосита ва билвосита тил ўргатиш методи тарафдорлари тил материалини кўр-кўрона ёдлаб олишга қаршиидирлар ва лексика ҳамда грамматикани нутқда қўллаш орқали ўзлаштиришининг устунилигини эътироф қиладилар. Шунинг учун ҳам эркин ва мажбурий хотирага киргизиш комплексини алоҳида методик тамойил сифатида тан олиш мумкин.

Лексикани ўқитиши тамойилларини аниқлашда кўпгина муаллифлар томонидан илгари сурилаётган чет тили ўқитишига комплекс ёндашиш тарғиботини ҳам қўшиш мумкин. Бундай тил материалини ўзлаштириш режасида грамматикага ўргатиш бутун лексикани қамраб олади ва, аксинча, сўз ўргатища унинг барча грамматик шаклларини ўзлаштириш назарда тутилади. Баъзан методистлар етакчи методик тамойил сифатида тил бирлигининг нутқий йўналтирилганилигини, яъни коммуникативликни илгари суришадилар. Ушбу фикрлар, сўзсиз, ўриши ва лексикага ўргатишининг методик тамойилларини аниқлаштиришига таъсир кўрсатиши мумкин. Бу борада шу нарсанни айтиб ўтиш жойизки, биринчидан, айтилган тушунча ва атамаларнинг қўлланиши миёси равшаш эмас, иккинчидан, юқорида заслатилган лексикани эгаллаш ва нутқий кобилиятни ривожлантириш тамойиличининг умумийлигига ёқ коммуникатив йўналишни ўз ичига олади.

Шундай қилиб, биз фаол лексикага ўргатишининг асосий тамойилларини лексик кўникманинг психологик-методик шаклланиш моҳиятини, онгли методдинг умумуслубий тамойилларини, оғзаки нутқка ўргатишининг асосий қонуниятлари ва лексикани эгаллаш босқичларини ташкил қиласиган ҳаракатларининг ўзига хослигини назарда туттан ҳолда аниқлашга муҳимдир.

ХОРИЖИЙ ТИЛ ЛЕКСИКАСИНГ ЎРГАТИШДА СЎЗЛАРНИНГ АДЕКВАТ АЛОҚАЛАРИНИ ШАКЛАНТИРИШГА ЙУНАЛТИРИЛГАН ТАМОЙИЛЛАР

Ушбу тамойил лексика ўзлантирилиш жараёнининг ўзига хос психофизиологик мөхияти сифатида қараладиган лексик алоқаларниң шаклланиши татлимотига асосланади. Лексик алоқалар, улар асосида юзага келадиган стереотиплар ва уларнинг функциялари ҳақида илгари фикр юритганимиз учун биз улар борасида айрим кўшимча мулоҳазаларни айтиб ўтишни лозим топдик. Бу тамойил лексика устидаги ишнинг ҳар бир қисми, ҳар бир лексик машқ, ҳар бир сўз қўллаш фаолияти ўкув йилининг дастлабки кунидан охиригача лексик алоқаларни шакллантиришга йўналтирилишини тақозо қиласди ва, умуман, аниқ лексик бирликларни эгаллаш учун зарур бўлган айнан бир хил стереотипларни яратишта иўналтирилганлиги билан ажралиб туради.

Амалиётда шу нарса намёён бўлятиги, шу турдаги машқларнинг асосий қисми кўти мақсадли бўлиб чиқиши, яъни бир вақтнинг ўзида бир неча турдаги лексик алоқалар шаклланишикучаймоқда. Шунга қарамасдан, улар кўпигина ҳолларда маълум кўринишдаги у ёки бу турдаги лексик алоқаларни изоҳлашта кўпроқ мўлжалланганлиги кўриниб туради.

Айни пайтда ҳар қандай лексик бирлиғининг барча турдаги алоқаларини машқларда изоҳлаб бериш зарур дейинимиз ногўри бўлган бўлар эди. Шунинг учун муҳокама қилинган тамойилнинг қўлланиши сўзнинг типологик хусусиятларини инобатга олиш тамойили билан чамбарчас боғлиқdir.

ЛЕКСИК БИРАИКЛАРНИНГ ТИПОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИНИ ИНОБАТТА ОЛИШ ТАМОЙИЛИ

Ушбу тамойил лексикани ўқигища катта аҳамиятга эга бўлиб, бунда ҳар қандай методик типология тил ёки нутқ материалини ўзлаштиришида юзага келадиган қийинчиликларни ўзига хос мезон носитасида фарқлаш асосида шаклланади. Методик адабиётларда лексик материални ўзлаштиришнинг қўйидагича ўзига хос қийинчиликларини аниқлаш мезонлари мавжуд эканини айтиб ўтилган.

1. Лексик бирликнинг муайян тематик гурухга кириши ёки кирмаслиги (критерий тематичности /атематичности - Рогова, 1969, с.76). Ўз-ўзидан маълумки, сўзнинг бирон-бир нутқ мавзусига мансублиги унинг ўзлаштирилишини сезиларни даражада енгиллаштиради. Яъни, сўзнинг бир маззуга оид бошқа бирликлар билан кенг миқёсда ишлатилишига имконият тугилади. Мавзу асосидаги сұжбатлар доирасида сўзнинг кўпроқ кўлланиши таъминланади. Чет тили ўқитиш тарихидан маълумки, XIX аср охири XX аср бошлари услубиётчилари бир дарсда 80 дан ортик лексик бирликни, агарда улар айнан бир маззуга оид бўлса, ўқувчилар томонидан ўзлаштирилишини таъминлайди. Бунга қарши ўлароқ, тематик лексика қийинроқ ўзлаштирилади, чунки унинг эслаб қолиниши - юқорида кўёсатиб ўтилган фактлар билан осонлаширилмаган. Бу турдаги лексикани ўзлаштириш кўпчилик ҳолларда инсоннинг кўриши орқали қабул қилиш ва идрок этиш қобилиятига боғлиқdir. Бундан ташқари, бирор бир маззуга оид бўлмаган сўзларни ўзлаштиришда кўргазмали воситалардан фойдаланиш ҳам қийинлашади. Тўғри, мавҳум сўзларнинг тематик гурухлари мавжуд, масалал сезишни англатувчи мавҳум сўзлар қатори, шахсий муносабатларга тааллуқли лексик бирликлар, нутқ феъллари ва бошқалар. Аммо мактаб шароитларида бунақа тематик гурухлар ўкув дастурига киритилган оғзаки нутқ мавзуларига мос тушибайди. Шунинг учун ҳам улардан факаттгина лексика умумлаштирилган тарзда такрорланадиганда фойдаланиш мумкин.

Тематик мавҳум сўзларнинг ўзлаштирилиши қийинлости методистларни уларни тезлаштиришнинг маҳсус усуларини излашга ундаиди. Аввало, ўкув кўлланмасидаги янги сўзлар рўйхатидан мавҳум атематик сўзлар танлаб олинади ва айнан тил бирликлар устидаги ишни янги лексикадан эмас, балки маззуга оид бўлмаганларидан бошлиш назарда туттилади.

Бундай тавсиялар the first impact "биринчи тасаввур" психофизиологик ҳодисасига асосланади, чунки энг биринчи киритилган тил материали тезроқ ўзлаштирилади. Агар шундай қилинмаса, ўқувчиларнинг бутун эътибори мавзу ва маззуга оид лексикага жалб қилиниб қолади, мавҳум лексик бирликлар эса қандайдир "Кўшимча илова" сифатида кейинги ўринга ўтиб қолади. Худди шу сабабли to prepare, to enjoy, to promise сўзларини олдин ўтилган

мавзулар ва мулоқотга алоðаси бўлмаган машқулар доирасига қайта киритилиб, кейин эса янги мавзу ва тематик лексикани ўзлаштиришга киришилади. А.П.Шрамова, Г.И.Иткислар мавҳум лексикани ўзлаштиришини купроқ, матнларни муҳокама қилиш жараёнида, аниқроги, уйда ўқипи учун берилган матнларни муҳокама қилишига кўчириш кераклигини маъқўлмайдилар, чунки мана шу йўсидағина воқеа-ҳодиса иштирокчиларнинг мақсадларини, уларнинг ҳаракат режаларини, ҳамда мавҳум лексика орқали намоён бўладиган бошқа ички кечинмаларини ва акдий фаолиятларини очиш имконини яратади. Юқорида келтирилган сўзларнинг тематик ёки атематик хусусиятлари уларнинг қанчалик ўзлаштириш услубларига боғлиқлигини кўрсатиб турибди.

2.Сўзнинг таянч бўлиш ёки бўлмаслиги мезони .

Ушбу мезоннинг можиятини тутуннишда Г.И.Иткис ишларида унга берилган таърифга асосланиш мақсадга мувофиқдир. У таянч лексика сифатига улар воситасида маълум қатордаги сўзларни тушуниш имкониятини берувчи лексик бирликларни тушунишни таклиф қиласди. Жумладан, инглиз тилидаги interest, resolution каби байнамилал сўзлар, development ёки to develop, a promise ёки to promise каби таниш асослардан ясалган сўзлар таянч лексемалар қаторини ташкил қиласди. Бу сўзларнинг ўкувчиларнинг актив лугат заҳирасига киритилиши зарурий методик талабдир, чунки уларнинг репродуктив - продуктив даражада ўзлаштириш нисбетан осон бўлиб, шу йўл билан ўкувчиларнинг фаол лугати бойлигини кўпайтириш мумкин.

Сўзнинг таянч лексика гурузига мансублиги қандайдир даражада уни ўзлаштириши усулларини ҳам белгилайди. Бинобарин, қўшима сўзлар таркибий қисмларга бўлиш йўли ўзлаштирилади ва кейинчалик ўкувчилар мустақил рашишда қўшима сўзлар тузиш бўйича машқулар бажарадилар. Интернационализмлар она тилидаги мос келадиган сўзлар билан қиёсланган ҳолда берилади. Ясама сўзлар ўзларининг сўз ясовчи асоси ва негизи билан муносабада бўладилар ва маҳсус моделлар бўйича тузиладилар. Агар 9 синфнинг охирига келиб ўкувчилар эгамаган лексиканинг 38 физини таянч сўзлар ташкил қилиншини ҳисобга олсан, эслатилган методик имкониятнинг аҳамиятини инкор қилиб бўлмайди.

3.Сўзнинг грамматик ёки нограмматик кўриниши

{грамматичность/аграмматичность слова). Феъллар одатда аниқ ифодаланган грамматик турга киради, лекин грамматик кўринишга эга бўлган феъл лексемалари ҳам йўқ змас, масалан: равишдан ясалган феъллар. Феълларнинг аграмматик хусусиятлари синтактик алоқа тури бўлган бошқарувнинг ифодаланишида ҳамда айрим бошқа семантик тузилишларда намоён бўлади.

4. Сўзниг узун ёки қисқалик мезони {критерий длины слова}. Бу мезон илк бор немис тили материалаида М.А.Педанованинг номзодлик диссертациясида асослаинган. Бўнда сўз ўзлаштиришнинг қийинлик даражаси унинг узутлигига ҳам боғлиқ эканлиги исботланган. Бу фикр барча тилларга, жумладан инглиз тилига ҳам, таалмуқли, лекин, бошқа томондан, итглиз тилида шундай қисқа сўзлар мавжудки, бу сўзлар ишлатилган контекстлар ўзига хос мураккаб бўлганлиги учун ўқувчилар кўпинча уларни чөлкаштириб юборадилар. Масалан: soon, yet, now каби сўзларни ўзлаштириш қийинчилиги даражаси, умуман олганда, уларнинг қисқалиги ва бир-бири билан қўшилиб кетганидадир.

5. Сўзларни коммуникатив вазнига кўра гурухлаш мезони юқорида айтиб ўтилган мезонлардан фарқли ўлароқ субъектив характерга эга. Шунга қарамасдан, у ўзлаштириш жараёнида шаклланувчи керакли лексик алоқаларни фарқлаш учун жуда аҳамиятли. Ушбу бобнинг биринчи қисмида таъкидланганидек, ҳар қандай оғзаки нутқ мавзусининг асосий, таянч лексик бирликларини аниқлати керак. Масалан, Travelling мавзуси бўйича train, compartment, by sea ва шу каби бошқа таянч сўзлар аниқланади, бу сўзлар тема доирасида иложи борича пухталик билан ва ҳар томонлама шаклланган мантикий алоқаларни талаб қилади. Бошқа томондан, асосий мавҳум сўзлар бўлган I enjou, to prefer кабилар аниқ бир типик нутқий шароит қўлланишини таъминловчи мантикий алоқаларни шаклланишини талаб қиладилар. Бу алоқалар қўйидаги турдаги саволларга жавоб беришни талаб қилади: What do you enjou? Why do you enjou ...? I enjou because; What do you prefer? I prefer

Кўриниб турибдики, сўзларнинг типологик хусусиятларини инобатла олиш принципи чет тили лексикаси билан ишлашининг энг муҳим кўрсаткичларидан бири ҳисобланади.

СЎЗНИНГ БАРЧА АСПЕКТЛАРИ УСТИДА КОМПЛЕКС ИШЛАШ ТАМОЙИЛИ

Бу тамойилнинг асл мөддияти аввало, алоҳида бир дарс давомидан оғзаки нутқининг шаклланишини алоҳида услубда лексик бирликларни ёзув ёки ўқув машгулоларидан ажралган ҳолда тақдим қилишини инкор этади. Психология фани нутқни кўп қиррали жараён сифатида таърифлаб нутқий мулоқотта, ўқув ва ёзув машгулоларишининг кўп томонлама бирлиги сифатида ёндошиш лосимиги ҳақида кўплаб фикрларни илгари сўради. Нутқ фаслиятининг ҳар бир тури бошقا турни ўргатиш воситаси ҳисобланади: ўқии - оғзаки нутққа ўргатиш воситаси, оғзаки нутқ - ўчишта ўргатиш воситаси ва ҳоказо. Шунинг учун ҳам ҳар бир лексик материал, асосли тарзда, батефсила, ўқишида ҳам, ёзувда ҳам қайта ишланган бўлиши керак. Нутқий ҳаракатни таъминловчи эшитиш, кўриш ва ўқиб тушунни стериотипининг шаклланмаганини лексик кўникманинг кучсизлигига ва пировард натижада, ўқитиш услубининг қониқарсиз баҳоланишига олиб келади.

ЛЕКСИКАНИНГ ЎЗЛАШТИРИЛИШИДА РЕЦЕПТИВ ВА РЕПРОДУКТИВ-ПРОДУКТИВ МАШҚЛАР БИРЛИГИ ТАМОЙИЛИ

Ушбу тамойил В.А.Бухбиндер томонидан ишлаб чиқилган. Бу тамойилнинг талабига мунофиқ муайян лексик йўналишида олдиндан тайёрланган текстлар техник воситалар орқали тингланганда ёки ўқилганда маҳсус тайёрланган матнлар таъминот техник воситалари орқали тингланганда ёки ўқилган маҳсус тайёрланган машқларни албатта бажарилишини талаб қиласди. Бу тамойилнинг асосий гоялари қўйидагилардан иборат:

1) Нутқ жараёнининг мураккаблиги шундаки сўзни экспрессив нутқда қўллаш орқали ёки, эшитиш орқалигина унинг маъно хусусиятларини тўлигича эгаллаш бўлмайди. Шунинг учун лексик материал ёзилган тасмани эшитиш бўйича рецептив машқлар диалогик нутқни ривожлантириши учун муҳимдир. Чунки диалогда, нафақат гапириш, балки қўлланилаётган сўзларни тушуниш ҳам керак бўлади.

2) Ўқиши учун берилган машқларда лексика устида ишлаш

(буңдай машқлар, масалан махсус микротекстларни ўқиш орқали бажарилиши мумкин) сўзнинг унинг барча алоқалари мажмуасида тўлик, ҳар томонлама тушуниб етиш учун зарур.

3) Нутқ фаолияти турларига бутун бир мажмуда - сифатида комплекс ёндашиб ўргагиши актив лугатнинг кўлгина қисми маъносини мустақид, мантиқий идрок қилиш йўли билан фаҳмлашга кўмаклашади.

КОНТЕКСТЛИ ВА КОНТЕКСТСИЗ МАШҚЛАРДА СЎЗНИ АЛБАТТА ЎЗЛАШТИРИШ ТАМОЙИЛИ

Нутқда сўзлар бошқа сўзлар билан борлиқ бўлмаган холда учрамайди деган гояни оддинга сурган Т.К Сахарованинг фикрига тўлалигича қўшилиб бўлмайди. Чунки ўқувчилар чет тилида ўз фикрини исфодалашга киришганларида ҳар сафар алоҳида-алоҳида сўз билан иш туғади: "она тилидаги сўз - унинг чет тилидаги муқобили" туридаги микротаржима стереотиплари асосида керакли хорижий сўзни англашни; сўзларнинг муайян қаторидан керакли сўзни ахтариш ва топишни; топилган сўзни синтактик конструкцияларга киритишни; сўзнинг матн шағларини ясашни; синтактик конструкцияларда бўш қоддирилган жойга алоҳида сўзни қўйишни талаб қиласди. С.К. Жбанова ўтказган тадқиқотлар юқорида келтирилган мингвөдидатик машқлар, яъни контекстта бояглаймаган машқлар ўқувчиларда сўзларнинг парадигматик алоқаларига оид кўникма ва малакаларни ҳосил қилишда катта аҳамият касб этишини исботлади. Агар биз сўзнинг синтагматик алоқалари унинг парадигматик алоқаларисиз ҳеч қачон ўринатилмаслигини инобатта олсак, контекстсиз машқларнинг аҳамияти нечоғлик катта эканлигини тасаввур қилишимиз қийин эмас. Ана шунинг учун ҳам алоҳида-алоҳида олинган сўзларни ўқувчиларга ёд олдирилиши, уларни гуруҳлатиш, сўзнинг грамматик формаларини ясатиш, сўзни таҳдил қилдириши, деривация йўли билан бошқа сўзлар ясагиш каби амалларнинг аҳамияти ниҳоятда катта.

Контекстли ва контекстсиз машқларнинг зарурлиги, имконият даражасида улар бир - бирини тўлдириши зарурлигини ҳам тақозо қиласди. Бунинг назарий асоси

иимий методик адабиётларда яхши ёритиши. Мазкур тамойил талабига биноан сўзлар ўқувчилар томонидан алоҳида-алоҳида ёд олиниши керак. Кўти ҳолатларда лексикани ёдлаб ўрганишни оддий "корилик"ка тенглаштиришади. Бундай талқин ҳеч қандай асосга эга эмас. Ўқитиш услубиётида лексик материални ёдлаш тушунчаси заминида уни аниқ коммуникатив мақсадга алоқадорлигини назарда туттган ҳолда ёдлаш, гурухлаш ва қайта гурухлаш зарурати ётади. Масалан, "Менинг мактабим" мавзусидаги асосий тушунчаларни ифодаловчи сўзларни ёд олиш ва мазкур мавзу билан боғлиқ нутқ парчаларида уларни кўллаш кўзда тутилади. Бундай ёдлатиш натижасида ўқувчиларни ўқув материалыни маҳсус усуллар асосида гурухларга бўлиш, ўз-ўзини ва бир-бирини текшириш фаoliyatiга ўргатиш мумкин. Лексикани ўзлаштириш учун уни ёдлаш тил ўргатиш методикасининг кўп асрлик анъанасиdir. Ёдлатиш услубига нисбатан билдирилган корозиликлар методологик камчилиқдан холи эмас. Ёдлагишига қарши бўлганлар томонидан у кўр-кўrona, тушунмасдан ёдлаш фаoliyati сифатида қаралиб, унинг бошқа ўқув ҳаракатлари билан боғлиқлиги зътиборга олинмайди. Сўз ёдлагиши талаби сўзнинг парадигматик алоқасининг шакланишига, шу жумладан, нутқ жараёнида зарур бўлган бир турдаги микротаржима стереотиплари шакланишига ҳамда сўзни ихтиёrsиз ва мақсади эслаб қолиш ҳаракатларини вужудга келишига ёрдам беради.

ЛЕКСИК БИРЛИКНИ МАКСИМАЛ КОНТЕКСТЛАГДА ЎЗЛАШТИРИШНИ ТАЪМИНЛАШ

Бу тамойил чет тили ўқитиши жараёнининг асосий мақсади ҳисобланадиган ўқувчиларни хорижий тилда бемалол гапиртириш гояларидан келиб чиқади.

Ю.А.Кудряшов ўтказган тадқиқотларнинг натижалари шуки кўрсатдикни, ўқувчилар хорижий гида бемалол апира олишлари учун ўзлаштирилган лексик ва грамматик берликларни шундай нутқий комбинацияларда ишлата-олишлари керакки, бундай комбинациялар уларнинг сўнгиги нутқ амалиётида учрамаган бўлиши керак. Ҳар қандай малаканинг, шу жумладан, лексик кўнинманинг, шаронита мослашуви ўзлаштирилган берликиниш ва у билан боғлиқ

фаолиятнинг янги ҳолатларга ўтиш даражаси билан аниқланади. Демак, лексикани тақрорлашдан мақсад, бир томондан, сўзниң барча мумкин бўлган алоқаларини шакллантириш ва уни янги контекстларда қўллацдир. Шу мақсадда лексик бирликларнинг бир мавзудан иккинчисига ўтишиш тартиби ишлаб чиқилган. Ўқитувчи янги сўмашув мавзусини режалаштиришида ўқувчи томонидан шу вақтгача ўзлаштирилган барча материални сипчилаб кўздан кечиради ва ўрганилган мавзу лексикасини иложи борича юқори даражада янги мавзу мазмунини турли бўйлаклари билан мантиқан боғлашга ҳаракат қиласди. Мактаб шароитида бундай кенг кўламда иш тутилиши амри маъдол, аммо лексикани янгидан-янги контекстларда янгидан-янги синтактик қуршовларда бериш лексикага ўргатишнинг асосий йўналишларидан бирини ташкил қилиши керак.

Юқорида баён қилинган фикрлардан шу нарса равшан бўладики, мақкур тамойил лексикани ўргатиш бевосита мулоқотга оид кўникма ва малакаларини шакллантиришта қаратилган. Аммо лексик бирликларнинг турли контекстларда қўллаши лозимлигини қайд қилиш билан чегараланмаслик керак. Э.П.Шубин биринчилардан бўлиб ўрганилаётган сўз иштироқидаги "тайёр блоклар"ни ўзлаштиришининг, шунингдек, типик бирикмалар, баъзан гаплар билан ишлаш қўлайлигини таъкидлайди. Клаус Гюнтер лексикани ўрганишга "семаитик бириккан тизилмалар" яъни, тез эсда қоладиган сўз бирикмалари воситасида бажариш маъқуллигини таъкидлайди. Тил бирликларининг ўзлаштирилиши босқичлари борасида мулоҳаза юритишиган Н.Н.Акимова ва Н.А.Трубициналар кўйидагиларни кўрсатиб ўтишган:

- репродуктив босқич, яъни ўзлаштирилиши лозим бўлган тил белгиси иштироқидаги тайёр контекстни эслаб қолиш;

- репродуктив-продуктив босқич, яъни мисоний рамз шундай сўз бирикмалари ва гаплар орқали ўзлаштирилиши керакки, ўқувчилар бу сўз бирикмалари ва гапларнинг айrim компонентлари алмаштирилиши мумкин эркинлигига амини бўлсинлар;

- продуктив босқичда, сўзларнинг тамоман эркин бирикиши орқали янгидан-янги фикрларни ифодалашга имкон берадиган нутқ вазиятлари ўзлаштирилиши керак. Методик тамойиллар орасида Г.Б.Гурвич тайёр ва эркин тузиладиган бирикмаларни ўзлаштириш жараёнларининг

ўзаро боғлиқларини алоҳида қайд қилган. Тайёрлар кисиз нутқий фаолият олдиндан маълум миқдордаги тайёр бирималарнинг ўзлаштирилишини тақозо қилади. Ҳудди шу асосда нутқ тизимида янги бирималарни щеклантириш ва уларни мантиқан идрок қилиш имконияти турилади. Шулардан келиб чиққан ҳолда айтиш мумкинки, мазкур тамойилни лексик бирликларни олдиндан тайёрганинг иборалар орқали ва сўзларни янгидан-янги комбинацияларда қўллаш орқали ўзлаштириш тамойили сифатида қараш мумкин.

АСОСИЙ ГРАММАТИК ШАКЛАР ВА ФУНКЦИЯЛАР ОРҚАЛИ СЎЗЛАРНИ ЎЗЛАШТИРИШ ТАМОЙИЛИ

Ўқувчилар чет тилини қониқарсиз даражада ўзлаштиришининг асосий сабабларидан бири, лексик бирликларнинг грамматик хусусиятларига етарли аҳамият бермаслигидadir. Бу нарса айниқса, инглиз тилини ўрганиш жараёнида намоён булмоқда. Шунинг учун ҳам ҳар бир сўз унинг асосий грамматик шакллари тизимида ва грамматик маънонинг функциясини ифодаловчи белгилари орқали ўзлаштирилиши керак.

БИР ТИЛЛИ ВА ИККИ ТИЛЛИ ЛЕКСИК МАШҚЛАРДАН МУШТАРАК ФОЙДАЛАНИШ ТАМОЙИЛИ

Икки тилли машқлар бажаришининг самараси ва муқаррарлиги лексикани ўқитиш жараёнида муфассал намоён бўлади. Мангикий идрок жараёнида иғзи таржима қилиш фаолияти юзага келиши мажбурий эканлигини таъкидлар эканмиз, тиллараро "муқобиллар жуфтлиги" тузилиши заруратини сўзсиз фахмлаймиз. Р. Якобсон, Г. Колшанский, С. Бархударов ва бошқа бир қатор илор тилшунос ва психолингвистларнинг фикрича, хорижий тилни ўзлаштириш жараёнида узлуксиз равишда интрапринт (тил ичида), интералингваль (тиллараро) таржима ҳаракатлари амалга оширилади. Кипи хорижий тилда сўзлаш билан бир қаторда, ўз она тилидаги сўзни чет тилида ифода этишнинг энг мақбул томонини излайди. Сошқа томондан эса, унинг сўз бойлиги кентайиб, керакли "эквивалент жуфтликлар" хотирасида мустахкам ўрин олиб

бөради. Интраплингвал таржимани интерлингвал (тиллараро) даражага тез күчира олган, яъни ўз она тилидаги фикрлаш қобиляттини хорижий тил тизимига тадбиқ қила оледиган кишилар чет тилларини ҳеч бир қийинчиликсиз ўзлаштирадилар. Бу қобиляттинг ривожланиши узлуксиз равишда тил бирликларини ўзлаштириш ҳисобига амалга салди ва шу бирликлар шу вақттинг ўзидаётк ички жараёнларига жаңб қилиниб, уни осонлаштирадилар.

Нихоят, хорижий тилни мукаммал билини даражасига етгандан сўнг, тиллараро фикр кўчиши ҳаракатларига жохат қолмайди. Лексикани ўзлаштиришда икки тилли таржима машқларидан фойдаланишининг айнан шу ўринда яқеъл намоён бўлади.

Сўнгги йилларда таржима машқларидан, биринчи наебатда, она тилидан чет тилига ўтириш машқларидан унумли фойдаланиши борасида бир қантча тадқиқотлар ўтказилди. Профессор Цветкова қўйидаги таржима машқлар иччиллигини бажарилишининг аҳамиятини назарий жиҳатдан асослади: шартли таржима, қисман таржима, тўлиқ таржима. Интерратив (такрорий) таржима усулида бажариладиган, яъни биргина матнни кўп маротаба қайта-қайта таржима килиш йўли билан ўкувчи бир пайттинг ўзида матн мазмунини она тилида идрок қилиши ва ундаги бирликларни хорижий тилда ўзлаштиришни таъминлайдиган машқлардир.

Илмий тажрибалар шуни тасдиқлайдики, она тилидан чет тилига ўтириш воситасида сўз ёдлашнинг устуналиги, ҳатто сўз ўзлаштиришининг дастлабки босқичи учун ҳам, андоза бўлади. Бир - бири билан болланмаган гелларни таржима қилишдан кўра, маълум мавзудаги матнни таржима қилиш самарадорлиги ҳам маълум,. Автоматаржима она тилида фикрлар шаклланишини мумкин қадар чет тилига ўтириш мақсадига мослаштириш методикаси тўлиқ ишлаб чиқилган ва шу йўсинда икки тилли таржимасиз лексик машқларининг методик жиҳатдан унумдорлиги исботланган. Масалан, она тилидаги саволга чет тилида жавоб бериш (она тилидаги матнни чет тилига эркин баёнини бериш машқлари шулар жумласидандир. Натижада таржима машқларининг кенг кўламда қўллаш психологик ва методик жиҳатдан чет тили лексикасини эгаллашда кенг кўламда қўлланиши шартлиги тўлигича исботлайди.

ЛЕКСИКАНИ ЎЗЛАШТИРИШГА ҚАРАТИЛГАН ФАОЛИЯТ МОТИВЛАРИНИ МАКСИМАЛ КУЧАЙТИРИШ ТАМОЙИЛИ

Ўқувчининг ўқишига бўлган субъектиъ муносабатини (мотивни) инобатта олмасдан туриб, чет тилига оид сўзларни ўзлаштириш жараёнини жаддallaштириб бўлмайди. Инсон фаолиятининг мотивацияси, ушбу фаолиятни бажаришига йўналтирилган психик ёки жисмоний ҳаракат фаолиги билан белгиланиб, у шахснинг фаолигати бажаришдан мақсади ва истаги билан борлиқдир. Буни лексикани ўрганиш мотиви мисолида қўйидағача исботлаш мумкин: чет тили ўрганишига бўлган умумий эктиёж доирасида нутқий мулоқотга киришиш ва тил бирликларини қўллаш эктиёжи тутилади.

Агарда ўқувчи ўқув шароитида ўз она тилида фикрини баён қилишдан маҳрум бўлса, лекин ушбу фикри чет тилида мулоқот жараёнида ифодалаганда эктиёж сезса, унда нотаниш хорижий лексикани ўзлаштириш конкрет талаб натижасида юзага келади. Бу ҳолда кўтланган мақсадга етиш ва бажарилган фаолиятдан қониқиш, яъни коммуникация талабларининг бажарилиши кузатилади. Буларнинг барчаси ўқувчини фаол ҳаракат қилишга ундейди, у она тилидаги сўзнинг хорижий эквиваленти ҳақида савол беради, уни излайди, топилган лексемани мулоқотда қўллайди ва, тажрибалар кўрсатанидек, мазкур сўзни жуда тез ва осонлик билан ўзлаштиради. Демак, қизиқиш матъдум фаолиятга сабаб бўлган ҳолда ўқиши-ўрганиши мотивациясини яратади.

Психологияда ташқи ва ички мотивалар фарқланади. Ташқи мотив ўқув фаолияти асосида ётувчи мақсадни (масалан, олий ўқув юргита кириш, яхши баҳо олиш) ифодалайди. Ички мотив эса, оддига қўйилган мақсадга эришишдан қониқишини қўллайди. Мактаб шароитида ички мотивлар айниқса муҳим ўрин тутади. Лексикани ўзлаштиришнинг қўйидағачи ички мотивларини алоқида ажратиб кўрсатиш мумкин:

- 1) лексикани ўрганишдаги коммуникатив мотив;
- 2) чет тилини ёки унинг лексикасини ўзлаштиришда зришишган ютуқларни англашдан келиб чиқадиган мотив;
- 3) айрим машқларни бажаришига бўлган ўқувчиликнинг қизиқиши натижасида юзага келадиган мотив;
- 4) моддий борлиқни чуқурроқ англашга имкон берадиган

МОТИВ;

5) ўқувчиларнинг тили ўрганилаётган мамлакатга, унинг аҳолисига, маданиятига бўлган эмоционал-интеллектуал муносабатларидан келиб чиқадиган мамлакатгунослик мотивий;

6) эстетик мотив.

Лексикани ўрганиш жараёнидаги ўқувчиларнинг умумий мотивацион кайфияти юқорида қайд қилинганд турларнинг ҳеч бўлмаганда бироргасига бўлган қизиқишини ошириш орқали эришилади.

Коммуникатив мотивация қўйидагиларга риоя қилинишини талаб қиласди:

- ўқувчилар учун янги лексика ўзлаштирилишидан оддин бажариладиган оғзаки нутқ машқлари жуда катта қизиқиши уйготади, бинубарин, бундай машқлар бирор бир расмни сўз орқали тасвирлашга ёки янги мавзуни ўрганиб зришиладиган натижага ва шунга ўхшаш бошқа нарсаларга бенгизланган бўлиши керак;

- янги лексикани ўзлаштиришта киритиш табиий, қизиқарли нутқ вазиятлари орқали амалга оширилиши шарт.

Инвентаризацияцион мотивация- лексик бирликларни гурухлашга асосланган маҳсус машқлар ("лексик инвентаризацияцияш") бажарип орқали кучайтирилади. Ўқувчиларнинг мавжуд машқларни бажарилишига нисбатан ижобий муносабатларини тақомиллаштириш ва илгари ўзлаштирилган кўникумаларни янги вазиятларда қўллаш йўли билан мустаҳкамлашда ҳам восита мотиви туради. Билиш мотиви эса, сўзни чуқур ўрганиш, сўз таҳдили бўйича машқ, сўз ички тузилишини аниқлаш, байналминал сўзларни ажратиш ва бопиқалар орқали мустаҳкамланади. Кувчиларнинг билишга бўлган қизиқишини рагбаглантириш орқали уларда бундай топшириқларни мустақил бажариш кўникумасини шакллантириш мумкин Ўлкашунунослик материалини ўрганишининг можияти ўқувчиларда хорижий элларга бўлган ижобий ҳиссият муносабатини уйготиш билан боғлик. Узбек мактаблари шароитида хорижий тил соҳиби бўлган халққа, мамлакатга бўлган муносабат ўқувчиларни байналминал руҳда тарбиялаш, уларнинг тараққиётта етакловчи омилларига, ривожланиш ижодкори бўлган халқ оммасига, унинг буюқ вакилларига қаратилишини тақозо қиласди. Шунинг учун ҳам ўлкашунунослик предметига бўлган қизиқиши, инглиз тили халқларнинг миллий маданий ривожланиши, сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ҳаётидаги асосий воқеаларни

ўрганишта йўналтирилади. Шу асосда ўқувчиларнинг ўрганилётган тил соҳиби бўлган ҳалқа ва давлатга бўлган қизиқиши-корижий тил ва унинг лексикасини ўзлаштиришни жадаллаштиришга туртки бўлади. Ўқувчиларда ўлкашуносликка бўлган қизиқиш ўз-ўзидан пайдо бўлишини инобатга олган ҳолда уни режалаштирилган ҳолда кучайтириш ва тил ўрганишда фойдаланиш мумкин. Чет тилларни ўргатиш муҳити кам бўлган жойларда ўлкашунослик мотиви ички мотивининг энг фойдали тури бўлиб хизмат қилиши мумкин. Чет тилини ўрганишта бўлган қизиқиши юқори босқичте кўтаришга ўқув жараёнида ўлкашунослик элементларининг кўпроқ ишлатилиши орқали пришиш мумкин. Бу матн ва оғзаки нутқ машқларининг информацион қийматини кўлайтиради. Ўқув фаолиятининг катта қизиқиш билан ташкил қилинши таъминаданади. Бу нарса кўпроқ лексикани ўзлаштиришга ҳам алоқадордир. Бир қатор машхур психологиярининг тадқиқотларида хотирада саклашнинг ҳиссий факторлари ҳақида ҳақоний далиллар келтирилади. Хорижий тил лексикасини ўрганишда ўлкашунослик мотивни кучайтиради ва у бир неча йўналишларга эга.

Улардан бири хусусий ўлкапшунослик, тарисий - маҷаний фактлар билан боғлиқ бўлиб, у реалия - сўзларни ўз очиша олади. Бу ҳақда методик адабиётларда кўплаб фикрлар баён этилган, лекин бу йўналишнинг ўқувчилар лутат бойлигини оширишга бўлган ҳиссаси чегаралган.

Иккинчи йўналиш ўқувчилар қизиқишини ўрганилаётган давлатнинг маълум соҳаларда оршишга мувоффакиятлари доирасидаги тушунчаларни эталлашга қаратилган. Ўқитишининг юқори босқичида бунинг учун етарли имкониятлар мавжуд.

Учинчи йўналиш ўқувчиларни ўрганилаётган давлат ва ҳалқининг кундалик ҳаёти билан боғлиқ ҳодисалар билан таништиришга қаратилган бўлиб, бунда ҳаётин маъзуулар доирасидаги матнларга ўлкага хос оҳанг берилади ва шу тариқа ўқув материалини ўзлаштиришни тезлаштиришта оршишилади.

Кундалик мавзууларга ўлкапшунослик "бўёти"ни бериш лексикани ўрганиш мотивларини чуюнам ўзгартиради, улар қўйидағиларда намоён бўлади:

- коммуник мотивлар, оғзаки нутқни шакллантириш мақсадида бажариладиган маликлар самараадорлигининг оширилиши кўзда тутилади;

- инвентаризацияон машқлар, оғзаки нұтқ шакларини көнгайтириштә қараталады;

инструментал машқлар. (үқұвчиларни тили ўрганилаёттан давлат ҳудудига күчишни тасаввур кілишни тағмиловчи машқларни бажаришта үндаш). Лексиканы ўрганишда эстетик мотив әңг аввало үқұвчиларда лугат дастарига сүзни чиройли ёзиш, лексик жадвалларни түрли рангларда чизиш, күргазмали қороллар ясаш на бошка ҳолмарда намоён бўлади.

Айтилганлардан шундай хуносага келиш мүмкінки, лексиканы ўргагиши жараёни барча турдаги мотивларини тағмиловчи хилма - хил усуллар асосида ғашкил қилинниши лозим.

СҮЗ ЎЗЛАШТИРИШДА ФУНКЦИОНАЛЛИК ТАМОЙИЛИ

Чет тилларни ўқитищда умумметодик тамойил ҳисобланған функционал ёндөшпү? Пассов ва Коростелев ишларида кенг ва чуқур шарҳланған. Үларнинг фикрича, лексика дарс жараёнига мuloқot эхтиёжаларита муштарақ ҳолда киритилиб бориши керак. Нұтқ эхтиёжи эса маълум лексик информациини олиш ва уни даржол нутқда ипплатиш эхтиёжидан келиб чиқиши керак. Нұтқий эхтиёж нотүрги антиқланған ҳолларда лексик "тақчиллик" юзага келади ва хорижий сүз ўрнига үқұвчилар она тилядаги сўзларни ишлатиб юборишадилар. Бу тақчиллик она тилядаги сўзни фаоллашувига олиб келади ва чет тилядаги янги сўзга бўлган талаб қондирилмайди. Лексиканы ўқитишига функционал ёндашувининг можияти ҳудди ана шундан иборат.

Юкорида баён қилинган фикрлар, шубҳасиз, қизиқ ва зытиборга молиқидир. Лексиканы мuloқot мавзулари талабига биноан зарур ўринларда киритилиши кераклиги ҳақидағи тартиб қоида лексик материалнинг тақсимланишига жиһдий тузытишлар киритади, қатор дарслекларнинг қисмларини, тематик бўлимларини тузищда уибу тартиб-қоидага риоя қилиниши абстракт ва нотематик сўзлар устида ишлашни сезиларли даражада яхшилайди. Маълумки, айнан абстракт ва нотематик сўзлар устида ишлаш нутқда уларнинг асосли ишлагилиш имконияти бўлмаганлиги сабабли қийинлашади. С.Т.Григорян тадқиқотлари шуни тасдиқлайдики, янги

лексик бирлікни өзгелешінде бұлған коммуникатив әдебиёттегі
уни үзлаштиришінде зәсде сақлашының жадаллалығында, лекин,
шу билан биргалиқта, сүз фәқат дастылардың үзлаштырылышы
жакында бораётгандығынан ҳам зәсдан чиқармаслығынан аозим.
В.И.Корасталевнинг сўзларни функционал тамойилга күра
дарс жараёнига киришинде уларни нутқ парчаларыда
қўллашнинг ўзи аллақачон лексик қўнимнинг шаклла-
нишини таъминлади деган фикри билан келишиш қийин.
Чунки улар воситасида лексик машғулоллар сари фәқат
иљк қадамлар қўйилади. Сўзнинг нутқда мустаҳкам ва
функционал ўрни юқорида санаб ўтилган барча тамойил-
ларнинг қўллашнини орқали амалга оширилади. Бу ҳеч вақт
функционаллик тамойилига тўсқинаик қиласмайди, балки
унинг тўлиқлиги ва самарадорлигини таъминлади.

НОНУТҚИЙ ЛЕКСИК МАШҚЛАРГА КОММУНИКАТИВ ЙЎНАЛИШ БЕРИШ ТАМОЙИЛИ

Юқорида айттын ўтилган тамойилларни кўриб чиқиш
жараёнида биз лексикани үзлаштыришда бир тиљи ва иккى
тили нонутқий машқлар зарурлигини исботлашга ҳаракат
қилдик. Лекин нутқий хусусиятта эга бўлмаган машқларни
қўллап зарурий методик услуг эканлигини фикреттинге
уларни коммуникатив йўналтириш орқали исботлаш мумкин.
Гурвич чет тиљи ўқитишининг анъанаий коммуникатив
методини асослаб, ушбу методнинг дастыларыни тамойилни
қўйидагича изохлади: "Бударс жараёнида ёки ўтига
берилган вазифаларда ўкувчилик максимум табиияттаги нутқий
мулоқот шароитларини яратиш, нутқий ва нонутқий
элементларни адекват шарт-шароитларда ўзаро қориб таъсир
коммуникация актларини тайёрлаш тамойилидир". Нутқий ва
нонутқий элементларнинг ўзаро бўрикиши шуни талаб
қиласдики, нонутқий машқлар имконият даражасида оғзаки
нутқни шакллантиришнинг асосий масалаларига
йўналтирилган бўлиши керак. Масалан: феълнинг грамматик
шаклларини ўзлаштыриш бўйича бажариладиган машқлардан
один мазкур феълнинг ўзи нутқ парчаларидан иборат бўлган
лексик машқларда ишлатилган бўлиши керак. Бундай фикрни
лексик-таржима машқларига нисбатан ҳам алтиш мумкин.
Мазкур тамойилни амалга ошириш нонутқий ва нутқий
жараён орасидати номутаносибликини йўқотади.

СҮЗ ГУРУХЛАРИ ВА АЛОҲИДА ОЛИНГАН СҮЗЛАР УСТИДА МУШТАРАК ИШЛАШ ТАМОЙИЛИ

Қўлланиб келинаётган дарслеклари ўрганиш туни кўрсатдики, сўзлар илк бор илмий адабиётларда сўз "ансамбли" номини олган гурӯхлар таркибида ўқув материали сифатида киритиладилар.; Бундай ҳолларда лексик гурӯхларнинг мактаб шароитига ўзлаштирилиши сўзлашув нутқида намоён бўлувчи микроситуация орқали эришилади. Тимофеевнинг маҳсус тадқиқотлари шуни кўрсанадики, лексиканни дастлабки ўзлаштиришнинг самарадорлиги бир вақтда киритилган бутун "ансамбл" бирликларининг ўзаро мазмунан ва мантиқан боғлиқлиги билан белгиланади.

Агар сўз мавзуга доир микроситуацияга яхши сингдирилса, бир йўла ўзлаштирилиши мумкин бўлган лексиканинг ҳажми жуда катта бўлиши исботланган. Дарслекка ёки унинг бирор бир бўйимига киритилган сўз тематик боғланмаган бўлса, уларни дастлабки ўзлаштиришида иллари ўзлаштирилган лексика билан бирга муносиб гурӯхлар тузиш ва ўзлаштиришни ташкил қилиш мақсадга мувофиқдир.

Бундай гурӯхлашни турлича йўл билан ва турли миқдорда бажариш мумкин. Масалан, иккى - учта янги сўзни мавжуд бўлган лексик заҳирадаги бепп - олтига бирлик билан тематик жиҳатдан мослашуви асосида алоҳида гурӯх тузиш мумкин. Барча ҳолларда янги сўзларни гурӯхлаб ўзлаштириш психологик жиҳатдан етарлича асослашган.

Бирор, юқорида лексик кўнникма мундарижасини кўриб чиққанимизда маълум бўлганидек, сўзларни гурӯхлаб ўзлаштиришда лексик бирликларнинг барча хусусиятларини, уларнинг алоқаларининг шаклланиш йўлларини тўлигича очиш имконияти бўлмайди. Бу усууда сўзларнинг семантик ва грамматик жиҳатдан тўғрилигини, мантиқий муносабатларини исботлаш қийин кечади. Шунинг учун ҳам лексикани ўргатишида гурӯхлаш усули билан бир қаторда алоҳида сўзлар билан ишлашнинг ҳам катта аҳамиятга эга эканлигини унугтаслик керак. Бу йўналищдаги машқларда айниқса, қийин ўзлаштириладиган, - коммуникатив аҳамиятга молик сўзлар билан ишлашга алоҳида эътибор берилади. Алоҳида олинган сўз ва гурӯхланган сўзлар билан ишлашини қўшиб олиб бориш, лексик материалини тизимлаш ва уни ўқув материали сифатида баён қилиш энг мушкул

вазифаларидаңдир. Бу тұғрисида қүйідаги мұлоҳазанни айтиш мүмкін. Гурухларға киритилған ва алоқида олғанған сүзни ўрганишда унинг турли томонларига зәтибор беріш лозим бўлади. Бинобарин, лексик гурухларни дастлабки ўзлаштириш жараёнда алоқида сўзлар билан ишлаш тобе (иккинчи даражали) вазифани бажаради (талаффузни ўзлаштириш). Кейинчалик алоқида сўзларни алоқида ўзлаштиришга мўлжалланған машқлар кўп вақтни олиш мүмкін (сўз қўлланинг грамматик аспектини, кенг кўламдаги қўлланишда бўлган сўзларниң мағниций алоқаларини ўргатиш тобора кенг ўрин заллайди). Сўз гурухлари ва алоқида сўзларни ўрганиш машқлари камайиб боради ва барча дикқат зәтибор нутқда кўпроқ қўлланишувчи янги сўз гурухларига ва олдинги қисм (параграф, мавзу, дарс)ларда киритилған ўқув материалында қаралади.

ОГЗАКИ НУТҚ КЎНИКМАЛАРИНИ ЩАКЛАНТИРИШ БИЛАН ЛЕКСИКА УРГАТИШНИ "КОРИШТИРМАСЛИК" ТАМОЙИЛИ

Ушбу тамойил лексик кўникма ҳосил қилиш услубиетини тадбиқ қилишда мұхым вазифани ўтайды. Лексикани ўзлаштиришни, уни дарснинг ёки уига берилған топшириқнинг алоқида мустақил қисми сифатида қарамасдан амалга ошириб бўлмайди. Бошқача айтганды, лексикага ўргатиш босқичи мустақил таълим жараёнидир. Ушбу тамойилнинг назарий асоси А.Леонтьев томонидан 1947 йилда таърифланған маълумотда ўз тасдигини топди. Ушбу таълимотга мувофиқ, ўзлаштиришувчи материал мұайян вақт давомида ўқувчининг дикқат марказида туриши ва билишининг асосий мазмунини ташкил этиши керак. Фақат шундан кейингина материал ва унга нисбатан бажариладиган ҳаракат биргаликда идрок этилиши ва натижада билиш обьекти бўлган тушунчага айланиши мүмкін. Маълум машқларнинг лексик ҳарактерини ўқувчилар томонидан фарқланиши ҳам ўз навбатида таълимнинг турли босқичларида, ўқувчиларнинг ёшига нисбатан ихтиёрий ва ихтиёрсиз дикқат йўналишини ўзгариб туришига мос келади. А.А. Смирнова ва П.И. Зинченколарнинг тадқиқоглари шуни кўрсатадики, ўн ёшли ва ундан кепта ёшдаги болаларда эслаб қолишининг зиң мақбул шароити ихтиёрий ва тайри

ихтиёрий ҳаракатларнинг ҳамоҳанглиги заминидан юзага келади. Бу нарса нафақат бевосита эсда сақлаб қолиш мақсадида машқ бажариш ҳисобига, балки лексик материални ёд олишга ҳеч алоқаси бўлмаган машгулотлар билан ҳам таъминланади. Бир қараашда, мазкур принцип В. А. Бухбиндер томонидан илгари сурилган лексикани ўзлаштириш ва нутқий имкониятнинг ривожланиши бирлиги тамойилига қарама-қаршидай тумолади. Ҳақиқатда эса бундай эмас. Лексикани ўзлаштиришнинг мустақиллик хусусияти нутқий лексик кўникмаларнинг ривожланишига тўсқинлик қилмайди, аксинча, уни таъминланишини шарт қилиб қўяди. Махсус ўтказилган психометодик тадқиқотлар шуни кўрсатадики, лексикани фақат мулоқот жараёнида ўзлаштириш мўлжали фақат қобилиятли ўқувчилардагина ўзини оқлади. Лебедев лексикани фақат нутқда қўлланилиши орқали эсда сақлаб қолиш қобилиятига нисбатан ўқувчиларнинг хорижий тилни ўрганишга бўлган шахсий қобилиятини фарқлаш мумкинлигини илмий тажрибага асосланган ҳолда исботлади. Ўртача қобилиятли ўқувчилар амалда лексикани ёдда сақлаш ва уни нутқда қўллаш имкониятига эга эмас ва ҳатто қобилиятлари ҳам алоҳида сўз шакларини эсда сақлаб қоладилар, лекин улар сўзнинг грамматик, семантик ва бошқа алоқаларини ўзлаштирмайдилар. Кўникма, албатта, кейинчалик ҳаракатга келиши мумкин бўлган шароитда шаклманиши шарт, деб тасдиқловчи методистлар фикрига қўшилиб бўлмайди. Мазкур нуқтаи назар тарафдорлари мактабда хорижий тилни ўзлаштириш икки турдаги фаолиятни ўз ичига олишини, яъни нутқий мулоқотни амалга ошириш фаолияти ва ўқув фаолияти биргаликда бажарилишини инобатга олмайдилар. Ўқувчилар дарс жараёнида мулоқот ҳаракатини бажаришаётуб, ушбу ҳаракатнини ўқув ҳарактерини билib турдилар, шунинг учун ҳам, бу икки турдаги фаолиятни бир - биридан тўлигича ажратиб бўлмайди. Махсус мақсадли машқларни мулоқотдан ажратиб кўйиб лексик ёки грамматик машқлардан олинган кўникмани бевосита коммуникация шароитга кўчиришни қизинлиги сир эмас. Л.В. Шчербанинг тил бирликлари устидаги тажриба инобатга олган ҳолда, махсус машқлар натижаларини лексик материални мустаҳкамлашда ва уни автоматик қўллашни таъминлашда қўллаш мумкин. Демак, махсус лексик машқлар ва лексикани нутқий амалиётда

қўллаш бир бирликнин икки ўзаро шартланувчи томонидир.

ЛЕКСИКА УСТИДА ИШЛАШНИНГ НУТҚИЙ КҮНИКМАНИ ҚИЛИШ ФОРМАЛАРИГА МОС КЕЛИШИ ТАМОЙИЛИ

Грамматика ўқитицидан фарқли ўлароқ лексика, одатда, дарснинг мустақил бир босқичи бўлмасдан унинг бошқа босқичларига органик тарзда қўшилиб кетади. Уқупчилар оғзаки нутқни щакллантирицида ҳам мустақил ўқиш кўникмаларини ҳосил қилишда ва чет тили ўрганишнинг бошқа жараёнларида ҳам албатта лексике билан иш тутадилар. Биз дарснинг асосий босқичи сифатида унинг муайян кўникма ёки нутқий қобилиятни ривожлантиришига мўлжалмангган бўлагини тушунамиз. Дарснинг таркибий қисми бу маълум мақсад сари йўналтирилган, бир турдаги муайян дарс қисмлари мажмуасидир. Лексикани ўргатиш тамойиллари ўқитиши компонентларининг ўзига хос хусусиятларига мос келишин шарт. Диадактик ва методик адабиётларда кўрсатилганидек, умумий ва хусусий таълим тамойиллари, биринчидан, улар аниқ бир тизим доирасида ҳаракатта келиб, бирор бир мақсадда эришин ўйлида ўзаро мослашуви лозим бўлади. Юқорида таърифланган фаол лексикага ўргатиш тамойиллари кўйидаги фикрларга асосланилган ҳолда кўриб ўтиди. Биринчи ўринга хорижий лексикани ўқитиши жараённада асосий вазифани бажарувчи лексик алоқалар шаклланишининг бир ҳиллиги тамойили қўйилди. Ушбу тамойилга уни амалга ошишини таъминловчи бошқа қатор тамойиллар (3-8) бўйсинади. Чунки улар воситасида алоқанинг асосий турлари шаклланади: сўзнинг барча жиҳатларини уйгунаштирган ҳолда ўзлашгирилиши (эштиш, кўриш, графомотор тасвири); лексикани ўзлашгирисида уни қабул қилиш ва қайта қўллаш фаолиятларининг мослашуви заминидаги нутқий таллаффуз ва кўриш, эштиши назорати (N4); лексикани матнга алоқадор ва матидан ташқари маликларда ўзлашгирисида сўзнинг парадигматик алоқалари бирлиги тамойили (N5); ўзлаштирилган сўзни иложи борича кўп миқдордаги матнга кўчириш ва бунинг воситасида янги алоқаларни шакллантириш (N6); сўзни унинг асосий

граммматик шакллари ва бажарадиган вазифаси орқали ўзлаштириш ва сўз қўллашининг грамматик тўғрилигини таъминлаш тамойили (N7) ва бир тиilli, икки тиilli машқлар асосида лексик алоқаларнинг шаклланиши. Бу тамойилларниң катта қисми психофизиологик асосга эгадир. Лексик бирликларнинг типологик хусусиятларини ҳисобга олиш тамойили лексик алоқани шаклланишига бўлган эхтиёж ўғинг хусусий типологик хусусиятларга мос келишини талаб қиласди, шунинг учун ҳам барча тамойилларни 2-тамойилдан ажралган ҳолда амалга оширилиш имконияти унчалик аниқ эмас. Лексикани ўзлаштиришнинг турли мотивларини ҳар томонлама кенгайтириши тамойили (N9) хорижий тил лугатини ўқитишнинг психологик асосини ташкил этади. Лексикани ўзлаштиришнинг функционаллик (N10) тамойили ва ионутқий машқларнинг коммуникатив йўналтирилганилиги тамойиллари (N11) моҳияти жиҳатидан ўқиш мотивини кучайтиришнинг психологик ва методик жиҳагдан аниқлаштириш учун хизмат қиласдилар. Қолган уч тамойил эса лексикани ўрганиши методикасини ташкил қилиш йўлларини аниқладайди. Алоқида сўзлар ва гурӯхлар устида ишлашни биргалиқда олиб бориши (N12) Ўқиш жараёнида лексик материални тизимлаштириш услугубарини аниқладайди, лексикани ўрганишини нутқий кўникмалар шаклланишига қўриштириб юбормаслик (N13) ва лексика устида ишлашнинг нутқий кўникмаларини ривожлантиришни ташкил қилиш ҳаракатига мос келиши (N14) тамойиллари ўқув жараёнининг лексикага ўргатиш қисмини ташкил қиласди.

Шундай қилиб, кўриб чиқилган тамойиллар, асосан, лексикани ўргатишнинг психологик ва психофизиологик услугубарини асослаш, ўқув жараёнини методик жиҳатдан тўғри ташкил қилиш асосларини яратиш учун хизмат қиласди. Ушбу тамойилларнинг барчаси биргалиқда ўқув материални ҳажмини аниқлаш, уни тизимлаштириш, машқлар турларини танлаш ҳамда улар билан ишлаш йўлларини белгилаш, нутқий кўникмаларни шакллантириш мақсадида лексикага ўргатишни уютириши каби масалаларни ҳал қилиш учун асосий омил бўлиб ҳизмат қиласди.

1. Ўқувчиларда лексик кўникмаларни шакллантириш сўзларнинг парадигматик, синтагматик, семантик, тематик ва бошқа алоқаларини ўқувчиларга тушунтиришни ва уларнинг онтига сингдиришни тақозо этади. Ана шу илмий тояга

асосланган ҳолда лексик кўникум деган түшунчага таъриф берилди ва шундай кўникумлар ўқувчилар онгида уч босқичда ҳосил қилиниши илмий асосланди. Биринчи босқичда ўқувчилар хотирасига сўзларнинг жузтний семантик алоқалари сингдирилади ва шундай лексико-семантик алоқалар борасида кўникумлар ҳосил қилинади. Иккинчи босқичда алоқалар доираси унчалик қатъий чегараланмаган ҳолда ўқувчилар онгига сингдирилади ва шунта мос келадиган кўникумлар ҳосил қилинади. Учинчи босқичда сўзларнинг лексик-семантик алоқалари максимал кенг доирада ўқувчилар онгига шакллантирилади ва бу борада телишили кўникумлар ҳосил қилинади.

2. Фаол лексикага ўргатишнинг 14 тамойиши асосланди ва ўрта мактаб шароитида лексикани ўқитишнинг асосий масалаларини ечишда ана шу тамойилларнинг нечоғлик асқотиши ишончли далиллар билав кўрсатилди.

Мазкур бобдаги илмий кузатиблардан олинган натижалар лексик машқларни ўргалиши, таснифлари ва тизимлаш масалаларига бағишлиланган кейинги тэдқиқотларға асос бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Лексик машқларни тизимлашириш борасида сўз юритишдан оддин лингводидактика тушунчасини изоҳлаш мақсадига мувофиқ, зеро бу атама чет тили ўқитиш, хусусан лексика ўқитиш методикаси фанига оид узбек тилидаги ишларда илк бор муомалага киригилмоқда. Тил ва нутқ инсонга табиатан ато қилинган ҳодиса, аммо тилишунос кўпгина ҳолларда ўз предметини одамлардан ажратган ҳолда ўрганади, зеро у одамлар бор экан, улар муайян тилини билишадилар, бинобарин муайян тил мавжуд деган ақидага кўра или тутади. Аммо тил ўзлаштирилалётган функция ва инсон эгалайдиган қобилият сифатида қаралганда бундай мавхумликка йўл қўйиши мумкин эмас. Шаклланетган инсондан ажратилган ҳолда таҳдил қилинаётган тил ва шахснинг алоҳида бир хислати сифатида ўрганиладиган тил тизими аслини олганда биргина, аммо турли томонлардан ўрганиладиган объектдир.

Бу фарқ олимларнинг, айникса тилишунос методистларнинг, назаридаи четда қолмади. Натижада тилишунослик ва тил ўқитиш методикаси фанларнинг туташган жойида лингводидактика фани юзага кеди. Лингводидактика таълим жараёнида тил ўзлаштиришнинг ва уни нутқий мулоқатда қўллашини инсон шахсияти

шәккланиши билан бөгөвчі умумий назариясиdir.

Бу назарияга биноан хорижий тиљни қандай ўқытиш қаңчалик аҳамиятта зға бұлса, тил тизимидан нимани танлаб салып ҳам шүнчалик мүхим. Бинобарин лексиканы ўқығища машиқтар тизимини яратиш, уларни назарий асосда таснифлаш ва таълим жараённега киритиш көтказының белгилаш ва бошқалар катта аҳамият касб этади.

Маълумки, машиқтарни тизимлаштырыш деганда, уларнинг таснифи ва таркибиға нисбатан катта ва кичик гурӯҳларга бөглениши тушунилади. Ана шундай гурӯҳлаштыриш асосида ҳар бир аниқ мақсад ва ҳолат учун машиқтар турлари танлаб олинади. Лексик машиқтарни тизимлаштырышда биринчи бобда ёритилган лексикага ўргатыш тамойиллари ва лексик кўникмани шәкклантириш услублари ҳақидағи фикр-мулоҳазалар илмий асос бўлиб хизмат қиласи. Келтирилган асосий назарий далилларга сунгтан ҳолда лексик машиқтарнинг умумий (таянч) турлари тизимини бериша ҳаракат қиласиз. Ушбу мақсадни амалга оширишдан олдин таснифлашга оид мезонларни на улар асосида курилган тизимлаштыриш моделини кўриб чиқамиз.

II. БҰЛЫМ

ЛЕКСИК МАШҚЛАРНИ ТАСНИФЛАШ

Сарлавхада құйилған вазифаның қаңчалық мұрзаккаб әкаплигини күрсатып үчүн, лексик машқларни таснифлаш үшін турларга ажратып үчүн құлланиб келаёттан хилда-хил методдарнинг аталишининг эслатибүтишнинг үзиек қиғоя бўларди. Унда, бинобарин, машқларнинг қўиидаги мезонлар асосида турларга ажратишини кўрамиз:

1) маълум гуруҳдаги сўзлар құлланиши доирасида юзага келадиган нутқий фаолият турларига кўра фарқланадиган машқлар, яъни рецептив маниқлар;

2) сўзниң алоҳида жиҳатларини, яъни фонетик, график, орфографик хусусиятларини ўргагишга йўналтирилган машқлар;

3) сўз алоҳаларининг маълум қўринишларини намоён этишга йўналтирилган машқлар;

4) алоҳида ажратилган сўз ёки бирикмадаги сүз билан ишлашга мўлжалланган машқлар (матнни на номатний машқлар);

5) ўрганилаёттан сўз иштирок қилаёттан синтактик тузилманың табиатига (тап ёки сўз бирикмаси) нисбат фарқлапни ўргатувчи машқлар;

6) сўз қўллашга ундовчи омиллар, яъни саволлар, буйруқлар, ноаниқ, тасдиқ гаплар ва бошқалар;

7) тиллар бўйича фарқ қилиувчи омиллар - бир ва икки тилли машқлар;

8) ўрганилувчи сўз устидаги ишлашнинг гурли усуулари (сўзлар ўрнини алмаштириш, керакли сўзни танлаб олиш, бўш қолган жойни тўлдириш ва ҳоказо);

9) машқларнинг мантиқий - предмет асосини ташкил қилиувчи омиллар;

10) сўзниң машқларда кўлманишининг асосланганлиги;

11) маъно ва шакл элементлариниң машқлар таркибида туттан ўрни ("лисоний" ва "нутқий" машқлар);

12) машқни бажаришга иштирок этувчилар сонига нисбатан (диалогик ва монологик лексик машқлар) фарқлаш.

13) машқ бажарилishiда илғаридан "тайёр" сўзлар билан шугулланиш ёки уни мустақил тузилишини талаб қилиниши.

Лексик машқларни умумий таснифини түзиш учун санаб ўтилган гурухлаш мезонларини ўзаро таққослаб, таснифлаш "негизи" да турадиган асосий мезонни анықлаш ва шу йүсінде бошқа "иккиламчи" мезонларнинг ҳам тутган үрнини эътиборга олиш лозим бўлади. Ушбу топшириқни бажаришининг қўйидаги чигалликлари мавжуд: биринчидан, санаб ўтилган кўпгина таснифлаш йўллари бир - бири билан кесишган ҳолда ўзаро бир - бирини тўлдиради ёки жуда ҳам иқин туришади, иккинчидан дастлабки қарашибда санаб ўтилган мезонлар ҳар тарафлама тутгал ва мустақил равища да лексик машқларни гурухлаш қобилиятига эгадек тувлса ҳам, кейинчалик уларнинг имкониятлари бир хил эмаслиги маълум бўлади, учинчидан, айрим қийинчиликларнинг келиб чиқиш сабаби шундаки, баъзи машқларда кўзланган мақсад бевосита амалга ошади ва бу уларнинг асосий йўналтишига мос келади, бошқа машқларда эса мақсадга биавосита эришилади.

Ушбу муаммоларни барча таснифий белгиларни таҳдил килгандан сўнг бартараф қилиш мумкин. Лекин унгача кенг миёсга эга бўлган таснифий материални тартибга келтириш мақсадга мувофиқдир. Таснифий мезонларни дастлабки ўзаро чогиштириш натижасида тубандаги уч таснифий бендулар бир - бирига мукобил белгиларига кўра ҳам қарам бўлмайди:

1) нутқий фаолият турларига нисбатан гурухланиши (ушбу мезон дастлабки ўринда рецептив ва репродуктив машқларни фарқлаш учун хизмат қиласи);

2) сўзнинг алоҳида жиҳатлари фонетик, график, орфографик ва бошқалар устида ишлашга йўналтирилган машқлар;

3) маълум турдаги сўз алоқасини шакллағиришга йўналтирилган машқлар таснифи.

Бу уч тасниф мустақиллиги уларнинг турли мақсад лоирасида тузилиши ва бажаримиши билан изоҳланади. Чунки нутқий фаолият турларини фарқлаш, сўзнинг график, семантик ва физиологик бутунлигини акс эттирувчи ҳамда сўз алокаларининг турларини намоён қиувчи фаолиятларни ягона бир қолишига солиш қийин масаладир.

Колган мезонларни уч гурухга бирлашгирилишини таклиф қиласиз:

1) лексик машқларнинг алоҳида сўз ва маңгдаги сўз билан ишлаш турлари "тайёр" сўз ва сўз ясаш чегарасида

түзиладиган машқ гурухларини ўз ичларига оладылар;

2) машқларнинг мазмун ёки шакл бўлаклари устунлигига нисбатан фарқланиши, сўз кўлланаётган нутқ тузилмасининг ҳажмига нисбатан машгулотларни бир - биридан ажратиш барчаси ягона коммуникатив тасниф доирасига кирадилар;

3) сўз кўллашни таъмин этувчи, ўрганилувчи сўз табиатига кўра таснифи, бир тилли ва икки тилли лексик машқларга бўлинishi, ўрганилувчи сўзга қизиқиш ортирувчи ҳаракатни шакллантирувчи мезонлари, асосан, сўз кўлланишини шакллантирувчи машғулларни назарда тутган машқлар мажмусини фарқлаш учун хизмат қилиди.

Шундай қилиб, уч мустақил гуруҳ белгилари ва уч гурухлаштирилган белгилари ажралади. Улар таҳлилида бизни қизиқтирган асосий нарса, кўриб ўтилган мезонларнинг машқларни тизимлаштиришда таянч нутқаси сифатида кўллаш имкониятини аниқлаш ва шу асосида бериладиган машқ гурухларининг ҳаракетерли хусусиятларини кўрсатиб беришдир.

ЛЕКСИК МАШҚЛАРНИ НУТҚ ФАОЛИЯТИНИНГ ТУРЛАРИГА КЎРА ТАСНИФЛАШ

Лексик машқлар нутқ фаолиятида ишлатилишига кўра рецептив ва репродуктив хусусиятли бўлади. Умумий турдаги машқлар лексикани ўзлаштиришга йўналтирилган бўлса ҳам, рецептив машқлар ёрдамчи ҳаракетерга эга ва сўз ўзлаштириш жараёнида дасглабки ўқув машгуллари жараёнида фойдаланилади.

Репродуктив машқлар эса ўзлаштирилган лексикани нутқ жараёнининг барча турларида ишлатилиши билан характерланади.

ЛЕКСИК МАШҚЛАРНИ СЎЗЛАРНИНГ АЙРИМ "ЖИХАТЛАРИ"НИ ЎЗЛАШТИРИШТА ЙЎНАЛТИРИЛГАНЛИГИ БҮЙЧА ТАСНИФЛАШ

Ушбу таснифга асосан, машқларни ўқиши, сўзни эшишиб тушуниш ва эсда сақлаш, фонетик ва график орфографик белгиларини аниқлаш каби турларига ажратиб кўрсатиш мумкин. Мазкур таснифий бўлинишда факат фонетик ва

график, орфографик машқларгина бевосита амалий аҳамият касб этади.

Бирок, бу турдаги машқлар лексик машқлар умумий сочининг жуда оз қисмини ташкил этгани ҳолда, бир "ўлчовли" восита сифатида ўкув фаолиятининг барча талабларига жавоб бера олмайдилар.

Мазкур мезон барча ҳолатларда таянч белгини ажратиб бермайди, чунки, у ўқиш, талаффуз қилиш, ёзув машқларини тизимлаштиришнинг асосий мезонларидан бири бўлса ҳам, сўзлашув машқларини фарқлаш учун катта роль ўйнамайди.

ЛЕКСИК МАШҚЛАРНИ СЎЗЛАРНИНГ АСОСИЙ АЛОҚА ТУРЛАРИНИ ШАКЛАНТИРИШТА КУРА ТАСНИФЛАШ

Машқларнинг кўпичилиги сўз алоқасининг қайси тури етакчи ўрин эгаллаши билан характерланади. Она тилидаги сўзни хорижий гилда сўрашга оид машқлар тиллараро парадигматик муносабатни шакллантиради ва (Рогова, Гурвич, 1972, 34 - 39) сўзларни тиллараро муҳобиллаштириш йўли билан мантиқий тушунча ифодаловчи алоқаларни шакллантиради. Аммо, бу алоқанинг шаклланиши асосий мақсад эмас. Шунга қарамасдан, машқлар сўзният у ёки бу турдаги боғлиқлигини намоён қилишга йўналтирилганлиги муҳим аҳамият касб этадики, бунда лексикани ўзлаштириш жараёнининг ички психологияк ва психофизиологияк мазмун, моҳияти намоён бўлади. Бу жараёнининг аниқ талабини қондира оладиган фаолият турларини белгилаб олинида кўл келади.

Чунончи, оғзаки мулокот мавзусини аниқлашда бу турдаги машқлар гурӯҳини яратиш катта ўрин эгаллайди.

ЛЕКСИК МАШҚЛАРНИ КОНТЕКСТДАГИ АЛОҲИДА СЎЗ УСТИДА ИШЛАШ ТУРИГА КУРА ТАСНИФЛАШ

Алоҳида ажратилган сўзлар билан ишлаш машқларга нисбатан бўлган қисқа муддатли салбий муносабатдан сўнг, улар лексикани ўргатишида муҳим ўрин тутиши қарийиб барча йўналишдаги услубиётчилар томонидан тан олинмоқда.

Бу машқлар кўзланган мақсадга биноан 6 турга ажратилиши мумкин:

- 1) аналитик маңқлар;
- 2) сүз ёдлашга оид маңқлар;
- 3) нарса ва ҳодисалар номини эслаб қолишга оид маңқлар;
- 4) сүзларни гурухлашга доир маңқлар;
- 5) мустақил сүз ясалишига оид маңқлар;
- 6) сүзнинг грамматик шакларини ҳосил килиб ўзлаштиришга доир маңқлар.

Матн асосидаги маңқлар сүзни синтагмада, гафда ёки ундан мураккаб нутқий қурилмалар таркибида қўлланышига нисбатан турли гурухларга ажralадилар. Бундан ташқари, қўйидаги йўналишдаги маңқлар бажарилиши экстимолига ҳам аҳамият бериш лозим:

- а) матн таркибида олдиндан қўлланган сўз билан ишлані;
- б) сўзни тасниф қилинган контекстда қўллаш;
- в) маълум сўзлар учун контекстлар яратиш.

Таъкидлаш керакки, алоҳида ажратилган сўзлар устида ишлашкинг ўзи матнга алоқадор бўлмаган маңқларни бошқа турдати машгулотлардан фарқлаш учун етакчи белги ҳисобланади, шунинг учун ҳам сўзни матнга киритиш ўзидан етакчи хусусият бўла олмайди.

Ушбу хусусиятга эга бўлган машилар лексик маңқларнинг катта қисмини ташкил этади ва уларни бошқа мезонлар асосида тасниф этиш лозим бўлади.

КОММУНИКАТИВИЛИК ДАРАЖАСИГА КЎРА ЎЗАРО БОҒЛИҚ ЛЕКСИК МАҢҚЛARНИ ТАСНИФЛАШ

Коммуникативлик даражасига кўра фарқланувчи лексик маңқлар таснифнинг етакчи мезонлардан бири ҳисобланади. Шунга асосан, бошқа айрим мезонлар унга тобе ёки кам деганда у билан бирга жуда яқин алоқада бўлиши лозим. Ушбу мезон асосида гурухларга ажратишда лексик маңқларнинг шаклий ва мазмуний элементларининг ҳиссаси турлича бўлишигини инобатга олган ҳолда маңқларнинг тўрт турини кўрсатиш мумкин:

- 1] Шаклий маңқлар; буларни бажаришда ўқувчининг диққат эътибори сўзнинг тузилишига қаратилади;
- 2] Шаклий мазмуний маңқлар; асосий эътибор шаклга қаратилса ҳам, бирор, бунда шакл муйян матн мазмунига

алоқадор бўлади;

3) Мазмуний-шаклий машқлар; буларни бажаришда ўқувчиларнинг дикқати мазмунга қаратилади, лекин, бунда нутқий фаолиятнинг ўқиш жараёнига оид табиати, билишнинг алоҳида назорат этилишини таъмин этувчи, онгли ҳаракат эканлигини унугмаслик керак бўлади;

4) Мазмуний машқлар; бундай машқларни ўқувчилар уларнинг ўқув ҳарактеридаги машгулот эканлигига аҳамият бермасдан, мазмунга эътибор берадилар.

Шаклий ва шаклий-мазмуний машқларга барча матнiga алоқаси бўлмаган лексик машқлар кирадилар, матнга аллоқадорларидан эса фақаттинга бўш қоддирилган ўринни тўлдириши, қавсларни очиш, гапни тўлдириш ва гап гузиш, синонимларни қўллаши, матн мазмунини бошқа шаклда ифодалаш каби топшириқли машқдаргина кирилли мумкин.

Мазмуний-шаклий ва мазмуний машқларни хорижий тилдаги нутқий мулоқотнинг у ёки бу томонини ривожлантиришни назарда туттганлиги саёбали, улар таснифининг асосида кўпинчча туб нутқий мулоқот мезонлари ёғади. Булар, чунончи, нутқ таркибининг ташкилий қисми, мулоқот иштирокчилари сони (монолог ёки диалог), нутқий алоқанинг янгилиги, бажариладиган фикрий фаолиятнинг ҳаракети, ҳис - ҳаяжон ва бошқа ақлий ҳаракатларнинг ифодаланиш даражаси кабиларни ўз ичига олади.

ЎРГАНИЛАЁТГАН СЎЗНИ ЎЗ ИЧИГА ОЛГАН НУТҚ ПАРЧАСИННИГ ҲАЖМИГА КЎРА КОММУНИКАТИВ МАШҚЛАРНИНГ ТАСНИФИ

Нутқий фаолият (нутқий ҳаракат) сўз, сўз биримаси, гап ва маңтиқан бир - бири билан бояланган гаплар воситасида амалга оширилиши мумкин. И.А.Зимняя ўзининг қатор ишларида таъқидлаганидек, хорижий тилдаги нутқ фаолиятини, механизмни шакллантириш асосида бир босқичдан иккинчи босқичга ўтишдаги изчилликни сақлаш мухимdir. Бу босқичлар сўз, сўз биримаси, гап иштирокидаги ҳаракатлардан иборат бўлади. Лексиканни ўзганишда бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўтишдаги изчилликни таъминлаш мақсадида мазмуний-шаклий лексик машқлар таснифи кўриб чиқлади:

а) бир қатор саволлар ва нутқий рагбатлантирувчи

омиллар асосида түзиладиган машқлар; бунда ўқувчилар алохыда сўзларга кўйилган саволларга жавоблар қайтарадилар (бир - бирига вид саволлар ҳам шулар жумласидандир);

б) ўрганилаётган сўз мазмунига синтактик бирлик воситасида жавоб қайтиришни талаб қилувчи саволлар;

в) қисқа гаплар билан жавоб беришни талаб қилувчи саволлар ва бошқа рағбатлантирувчи омиллар.

Мазкур машқларнинг бир босқичдан иккинчи босқичта утицидаги изчиллиги хорижий тилларни ўрганишининг дастлабки даврида муҳим аҳамият касб этади. У ўқувчиларга лексик материални муайян фонетик изчиллик асосида шартли коммуникатив фролият жараёнида барча қийинчиликлардан ҳоли қиёсий ўргалишга имкон беради. Кейинги босқичлардаги машқлар лексик материални синтактик бирлик даражасида нутқий таъсира кўрсатиш воситасида ўзлаштиришни қамраб олади. Унбу тасниф асосий курс доирасида бир миқдордаги ўқув материалини босқичма - босқич ўргатишдаги изчилликни таъминлаш учун хизмат қиладиган тизимни ярагиша қўл келади.

КОММУНИКАТИВ ЛЕКСИК МАШҚЛАРНИНГ ИШТИРОКЧИЛАР СОНИГА КУРА ТАСНИФИ

Лексик машқлар мудоқот иштирокчилари сонига кўра диалогик ва монологик машқларга бўлинадилар.

Барча диалогик лексик машқлар мавжуд лексик бирликлар қўлланиши доирасида диалог тузиш ёки ўрганилувчи сўз мазмунини акс этириувчи диалогни ёдлай ёки бўлмаса, тузилган диалогга сўз киритишни тавсия этадилар. Сўнгти йилларда методик адабиётларда машқлар таснифи турли назарий ёндашувлар асосида ишлаб чиқилиган.

Диалогдан машқлар тизимида фойдаланишда кўйидаги турдаги машқлар таснифи ётади:

1.Л.М.бўлиши учун маълум лексик бирликларнинг берилishi услубининг ўзи муҳим роль ўйнайди. Таълим нуқтai назаридан шуниси муҳимки, машқнинг мақсади ёки ҳеч бўлмагандан мақсадларидан бири ўрганилувчи сўзни талаифуз қилиш ва шунинг натижасида ўзлаштиришдир. Шундай мақсад бўлмаган тақдирда, сўз мазмуни ва шакл жиҳатидан таянч "калит кўрсаткичи" сифатидан берилса, машқ

жисобланмаслиги мүмкін.

Диалогик машқұлдар нұтқнинг алохіда күнікмаларни ризюмжлантиришіга нұнайтирилғанлығы, диалогнің коммуникатив табиати даражасига күра бир вактда бажарилувчи диалоглар, машгулот бажарувчи ўқувчилар сони (Старков 1974) ва диалогнің олдиндан тайёрланаған (Миролюбов, Рахманов 1972) каби белгиларига күра тұрғы гурұхларға ажрападилар. Ўрганилаёттан сүзлар турғы функционал шақлады микродиалогларда ўзлаштырылыш мүмкін: Месалан: *Lola: What country are you from. Pete, and what is your language? Pete: I am from England. I am Englishman. My language is English.* Кичик диалоглар ўқувчиларға ёдлаш ішінде тайёр ҳолда ўрганилувчи лексик бирликларни құлланиш шароити сифатида тақдым этилип мүмкін.

Бұнда факат биргина ҳиссий - интелектуал таъсирнің жағобини талаб қилиш етакчи омыртқа бўлиши мүмкін. Диалогик лексик машқуларнің мазкур түрдән сүзлашув нұтқнинг ҳар қандай мавзусини ўзлаштырышда ҳам фюйдаланиш мүмкін. У айниқса мавзум сүзлар құлланилаёттан контекстлар устида ишилаш учун күл келади, чуники *attitude, to propose, to agree, disagree* каби лексемаларнің құлланиши мүмкін бўлган контекст одатда диалогик - функционал бирликка мувофиқ келади. Янги лексиканы киритиш ва бевосита жағобини түлдириш (көнгайтирилған жағобни талаб қилувчи топширик), ўз мазмұннан талаб қилинаёттан жағоб мазмұннан даир ахборотта эга бўлган саволлар билан ишилаш машқуларнің барчаси лексиканы автоматик равишта құлланып күнікмасини шақлантириш ішінде хизмет қилади. Хорижий лексика мақсади ёки аниқ мақсади бўлмаган диалогларнің барча түрларида ўзлаштырилши мүмкін. Оғзаки нұтқ мавзусидаги машқуннің диалогик қисми диалог - шаблон (қисқача хабар ёки ахборот олиш), келишув диалоги (мақсад - биргалиқдаги ҳаракат қилишни келишиш), ишоңтириш диалоги, "баҳс диалоги" шақлида ишилаб чиқиши мүмкін. Масалан, *At the theatre, Post office* сүзлашув мавзудаги янги лексика иккападан бўлиб рамзий сереотип - диалог таркибиға қўшилади (чинта олиш, пошта маркаси сотиб олиш ва б.). Лексиканы тайёр ҳолда ёдлаш: топширигини бажарып да ўқувчилар шу ва шунға ўхшаш лексик бирликлар заминидан бир қанча келишув диалоглари тузадилар ("Каерга бориши, билетни ким олиши, қаерда учрашишни келишайлик").

Мавзуға оид сўзлар қаториги қўллаш йўли билан диалог-ишонтириш баҳси ўтказилади. Масалан, топшириқ: Persuade you! classmate to go to the exhibition of painters of the XIX century. Бунда exhibit, devote, enjoy, art, etc. сўзларини қўлланг. Диалог-келишувлар ишонтириш диалоги ва баҳслар, айнан мақсадли бўлмаган диалоглар (таассуротлар алмасиши) осон йўл билан тузиладиган оддий мазмунли лексик машқлар бўлиб, улар муайян мавзу ёки мавзу қисмлари доирасида намоён бўладилар. Ушбу диалогларда ўрганилган мавзуға оид лексика ўз - ўзидан, автоматик равища, айтиш мумкинки, мавзу мантиқига таянган ҳолда қўлланилади. Лексик йўнилиш кўпинча бир вақтда бажарилувчи мулокот диалоглар ва улар асосида кўрилган майда гуруҳлар илтироқидаги сұхбатта хосдир. Бир вақтда бажариладиган диалог тузища, оддатда, мавзуға оид 1 - 2 лексик бирлик берилб, улар билан бөлалаб ишлатиш мумкин бўлган сўзлар қатори алоҳида келтирилади. Масалан, choice of profession, our optional classes мавзуларида бир вақтда ўтказиладиган бир қанча йўналтирувчи диалоглар асосида кичик гуруҳди сұхбат (4 - 5 қатнашувчи) ўтказилади. Бунда ўқувчилар мавзу доирасида барча лексикани ҳеч қандай кўрсатмасиз қўллашади. Лексиканинг диалогик нутқда ўз-ўзидан қўлланиш кўникмасининг юзага келишида диалог машқларининг аста-секиши кенгайтириб боришини алоҳида аҳамият касб этади. Берилган диалогни ёдлашдан мустақил сұхбат кўришга, жуфт диалогдан гуруҳ ичидағи ва гуруҳлараро диалогта, диалогдан матнни саҳналаштиришга ва мавжуд сұхбат драматик ҳолагини кучайтиришга ўқитувчини ўқувчилар билан умумий сұхбатидан диалогик мулокотта киришишга ўтишга ундовчи машқлар ҳудди шундай машғулотлар кенгайшининг мисолидир.

Лексикани нутқий тузилмада қўлланилишида унинг барча грамматик шакл ва вазифаларининг акс этирилишини таъминлаш, сўз воситасида ифода қилинаётган түшунча билан бўғлик барча бўғлиқликларининг шаклланишини намоён қилиш, сўзларни турли хил кўринищдаги нутқий бирликларда қўлланилишини кўрсатиш каби максус вазифаларни бажариш учун ўқитувчи малигулотларда алоҳида назорат ўрнатиши лозим бўлади. Шунинг учун ҳам саволлар ёки бошқа мулокотга ундовчи ҳаракатлар воситасида шаклланаувчи диалоглар лексика ўргатишга йўналтирилган диалогик машқларининг асосий турларида бири эквалигини таъкидлаш зарур. Хорижий тилни ўқитиппининг коммуникатив

назариясига мувофиқ ўқувчи лексик бирликни тайёргарлик-сиз нутқда құллай олғандағына уни ўзлаштирилған деб ҳисоблаш мүмкін. Ўз навбатида, сұзнинг барча турдати нутқий мулоқот шакларини акс этирувчи диалогик машқлардан фойдаланиш мақсадға мувофиқдір.

Диалогик харakterдаги лексик машқлардан кеңг құлманилишининг психологияк асосланиши шундадыр. Ҳар қандай монологик машққа лексик йұналиш беріш мүмкін, лекип ўқувчи ушбу йұналишни күра олиши (мазмуний - шаклай машқдар), ёки күра олмаслығы (мазмуний машқдар) ҳам мүмкін. Шу сабабли монологик лексик машқлар тасифини методик адабиётларда құлмаништан соғ монологик нутқий түзілмаларни ажратиш мезонларига сұяңған ҳолда беріш мақсадға мувофиқдір.

Монологик машқлар мазмун моҳияти ва табиатига күра, аникроги, машгулот бажарувларнинг ёдда сақлаш. Мулоқтотың асосий жараёни давомида мунисарали фикр, ҳиссиёт тасаввур этиши қобилятишининг намән бўлиши хусусияти жиҳатидан тасифланиши мүмкін. Бу машқларнинг қўйидаги турлари фарқданади:

- 1) кўрини, эшлиши, ўқиши асосида тўплангын маълумот, маълумотни холисона монологлар тарзида айтib бериш; маълумот бериш, тақриз (аннотация), режа изояни, репортаж, реферат, маъруза, эсдалик монологлари;
- 2) мавжуд реал нарсани ва ҳаёлий тасаввур этилган ҳодисани баён этувчи иккى турдаги монолог - баённома;
- 3) муқобил вариант, шакл, шакллар ва бошқа таркибий қисмларнинг таснифини акс этирувчи монолог - тасниф;
- 4) таъриф берувчи монолог;
- 5) умумлаштириш монологи;
- 6) исбот этувчи, асослаб берувчи монолог;
- 7) хуласалар нағижасида келиб чиққан мұайян нұхтаи назар, фикрни ифодаловчы монолог;
- 8) талқин этунчи ва тасвиrlовчи монолог;
- 9) қиёсийловчи, чогиштирувчи монолог;
- 10) баҳоловчи фикрни ўзgartируvчи тасвия монологи.

Матннинг ахборот мазмуни маълум турдаги машқлар бажарип жараёнида лексик хусусият ва йұналишга ога булиши мүмкін. Масалан, "Шаҳар транспорти" мавзуси доирасида кўча ҳаракати ҳақида ҳикоя қилинштан ёки "Ошхона" мавзусига алоқадор латифалар айтиши, "Футбол майдонидан репортаж" ("Спорт" мавзуси) сарлавҳали

мақоласи ва кундалик воқеалар ҳақида реферат гузиш каби тоғшириқларда бу хусусият ўз аксини топнили мүмкін. Худди шунингдек, хонани тасвирловчи монолог, "Йил фасллари" мавзуси бўйича суратдаги габиат тасвирининг ёритилиши эсда қолган матн персонажлари қиёфасини ҳаёлий тасвир этиши, асосий сўз ёрдамида мавзуга оид турли ҳолатлар тўғрисида ҳикоялар тузиш, кинофильмлар тасвири ("Кино" мавзуси). бўши вақтларни ўтказиш имкониятларини санаб ўтиш ("Дам олиш куни") каби тоғширикли машқлар ҳам лексик машқ характерини олади. Сўзни кенг кўламли алоқаси монолог - таъриф ва у билан боғлиқ ҳодисалар моҳияти, хусусиятларини очишга оид нутқий бирликлар тузишга имкон беради.

Масалан, *Extraclass activities, Hobby* мавзуларида дўстлик тушунчаси таърифи ва ҳакиқий дўстни барча хусусиятлари, дўстона муносабалар каби фаболиятларни ёритиш жараёнида асосий сўзларнинг мантиқан алоқа мажмусаси намоён бўлади. Умумлаштирувчи монологлар турли - туман ҳодисаларни ўзаро боғлиқ ҳолда ёритиш мақсадида маълум мавзуга оид лексик бирликларни қўллаш йўли билан тузилади.

Энг кенг тарқалган монологик машқлар "берилган ҳодиса ҳақида ҳикояни тутатинг" туридаги тоғширикли машқлар бўлиб, унда муайян сўз ёки сўз гурӯзи қўмавишни назарда тутилади.

Изоҳ берувчи монологлар билдирилаётган асосий фикрни изожлаш, тушунтириш ҳаракатини ифодаловчи мантиқий бирликларни акс эттиради. Масалан: *In the last form you are obliged to choose your future profession.*

Лексикани ўргатишга йўналтирилган киёслаш ва чоғиштириш монологи асосан конкрет шароит, фактлар, матнданги ҳодисалар, оғзаки хабар, сурат, фильмдаги воқеаларни ўзаро қарама-қарши қўйилаётган қайсицир жиҳати билан фарқлашувчи фактлар, ҳолатлар, босхса магнда, расмда ёки ўқувчининг шахсий тажрибасида учрайдиган воқеа-ҳодисалар билан чоғиштириб, умумлаштириб берниши кўзда тутиади. Фикр билдириувчи монолог (монолог-баҳолаш), энг аввало, шахс ҳаёти, фикрини ифода этиувчи лексик бирликлар, масалан, *to like, to prefer, impression* кабиларни ўзлаштириш учун қўл келади. Бу монолог мавзуга оид лексикалии ҳиссий идрок этиб қўллаш учун хизмат қиласди.

Хоҳиши ёки ишонч ҳосил қилиниши натижасида фикр

ўзгәргиругчи монологларда, одатда, бирор-бир нүктәм-назар далиллар ва қарши далиллар воситасида асослаади. Масалан, монолог "тавсифнома": never spend your holicays with your people ўз исботини талаб қиласы.

Юқорида көлтирилган таснифләрдан ташқари, методик адабиётларда бошқа қатор таснифий белгилари күриб ўтиладиким, улар монолог машқларнинг аниқ бир шаклининг кўлланиш йўлларини аниқлаб беради. Л.Д. Белякова бир сўз ёки маълум турдаги гәп доирасида тузиладиган монологик машқларни фарқлайди. Г.В. Рогова ва Ф.М. Рожковалар кичик бир гаپ доирасидаги монологик машқни ва бир неча тағдан иборат кеңт кўламли монологларни фарқлашни таклиф қиласидар.

Ушбу турланиш бир ҳолатдан иккинчи ҳолитта ўтишдаги изчилликка нисбатан тузиладиган, катта ҳажмида монологик нутқ ташкил қилиш йўлини кўрсатади. Бу йўллардан бири барча ўқувчилар томонидан навбат билан монолог-жикоя, ахбэротномалар тузишдир.

Монологик машқлар бир - биридан яна мазмунининг асосини ташкил қилувчи ҳодисалар фарқига нисбатан ҳам фарқ қилиш мумкин. Масалан, кўргазмали қурол асосидаги монолог-расм, диаграммалар, режалар, демоний газеталар, дарс жадвали, макетлар баёнига кўра турли мазмунда монологик машқлар ташкил қилиш мумкин.

ЎРГАНИЛУВЧИ СЎЗЛАРНИНГ ИШЛАТИЛИШИГА АЛОҚАДОР ЛЕКСИК МАШҚЛАРНИ ТАСНИФЛАШ МЕЗОНЛАРИ

Мазкур ғурухга кирувчи мезонлар сўз кўллакини омилларини ташкил қилувчи белгилар билан бөглиқдир. Уларни кўйидағи турларга ажратиш мумкин:

- а) сўз кўлаш йўлларини аниқловчи ва шунга нисбатан машқлар турини белгилаб берувчи тасниф;
- б) машқларни бир ёки икки тиллилиги;
- в) ўрганилаётган сўз устида ишлашини ютинослашган услубини талаб қилувчи машқдар;
- г) машқни предмет - лексик мазмунини ташкил отувчи асос тури.

Ушбу турдаги машқларни кўриб чиқиши лексик машқларнинг сўз кўллашдаги сабабий бөгланиши даражаси ёки мустақиллиги [тапаббускорлиги] юзага келиши билан

алоқадор хусусиятларини ҳар томоналама ўрганиш имкониятини беради.

ЎРГАНИЛАЁТТАН СЎЗНИНГ ИШЛАТИЛИШИГА БЎЛАДИГАН ТУРТКИ ТУРЛАРИГА БИНОАН ЛЕКСИК МАШҚЛАРНИ ТАСНИФЛАШ

Мазкур тасниф катта амалий аҳамият касб этади. Ўрганилувчи сўзни қўлланишига рагбатлантирувчи омил кўпгина ҳолмarda ўқитувчига у ёки бу тоширикни ташлаш мўлжали бўлиб хизмат қилади.

Ҳар қандай лексик машқ уни рагбатлантирувчи қисмга нисбатан тавсиф бериш мумкин, чунки лексик машгулолгарнинг барча хусусиятлари ушбу машгулотни бажаришга ундовчи омиллар атрофида мужассамлашадилар. Рагбатлантирувчи омилларнинг табиати, уларнинг берилиши ва давомийлигига нисбатан машқларнинг таркибий қисми, сўз қўлланишидаги мажбурийликдан ташаббускорликка ўтишининг изчилиги белгиланади.

Рагбатлантирувчи омил деганда ўқувчини лексик машқни бажаришда ўрганилаёттан сўзни қўлланига ундовчи ҳаракатни тушунамиз. Машқ бажаришнинг рагбатлантирувчи қисмida бўйруқ оҳангги мавжуд: "Гап тузинг, расмни баён этинг, диалоглар тузинг. Саволларга жавоб беринг" кабилар, ўқувчини кейинги ҳаракатлари йўналишини ва мақсадини кўрсатиб беради. Рагбатлантирувчи (ундовч) омиллар турлича нуқтаи назардан тасниф этилиши мумкин. Энг кенг тарқалган ва нисбатан фойдалироқ таснифга (бунда машқларнинг етакчи белгилари ифодаланади) биноан улар лисоний (огзаки, ёзма), лисоний - кўргазмали ва кўргазчали каби турларга бўлинадилар. Лисоний рагбатлантирувчи топшириқ - омиллардан қўйидагилари кўпроқ қўлланилади: Сўз биримаси ва гапни қўллашши рагбатлантирувчи омил, антоним, синонимлар топишга ундовчи, сўз биримаси ва гапни бошқа йусинда ифодаланиши, тўлдириш учун жой қолдирилган гап ёки матнлар; болганинг қисмдаги гап бўлавлари ўрнини алмаштириш; кенгайтирилиши талаб қилинган гап, бир-бирига қиёслаш ва боғлаш учун келтирилган нотўлиқ гап; гап ва матн тузиш учун берилган сўз ;машқ бажариш намуналари; ҳикоя қилиб бериш учун берилган матн бўлаги; режа саволлари; турли жавоб

ҳаракатларига сабаб бўлувчи матн; кейин аниқлик киритилишини талаб қилувчи умумий ҳолат; берилган сўз ва ибёралар асосида ҳикоя тузиш; тузилган монологик матн мазмунидан келиб чиқсан ҳолда холоса чиқариш; фикр тасдигини рағбатлантирувчи омиллар; ифюда қилишгаётган фикрни давом эттириши талаб қилувчи мақулар; кейин инкор ва радияни қилишни талаб қилувчи нутқий бирликлар; исботталаб тезис, савол тутдирувчи мулоқазалар, савони шакллаштирувчи жавоблар ва бошқалар.

Кўргазмали омиллар ўқувчини кейинги ҳаракатини кўргазмали асосда ташкил қилишни кўзда тутади. Шу турдаги омиллар асосида тузилган лексик машқлар қўйидаги мезонлардан келиб чиқсан ҳолда таснифланишлари мумкин:

1) Ўрганидувчи лексикани суръатлар, баған ҳаракати, бошқа ҳаракатлар, предметлар (алоҳида предметлар, турли предметлар мажмууси), макетлар (кичрайтирилган ясама шакллари) воситасида изоҳловчи машқлар;

2) Кўргазма тургунлиги ёки ўзгарувчанлиги асосида фильм, суръатларининг алмашиб туриш, берилган суратга ўзгартиришлар (ўқитувчи ёки ўқувчи томонидан) киритиш, предметларнинг ўзини ёки жойларини ўзгартириш (масалан, макетда уй ажномларини бир жойдан иккинчи жойга кўчириш) орқали ташкил қилинадиган машқлар;

3) Кўргазма воситаларининг тўлиқ ёки тўлиқ эмаслигига кўра яrim чизилган сурат, макет кабиларни ҳикоя қилиб бериш йўли билан тўлдиришга рағбатлантирувчи машқлар;

4) Кўргазма "ташқи" ва "ички" кўринишили бўлиши мумкин. Умуман олганда, барча коммуникатив лексик машқларни бажариш "ички" кўргазмалар воситасида рағбатлантирилиши мумкин. "Ички" кўргазма шундай намоён бўладики, ўқувчи ўз идроки билан барча воқеа - ҳодисалар бўлакларининг аниқ ўрни, ҳолатини, воқеанинг кечиш жараёнини тасаввур қиласи ва униш барча тафсилотларини тўлигича тасвиrlайди;

5) Кўргазма воситаси воқеийликка боғлиқ; ёки ундан айрим бўлишига асосланган машқлар;

Биринчи ҳолатда лексикани қўлланиши воқеа ҳолатининг ўзи билан баҳоланади. Воқеа ташқи оламда кечеётган ҳодисанинг кичик бўлаги бўлиб, нутғода у маълум омиллар таъсири натижасида намоён бўлади. Лексикани ўргатишда воқеа ҳолат кўргазмалар орқали ифодалантанида ўқувчилар маълум ҳақиқий табиий шароитта ("Дўконда",

"Театр"да кечәёттган воқейлик) яқинлаштирилиб, улбу мавзуга донир нарса - предметлар (маңсулот, билет, пул, саңна ва х.) воситасида ҳикоялар түзадилар, чунки үшбу воқейликнинг ўзи уларни нуткий фәолиятга киришшаша рагбатлантиради.

6) қўлланма материали лексик машқлар мазмунни ва коммуникатив йўналтирилганини билан ҳам фарқланишин мумкин.

Кўргазма воситалари ҳақиқатда кўришган нарса, ҳодисани ёритиб, уни талқин қилиш, имкониятларини яратади, масалан, суратда бўлмаган нарсаларни тасаввур қилиш, воқеанинг бошланиш тарихи (эпилог) ни бериш каби нутқий ҳаракатларга ундейди. Бундан ташқари, бундай умумланитирувчи, хуносаловчи, баҳоловчи, суратларни бир бирни билан солигтириш улар мазмунини ўқувчининг шаксий тажрибасига мослаштириш ҳаракатлари ҳам кузатилади.

Лексик машқлар бажаришда лисоний-кўргазмали воситаларнинг кенг миқёсда қўлланилиши. ҳар қандай лисоний рагбатлантирувчи омилини кўргазма воситалари билан биргаликда қўллаш мумкинлиги орқали изоҳланади. Бундай машқлар тубандаги муносабатлар асосида тузилиши мумкин:

-лисоний ва кўргазма воситалари ўзаро бир-бирини тўлдиради;

-кўргазмали ва оғзаки воситалари ўзаро

мослаштирилади;

-қўлланма ва оғзаки воситалари ўзаро тақъосланади;

Кўргазма ва лисоний воситаларнинг бир-бирларини ўзаро тўлдириб қўлланишини матидаги сўз ўрнига суратларни лексемалар билан ўзgartириш, расмлар асосида ўқитувчи ҳикоясига алоҳида гаплар киритиш; алоҳида турдаги кўргазмалар билан ишлаш (харита, режалар, плакатлар, фахрийлар таҳтаси, афишалар, деворий газеталар, дарс жадвали, транспорт жадвали ва бошқалар; меню, прейсырант) каби турли тематик мазмундаги саҳналар уюштириш имкониятини беради.

Кўргазма ва лисоний воситаларнинг ўзаро мослашуви суратларни изоҳлашига мос келадиган сўз ва ибораларни танлаш, матн ва расмнинг номуноғиқлигини кўрсатиш каби машқларда юзага келади. Уларни ўзаро тақъосланishiни зас, бир хил мазмундаги сурат ва матнларни чориштириш жараённида содир бўлади.

Юқорида таъкидланганидек, рагбатлантирувчи

воситаларнинг табиати ва тури, уларнинг ўқувчининг ўқув фаолияти билан алоқадорлиги бажариладиган машқларнинг тузилиши ва таркибини аниқлашда етакчи рол ййнайди. Ўқитувчи ёки методист машқлар гурӯхини тузар экан машқларнинг рагбатлантирув омилига нисбатан фарқланишига эътибор беради, чунки, фақат шу усулда ўқув материалининг кўп қирралик хусусияти ўз аксини топади. Шундай бўлса-да, санаб ўтилган омиллар лексик машқлар тасниф мезонининг асосини, ўзагини ташкил қила олмайдилар, шу сабабли, уларни бошқа туб мезонлар билан мослаштириш ва умумийлаштириш эҳтиёжи йўқолмайди.

БИР ТИЛЛИ ВА ИККИ ТИЛЛИ ЛЕКСИК МАШҚЛАР

Лексик машқларнинг бир тилли ёки икки тиллилиги хорижий сўзларни қўллашга ундовчи воситалар фарқида ўз аксини топади. Бинобарин, икки тилли машқларда тошириқ она тилида, жавоб эса чет тилида берилади. Бундай машқлар икки асосий турға бўлинади: она тилидан хорижий тилга ва аксинча хорижий тилдан она тилига таржимани талаб қилувчи машқлар, шунингдек иккала ифодаланган тилларда савол ва жавоб ўртасида мавжуд бўлган, таржимасиз англаниладиган борлиқлик асосида тузилган машқлар. Таржима машқларида ажратилган сўз, сўз бирикмаси ва гапни таржима қилип; тўлигича ва қисман таржима қилишга мўлжалланган тошириқлар берилади. Кейинги йилларда қисман таржима қилиш машқларига ҳам эътибор қаратилмоқда, чунки улар бошқа барча қийинчиликлардан ҳоли.

Таржима машқлари қўйидаги мақсадларда қўлланилади:

1) эсда сақлашни таъмин этувчи микротаржима кўникмаларини шакллантириш.

2) ўрганилаётган сўз алоқаларини аниқлати;

3) сўзни бирикиш имкониятларини аниқлаш.

Лексик машқлар сўнгги икки ҳолатда чет тилини ўрганишда пайдо бўладиган она тили таъсири-ингерференцияни йўқотишга хизмат қиласи. Улар қўйидаги усулларда бажарилади; шартли таржима, чет тилидаги гап таркибида берилган ўзбекча сўзни таржима қилиш, тўлиқ матн таржимаси. Охир турдаги машқлар коммуникатив таржима ўйинлари ва бошқа усуллар билан амалга

оширилиши мумкин.

Тўлиқ нутқ деб аталувчи она тилидаги савол - топшириқлар ва хорижий тилдаги жавобнинг таржимасиз алоқаси амалиётчи ўқитувчилар томонидан унчалик маъқулланмайди чунки, амалиётда бир артикуляцион базадан бошқасига тинимсиз ўтиб туриш қийин кечади.

Шундай бўлсада, лисоний икки тилли диалогик жуфтлар фаолияти асосида ташкил қилинган машқлар бир неча сўз мұқобилидан маъқулини танлаб олишда ижобий роль ўйнайди. Семантик жихатдан қийин бўлган хорижий сўзни ўргатишда "қоришилган нутқ" машқлари тўлиқ таржима машқларидан кейинти босқичларда ташкил қилинади.

ЛЕКСИК МАШҚЛАРНИНГ МАНТИҚИЙ МАЗМУНИНИ ТАШКИЛ ҚИЛАДИГАН АСОСЛАРНИНГ ТАБИАТИ

А.К.Левий биринчилардан бўлиб, лексик машқларни предмет-мантиқий мазмунни жиҳатидан табақалаштириш мүмкин эканлигини кўрсаттан эди. Нутқий машқлар ифодалаган мантиқий мазмун диалог ва монолог тузишда ўқувчиларга мазмунини эркин танлашига ва ўзиги хос ташаббускор нутқнинг ривожланишига олиб келди. Мантиқий мослашув асосидаги лексик биринши ҳам (асосан коммуникатив машқларда), уларнинг предмет - мантиқий мазмунни белгилаб берилганинг кўра ёки уларни ўқувчилар томонидан танлаб олинишига кўра тасниф этилиши мүмкин.

М.А. Педанова лексик машқларнинг мазмун турларини ўқилган, эшитилган ва кўрилган матнлар орқали фарқлади. Ушибу фикрларни бетафсил ўрганиш натижасида лексик машқларнинг мазмуний асосининг турли хил кўрининшлари ҳақида фикр билдириш мумкин.

Жумладан мазмун тўлиқ ифодаланган оғзаки нутқ машқлари турлари: матн бўйича ўқитувчи ёки дикторнинг оғзаки ҳикояси; маъмун тўлиқ берилмаган ҳолда асар мазмуни (масалан, китоб сюжети) ҳақида мисоллар тузиш ёки уни алоҳида бўлаклари масалан, персонажлар нутқида учрайдиган лексикани уларнинг табиатига мувофиқ гурухлаш, сўзлашув мавзуси (муайян сўзлар воситасида "маълум" мавзусида диалог тузиши) ёки маъзуни кичик қисмларга бўлиш (мавзу бўлаклари ва уларнинг мазмупи).

Күргазмали воситалар асосида - барча турдаги памойнишибоп күлланмалар, лисоний - күргазма турлари - фильмлар, овозли диафильмлар, саңналаштирилген асар ва бошқалар ҳақида гагириш мүмкін.

Күргазмали воситалар асосида бажариладиган лексик маңқларда ҳам мавзуни илгаридан маълумлиги даражаси турли хил бўлиши мүмкін.

ЛЕКСИК МАҢҚЛАР БАЖАРИЩДА СЎЗЛАРНИНГ ЭРКИН ЁКИ ТУРҒУН ИШЛАТИЛИШИГА КЎРА ТАСНИФЛАШ

Сўзни эркин қўллаш ёки ўз - ўзидан юзага келадиган сўз ишлатиш ўрганилаётган лексика ўқитувчи нутқида ёки тоғшириқда қўлланилмаган бўлса ҳам ва ҳатто унга нисбатан бирор бир ишора бўлмаган тақдирда ҳам намоён булиши мүмкін. "Эркинликнинг" бундай даражаси, одатда, маңқларнинг фақатгина лексикани ўз мазмун донрасида ўзлаштириш даврига хос бўлиб, бу жараёнда ўқувчилар лексик бирликларни ўз нутқини бойитиш мақсадидага қўллашга эътибор берадилар. Бу сўз қўлланишининг бошқаришига, яйни, маълум лексик бирликни у ёки бу матнда ишлатилишини маълум қонуниятлар асосида олдиндан белгилангигита зиддир.

Сўз қўллашни бошқарилиши, улар орасидаги болғиқликнинг табиати икки хил булиши мүмкін, у туғридан - тўгри, бевосита ва бирор воситаси ёрдамида амалга ошишиб мүмкін. Биринчи ҳолатда ўқувчилар муайян лексик бирлик иштирокидаги машқни бажариш ҳақида бевосита тоғшириқ оледилар. Иккинчи ҳолатда эса, ўрганилаётган лексикани ишлатишга бевосита кўрсатма йўқ ва ушбу сўз қўлланиши машқнинг предмет - мантиқий мазмунни, тоғшириқ ва кутиладиган жавоб ўртасидаги мантиқий боғлиқлик заминида татеминланади. Масалан, ўқувчидан ошхонада бажарилиши мүмкін бўлган ҳаракатлар ҳақида ҳикоя қилиниши талаб қилинишининг ўзи манзуга доир барча сўзларни қўллаш эҳтиёжини туғдиради.

Сўз қўллашнинг билосита бошқарилиши лексик маңқлар мазмунини шаклантирувчи таянч сўзлар орқали ташкил қилиниши мүмкін. Бунда сұхбат мавзуси ёки унинг қисмлари маълум қилиниб, унинг мазмунни асосида турли нутқий ҳаракатлар таклиф қилинади.

Лексик машқларни аниқлаш ва табақалаштиришпәдә уларнинг юқоридаги сингари түгридан - түгри ва бевосита бошқарилиш хусусиятлари амалий аҳамият касб этади. Ўқувчилардан берилган қатордаги сўзлардан бирини танлашни талаб қилиш мумкин. Сўз қўллашни түгридан - түгри ёки билвосита бошқаришни аниқлашда каттароқ гурухларга мурожаат қилиш мумкин. Бундә албатта ўқувчилар фаолигини мустақиллиги ёки ташаббускорлигига имконият берилади. Ҳамда "мавзута оид сўзларни танлаб олинг", "Имконияти борича кўпроқ сўз ишлатишга ҳаракат қилинг мазмунида топшириқлар қўйилади.

Сўз қўллашни бошқарилиши ўқувчининг нутқий фаолияти жараёнида сўзни киригтиш ўрни, ҳамда миқдорига ҳам алоқадордир. Сўз қатъий тартибда ёки аниқ ҳолатда қўлланилади.

Унинг танланиши ўқувчилар томонидан айни пайтда ёки кечиктирилиб бажарилиши мумкин. Худди шунингдек, ўрганилувчи сўзниң қўллашни миқдори ҳам қатъий қайд этилган. У кўп марғаба кенг, ҳамда чеңараланмаган миқёсда ҳам бўлади.

Бошқарувли сўз қўллашнидан эркин сўз қўллашга ўтиш лексик машқлар мураккаблигини таъминлайдими? - деган савол тугилади.

Таъкидлани жоизки маълум миқдордаги сўз ёки сўз гурухларини қўллашни талаб қилинган машқлар кўпинча сўз танлаш ва қўллаш ўрни, ҳолати белгиланмаган машқларга нисбатан мураккаброқ бўладилар. Гап бу ерла оддийдан мураккабга ўтишда эмас. Сабабий boglaniш-сўз қўллашдаги муайян воситадир.

Сўз ўзлаштириш жараёнида унинг барча гомонларини ўрганиш ва стереотип бирималарини шакллантириш, уни диалогик ва монологик тайёрланмаган нутқда қўллай олишини ўзлаштиришни таъминлаш учун сўзниң ўқувчилар нутқининг қайси ҳолатларида қандай миқдорда ва кўринишда, таркибида қўллашни бериладиган машқлар асосида олдиндан белгилаб бериш лозим бўлади. Қандай бўлмаса-да сўз қўллашни бундай кўринишда миқдорланниши ўқувчилар учун енгиллик тудиради. Сўзни керакли ўринларда қўллаш амалий машгулотларни жараёнини енгиллаштиради, қўллашниладиган сўзлар гурухнинг илгаридан белгиланганлиги машқлар осон бажарилишига олиб келади ва ўқувчилар сўзни қайта эслашга кўп вақт йўқотмайлилар.

Бироқ, айтилғанларга қарамасдан, ушбу уғул лексик машқлар түзилиши ҳамда лексикага ўргатишининг асосий мезони сифатида қаралмайды. У фақаттана күп турдаги машгүлолтар бажариш күрсатмаларидан бириди.

МАШҚЛАРНИНГ ТАШҚИ СТРУКТУРАЛ БЕЛГИЛАРИГА КҮРА ТУРЛАРИ

Лексик машқлар ташки тузилиш белгиларининг фәрқига ва уларнинг бир-бирига алоқадорлығига күра қўйидаги турларга ажralади:

1. Алоҳида ажратилган сўз ва унинг шакллари иштироқидаги машқлар: фонетик, орфографик машқлар, ахратиб олинган сўз таржимаси ва уни ёдлаш (барча усуллари), сўз шакли таҳлили, сўзниң семантик тузилиши таҳлили, номланиш, яъни нарса ва ҳодисаларни белгиланиши, расмга сўз танлаш ва иотўти сўз ва расмларни тузатиш, сўзларни гурухлаштириш (коммуникатив топшириққа йўналтирилаётган гуруҳдан ташқари барча турлар), мустақил сўз ясаш бўйича машқлар. Ҳар бир машқ матнидаги янги сўз ва илгари ўрганилган лексика қай даражада берилшига нисбатан фарқланади.

2. Сўзни бажариладиган коммуникатив топшириққа, ҳолат ва мавзуга мослаштириш:

а) гап тузишида сўзларни коммуникатив топшириқни бежариш учун гуруҳларга ажратиш; типик ҳолатларда мавзуга оид сўз қўллаш (ҳолатий ва мавзуга оид белгиларни кўрсатиш); муайян мавзу ёки унинг бўлакларига мансуб сўзлар қаторини танлаб олиш мақсадида луғат устида ишлаш;

б) ўтказилган танловнинг тўғрилигини исботлаш учун гап тузиши машқларини бажариш зарур.

3. Сўзниң ilk бор қўлланилаётган ҳолатлари ва ўрнини аниқлаш.

4. Сўзни тўлиқ матнiga борлиқ ҳолда киритиш машқлари:

а) сўз бошқаруви қонуниятларини, семантик мослашув асосларини, сўз қўлманишининг типик ҳолатларини аниқлаш мақсадида матнининг умумий таҳлили; малиқ матнини синонимик ва парафрастик жиҳатдан ўзgartириш; янги сўз ўрнида илгари ўрганилган матнидаги бирликларни ишлатиш.

Иккала вариантда ҳам ўзгартирилаётган сўзниң мүқобили ва ўрни аниқ кўрсатилиши ёки кўрсатилмаслиги ҳам мумкин. Матнни бойитиш, уни янги сўзлар, илгари қўлланган лексикани қайта ишлатиш йўли билан бажариладиган машқлар ҳам шу турга киради. Бунда матнда янги сўз, янги сўз биримаси ёки тапнинг киритилishi, матннинг қайта тувилишидан фарқланади. Яъни лексикаки кириғиши воситасида илова мазмунли матнлар юзага келиши на табиатан янги турдаги машқлар бажарилиши талаб қилинади.

б) матнни тўлдирувчи ва мазмундан қайта ўзгариштубчи, бойитувчи машқлар коммуникатив "қиёғра"га эга бўлади. Бундай ҳолда рагбатлантирувчи омиллар, турли кўрсатмалардан, савол ва иборалардан иборат бўлади.

5. Матнда қолдирилган бўш ўринларни тўлдирувчи сўзларни топиш машқи, буни тўлдирилмаган ўришлар ўринида кичик расмлар қўлланилиши мумкин. Бундай машқ янги гурӯҳ сўзларини мустаҳкамлашда ва тақорорлаш машқлари сифатида қўлланилади.

6. Матнга алоқадор "қавслар"нинг очиб, сўзниң берилган шаклини бошқа шаклларга айлантириш; бу машқ ҳам янги ёки илгари киритилган лексикаки ўзлаштиришга йўналтирилган:

7. Тўлиқсиз тапларни тўлдиришга йўналтирилган машқлар:

а) коммуникатив "ниқобсиз" тапнинг боши ёки охиридаги бўш қолдирилган ўринни тўлдириш; тапни берилган ёки туширилган қисмида янги сўз варианти ёки илгари ўзлаштирилган сўзларни ишлатиш;

б) коммуникатив "ниқоб" остида бўш қолдирилган жойларни рагбатлантирувчи воситалар (саволлар, расмлар ва бошқалар) асосида тўлгазиш.

8. Турли хил тапларда сўзлар ўринини алмаштириш машқлари.

Уларда сўзлар ишлатилиши ва уларнинг ўрни турли даражада илгаридан белгилаб қўйилган, янги ёки илгари ўзлаштирилган сўзга йўналтирилганлиги; всита турлари (тайёргарликсиз кўргазма қўлланманинг ўзгариши, тасвирлашдаги ўзгариш) кабилар билан бир-бирларидан фарқ қиласидилар.

9. Тўлиқсиз тапларни семантик жиҳатдан бир-бири билан мослаштириш ва биректириш машқлари

10. Берилган сўзлардан гап тузиш (одатдаги тартибда ва лўзвий шаклда);

11. Гапни номинатив ва нутқий шаклини кенгайтириш машқлари. Бунда кенгайиш шакли, кенгайтирувчи сўз кенгайтиришнинг янги сўзни ўзлаштиришга йўналтирилганлиги, гап кентайишини таъмин этувчи омиллар(савол, суратнинг кўрсатилиши ва бошқалар) ва шунга ўхшашибелгиларга нисбатан машқлар ўзаро фарқ қиласидилар.

12. Берилган сўз биримаси ва гапларни ўрганилган сўз билан, умумтайёргарлик ёки аниқ тайёргарликли машқлар воситасида (кейин уларни коммуникатив машқлар таркибида ишлатиш учун) ёд олиш.

13. Сўз биримаси ва гапларни илова сифатида ёд олиш машқлари. Бу турдаги машқлар келгусида бажариладиган мешқлар учун умумий ёки конкрет асос тайёrlаш учун хизмат қиласидилар.

14. Она тилидан хорижий тилга таржима машқлари. Уларнинг, қисман, шартли таржима, хорижий матндаи ўзбекча сўзлар таржимаси, тўлиқ таржима турлари мавжуд.

15. Она тилидаги таъсир омилига нолисоний жавобтасдиқ, савол талаб қилувчи машқлар. Бунга янги лексиканинг ўзбекча муқобилий йўқлиги сабаб бўлиши мумкин.

ТАШКИ КЎРИНИШИ БИЛАН ФАРҚ ҚИЛАДИГАН ДИАЛОГИК ЛЕКСИК МАШҚЛАР

1. Матн мазмунига қўйилаётган саволда янги лексиканинг қўлланиши: Савол турлари-гап бўлакларига, мазмун тақрорига доир, тушунтиришни талаб қилувчи, қўшимча аҳборот олиш учун, эслашга оид саволларбўлиши мумкин. Бунда сўз қўллашга оид белгилар: матнда белгиланиши, ёзма кўрсатма орқали ифодаланиши мумкин.

3. Матн мазмунини инкор ёки тасдиқловчи фикрни изҳор қилиш машқлари;

4. Сўзнинг ҳар хил типик синтактик вазифа ва бирималарда қўлланишини талаб қилувчи саволларга жавоб беришни талаб қилувчи машқлар;

5. Ўрганилган сўзлар иштирокида турли хилдаги кичик диалоглар тузиш бўйича машқлар. Уларни қўйидагича таснифлаш мумкин.

а) диалогнинг функционал бирликлари турига кўра: савол + жавоб; қайд этиш + аниқловчи савол + жавоб; қайд этиш + тескари таъкид ва бошқа шаклларда;

б) ўрганилувчи сўзни диалогик нутқининг турли бўлакларида қўллаш (рагбатлантирувчи ва жавоб гарнада ёки ҳар иккала қисмда);

в) дикқат-эътиборни кучайтириш турига кўра (ҳолат билан борлаш, ҳиссий бўёқлорлик), махсус коммуникатив нутқ фаолиятида йўналтирувчи (келишув, келишмаслик, раддия) машқлар;

г) ўқитувчининг диалогда қатнашиш даражасига кўра фарқланувчи машқлар;

д) диалогнинг давомийлиги бир ёки бир неча сўзлар билан борланганита кўра фарқланувчи машқлар;

и) Таянч сўз, қисм, репликалар, намуналарнинг ишлатилишига кўра фарқланувчи машқлар;

з) намуна-диалогларни ёдлаш, намунага биноан янги диалог тузиш, мустақил диалог тузиш даражасига кўра фарқланувчи машқлар;

5. Мавхум сўзлар қўлланиши буйича типик ҳолат диалоглари тузиш машқлари;

6. Бир-бири билан борлиқ типик ҳолатларда мавхум сўзлар қўлланишини изоҳловчи умумий сұхбат машқлари.

7. Ўқитувчининг ўқувчилар билан дастлабики умумий сұхбат руҳидаги диалоги; ўқитувчининг тақлид, қилиш ва савол тузишга чақириувчи тақлифи; барча турдаги қўлланималар, матн, оғзаки ҳикоя машқлари;

8. Ўргатувчилар ва ўқувчилар ўртасидаги умумий диалог (иккинчи, мураккаблаштирилган боскич) машқлари. Улар икки турда тавсия этилади:

а) сўз билан ифодаланаётган фикрининг белгиси, хусусиятлари ва вазифаларини изчили равинида тўлиқ акс этириувчи ва унга алоқадор бўлган рагбатлантирувчи воситалардан фойдаланиш машқлари. Улар асоссан, ўқитувчининг саволлари, дикқатни жалб қилувчи репликалари; бир мавзулийлик ёки кул мавзулийлик (астасекин мавзу кўчиши); мазмун доираси - (ҳаётий тажриба ва сюжет) билан чеклашган бўлиши мумкини;

б) имконият даражасидаги мустақил сұхбат. Сўз қўллацдаги борлиқлик: мантиқийлик, мавзуга борлиқлик, сюжетга ва кўникуммага алоқадорликни ҳисобга олувлувчи машқлар;

9. Ўқитувчининг бир ўқувчи билан мавзуга доир саволжавоби жараёнида бошиқа ўқувчилар ўрганилувчи лексика доирасида машқлар бажаришлари керак. Бунда улар дастлабки маълумот бўйича саволлар тузадилар; сўз тенлашдаги боғлиқликни аниқлайдилар сўзининг мавзу билан мантиқий боғлиқлигини аниқлайдилар; бунда ҳаётий тажриба, матн, сюжет, фильм, пьеса ва шу кабилардан фойдаланадилар).

10. Ўрганиладиган лексиканинг саволлар таркибида қўлланилиши: ахборот тарзидағи саволлар; матн ўқиланидан кейин туғилган саволлар; ҳикоя ва хабарлар эшитиш, шунингдек кўргазма воситалардан фойдаланиш янги ёки илгари ўрганилган лексикага алоқадорлигини аниқлаш саволларга бир мавзу ёки кўп мавзудоирасида жавоб бериш; бунда сўз қўллашни рагбатлантирувчи кўрсатмаларни, унга бўлган мантиқий заруриятни, мавзу боғлиқлигини ҳисобга олиш.

11. Ўйланган сўз ифодаловчи тушунчаининг барча асосий хусусиятлари, белгилари ва вазифасига оид хусусиятларини ўргатиш мақсадида саволлар кўйиш.

12. Ўрганиладиган сўзининг мазмун жиҳатдан бир-бираiga боғловчи саволлар, жавоблар ва назорат саномларида қўлланилиши.

13. Ўқувчиларнинг қатнашиш даражаси; сўз қўллашнинг белгиланганлиги мавзуга боғлиқлиги.

14. Саволда ўрганиладиган сўзни кенгайтирилган (ташаббускорлик руҳидаги) жавоб қисмида қўлланиши: рагбатлантирувчи сўзга даъват; мавзу талаби, мазмун мундарижаси, мавзуни аниқланиши.

15. Ўрганиладиган сўзининг турли хил кўринишидаги дастлабки хабарлар таркибида қўлланилиши; бунда савонни аниқловчи жавоб, муқобил хабарлар; шубҳаланиши, ишонмаслик, норозилик, пушаймон бўлиш, тўлдириш ва бошқа ҳиссиятни билдирувчи репликалардан фойдаланиши; бунда ўргатувчи ва ўрганувчининг машқда қатнашиш даражаси ўзаро "муайян" таъсир этиш даражаси; савол ёки жавобининг янги ёки илгари ўзлаштирилган лексикага йўналтирилганлиги даражаси сўзни қўллашдаги белгиланганлик; умумий йўл-йўриқ; мавзу; мазмун моҳияти; мавзу (ҳаётий тажрибага оид) ҳисобга олинади.

16. Ўрганиладиган лексикани муайян аңдозада (бир аңдозадаги диалог - "аңдозали" мавзуга оид) қўлланилиши;

ўзгартырувчи ёки ўзгарувчи тошшириқлар сони; дастлабки матнда ўрганилаётган сўзниң ўзгарувчанлити.

17. Янги лексикави ёпиасига фаолият кўрсатиш ҳақидағи келишув-диалогда қўлланилиши (мавзута доир), диалогни ёдлаш учун тайёр ҳолда берилити ёки уни мустақил тузиш, умумий ҳолатларда-уларга сўнгти ўзгартыришлар киритиш ёки киритмаслик; диалог таркибининг батағисилити ёки диалог тузиш мундарижаси; сўз қўллашдаги белгиланганлик тури; ўрганилувчи лексиканинг олдиндан берилити уни таянч сўзлар рўйхатига киритилиши; мавзу ёки умумий режа асосида белгилаш.

18. Янги лексиканни ишонтириш диалогида қўлланилиши; мавзулар мажмуй (бир мавзулилк, кўп мавзулилк), мавзу аниқлиги ва сўз қўллашдаги аниқлик.

19. Янги лексиканни фикр-мулоҳаза алмашув диалогида қўлланилиши; Матнлар мундарижасининг намоён бўлиш табиати; диалогик мулоҳотнинг бошқарилиши; мундарижка асоси: шахсий тажриба, мавзу, муайян аниқ, воқеалар, матн, бадий асар сюжети ва шу кабилар;

20. Машқ жараёнида янги сўзларни қўллаб, намуналардан фойдаланиб эрккн диалоглар (жуфт бўлиб ишлап) тузиш;

21. Ҳолатий кўргазма шаклидаги дастлабки мазмунни ифодалаш доирасида диалог тузиш- (саҳналаштиришни ташкил қилиш); диалогни бошқариш усуллари; сўз қўллашдаги аниқлик - предмет ва нутқий восигалар иштирокида, белгиланган мавзулар доирасида диалогнинг мантиқий ривожлантириш.

22. Матнни саҳналаштирипца янги сўзларнинг қўлланилиши; диалогни бошқариш усуллари; берилган мазмун ва ҳолатнинг саломги; машқларни янги лексикатга йўналтирилганлиги ёки уларнинг тақорланиши; янги сўзни саҳналаштиришда иштироки ёки уларнинг янгидан кириглиши; сўз қўллашлаги аниқлик турлари; тўтиридан - тўтири кўрсатиш; матн мазмуни.

23. Расмдаги предметлар ёки бошқа кўргазма воситалар ёрдамида тузилаётган савол - жавобларда янги лексикани қўлланиши; саволларнинг воқеаларни баён этишга, гушунтиришга, тасаввур қилишга, фикрлашга йўналтирилиши; сўз қўллашдаги аниқлик; саволларда - кўзтазма предметлари мундарижаси, кўрсатма, ўқитувчининг ишқраси;

24. Янги савол жавобларда ишлатилмаган диалогик

қўшилмаларда қўлланилиши; сўз қўллашдаги аниқлик: умумий дастур, кўрсатма, ўқитувчини топшириги, сўзлар рўйхати, ўқувчилар ташаббускорлиги.

25. Янги сўзларни диафильм, расмда тасвирланган шахслар диалоги сифатида қўлланиши.

26. Янги лексикани, гапларни, сурат ва расмлар асосида тартибга солиш ва диалогик матн тузиш.

ТАШКИ КЎРИНИШИ БИЛАН ФАРҚЛАНАДИГАН МОНОЛОГИК ЛЕКСИК МАШҚЛАР

1. Янги сўзларни ишлатиб суратларни (қисқача мазмунини) шарҳлаш; бу изчилилк билан ёки ўқунчилар ташаббуси билан ёки қўрсатма асосида ташкил қилинади;

2. Мундарижаси мураккаб сурат, расмни тасвирлаш; бошқариш усуллари: ўқитувчи кўрсатмаси, режа, таянч сўзлар, сўз қўллашдаги аниқлик, сурат мазмуни;

3. Қўлланилаётган суратлар мазмунини давомийлигини ифодаловчи монологик бирикма, сюжетли расмлар диафильм ёки фильмдан кадрлардан фойдаланиш; янги ёки илгари ўзлаштирилган лексикани қўллашдаги аниқлик - расмлар мундарижаси;

4. Ҳаракатлар, матнлар, имо-ишоралар, шу жумладан, ҳаракатни ўзгартириш шарҳи (баён этилиши);

5. Суратлар асосидаги қисқача ҳикоя (Ўқитувчи томонидан изоҳланган суратни хотирада қолган лексик материал асосида тасвирлаш; сўз қўллашдаги аниқлик - сурат мазмуни, ўқитувчини кўрсатмаси; бир мавзулилк - кўп мавзулилк).

6. Қўлланманинг маҳсус турлари ҳисобланмиш макетлар, режалар, хариталар, диаграммалар, деворий газеталар, афишилар, плакатлар, дарс жадваллари ва бошқаларни тасвирлаш ва шарҳлаш.

7. Суратларни ўзаро ва қўлланма предметлар билан таққослаш.

8. Суратларни матн билан таққослаш.

9. Суратни ўқувчининг шахсий турмуш шароити билан (оддий баён шаклида) таққослаш.

10. Тугалланмаган сурат ва расмни нутқий қисм - бўлакларига бўлиш; сўз қўллашдаги аниқлик - сурат мазмуни, сўзлар рўйхати, аниқловчи кўрсатма.

11. Суратларни шарҳлари бўйича топширик; ушбу топшириқнинг муқобил вариантилари алоҳидә ёки турли бирикмаларда бажарилади; бағағисил баён этиш; асосий тояни ифодаланиши; сюжет шарҳи ва унинг асосий мақсад шуғтаги назаридан шарҳланиши; тингловчини ўраб турган мухит билди алоқадорликка доир фикрни мазмунни тўлдирувчи пролог ва эпилог шаклидаги баёни; сўз қўллашдаги аниқликка - сурат мундарижасига ўқувчиларнинг ўзланиши даражасига, сўзларни умумий қўлланнишидаги дастурга ўзтибор берилади.

12. Ички кўргазма асосидаги баённома, хабарнома.

13. Ўқиб чиқилган ёки эшигилган ҳикоя мазмунини баёни қилиш; Бунда фаолият турлари ва ҳикоя эшигиш йўлларига; режанинг изчил баёнига, боғлочи сўзларга ва сўз қўллашдаги аниқликка, матн мазмунига, таянч сўзлар туркумидан; кўрсатмалардан фойдаланиш.

14. Матн мазмунига ёки эшигилган ҳикояга тақриз тузиш.

15. Икки матн мазмунини қиёслаш.

16. Матн ёки ҳикояга мұқаддима, хотима тузиш, сюжет ривожининг бошқа турлари магнин анча мураккаблаштирувчи топшириқлар бериш.

17. Ўқувчиларни ўраб турган мухит воқеалари ва матн воқеаларини қиёслаш.

18. Матн мазмунини асосида хатлар ёзиш.

19. Мавзу доирасида хабар, маълумотномалар тайёрлаш.

20. Мавзуга оид конкрет воқеа-ҳодисалар хабзри.

21. Мавзу бўйича ёки конкрет воқеа ҳодисалар бўйича дастлабки фикрлар ҳақида қўшимча ҳикоя гузип.

22. Матн (ҳикоя ёки хабар) таъсирига жавобалг-нугʻий бирикмалар тузиш.

23. Матнга доир репортаж тузиш.

24. Янги сўз ифодалаган тушунчаларнинг таъриф - тавсифини бериш.

25. Сўз англаттан тушунчанинг белгиси, хусусияти, вазифаси, шунингдек, ўқувчиларнинг унга нисбатан муносабати баёни.

26. Монолог - ҳодиса, воқеаларни санаб ўтиш ва уларнинг таснифи.

27. Таркибида янги сўз қўлланган, ҳикматлар, мақоллар, айтишувлар шарҳи.

28. Берилган ҳолат тўғрисида маълум сўзлар воситасида ҳикоя тузиш.

29.Матнда изохланган ёки ҳаёттй тажрибада учрайдиган воқеаларни баён қилиш.

30.Турли хил далилларни (шахсий тажрибада, матнларда учрайдиган) умумлаштириш ва баҳолаш монологи.

31.Илгари берилган фикрни, тезисни исбот этишта йұналтирилган монолог.

32.Сұхбатдоши фикрини ўзгартыриш ва келажак фаолиятта ундаш монологи.

33.Машқларнинг умумий тасифий мезонлари монологик нұтқни ташкил қилувчи омил ва воситалар умумийлігі билан бөлгік (бу ерда, асосан, режа, бажарыш услуги иамуналари, таянч сүзлар, тилге алоқаси бўлмаган белгилар): сўз кўллашни аниқлаш усуслари: умумий дастур, йўлланма, кўлланиувчи сўзлар рўйхати ёки лексиканинг муайян тоифаси, мавзулар, сюжет, ҳолат билан борлиқ бўлган лугавий бирликлардир.

Кўзатиш ва тадқиқотларимиз қўйицаги хуносага олиб келади:

1.Лексик машқларни амалий мақсадга мувофиқ тарзда таснифлаш учун кўл келдиган асосий мезонлар аниқланди ва тизимлаштирилди. Ушбу натижасида лексик машқларнинг таснифини беришда биз олти кўринишдаги мезонларни асос қилиб олдик. Нутқий фаолият шакли, машқларнинг сўз "аспекти" ("жиҳати")га йўналтирилганлиги, сўз алоқаларининг шаклланишига қаратилганлиги, машқларнинг матнга алоқадор бўлиш ёки бўлмаслиги, машқларнинг коммуникативлик даражаси ҳамда уларни тузилиш усуслари ве йўллари эслатилган асосий б мезон.

2.Ҳар бир лексик машқнинг ташки шаклий кўринишни ва "ички" таркибий белгилариға нисбатан таҳлил қилиш ва гурӯхлаші лозимлиги тасдиқланди. Лексик машқлар турларини танлаб олишда уларнинг ташки тузилиши албатта асосий кўрсаткич бўлиб хизмат қиласи, бироқ ушбу ҳолатда танланган машқларнинг юзага келдиган лексик кўнишка мундарижасига мос келишига ҳам эътиборни қаратиш керак бўлади. Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда ушбу бобда лексик машқларнинг катта ва кичик гурӯхлари келтирилиб, улар тузилишига батафсил изоҳ берилди.

АДЕКВАТ ЛЕКСИК МАШҚЛАРНИ САРАЛАШ ВА ЧЕТ ТИЛИ ТАЪЛИМИДА УЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ

Тадқиқот аввалинда айтшган назарий фикрлар ва улар асосида юзага келадиган қоидалар керакли лексик машқлар мажмуасини яратишга имкон беради. Бирок, муайян турүк сўзлар ёки алоҳида сўзни ўзлаштиришда, шубҳасиз, барча турдаги анъанавий машқларига эҳтиёж йўқ. Шунинг учун ишлаб чиқилган назарий қоидаларни амалиётга тадбиқ этишда қўйилган талабга тўлиғича жавоб берадиган машқлардан танлаш мухим аҳамият касб этади.

Масала ечимининг мушқуллиги шундаки, бир томондан ўрганилаётган лексиканинг ўзи мазмуни ва шакл жиҳатидан хилма - хидир ва уларнинг ҳар бири алоҳида ҳолатда машқларниң миқдорига ва танлонига таъсири бўлади, бошқа томондан эса, машқ танлашнинг миқдор на сифат кўрсаткичи ўқитиш шарт - шароитига боғлиқ. Бутида, энг аввало, ажратилган ўкув соатлари миқдоридан келиб чиқиши лозим бўлади.

Машқларни танлашда, бундан (лексиканинг ўзига хос хусусияти ва ўқитиш шарт-шароити), ташқари, лексик материални танлаш, ўкув жараёнидаги ўқувчиларнинг лугат бойлигини оширишса қизиқишилар ўтириш ҳамда синфдаги ўқувчиларнинг билим даражасининг тенглиги каби оминалар ҳам таъсири кўрсатади.

Фикримизча, методик муаммоларни ечишда систем структурал услубиёт андозаларидан фойдаланиб, ҳамда юқорида эслатилган фикрларни ҳисобга олган ҳолда талаб қилинаётган лексик машқлар мажмуасини ажратиш мақсалга мувофиқдир.

Ушбу қоидаларнинг асосий можияти ўқитувчи ва ўқувчига ҳар бир алоҳида вазиятда муайян сўз гуруҳи ёки алоҳида лексик бирликни, сўзларни жадал ўзлаштириш ва қўлашни таъминловчи машқлардан фойдаланиши имконини беради.

Шу нуқтаи назардан кейинги қисмларида бундай машқлар танлови қоидалари көлтирилади ва асосланади ҳамда уларнинг ўқиши жараёнидаги самарадорлиги текширилади.

АДЕКВАТ ЛЕКСИК МАШҚЛАРНИ САРАЛАШ ҚОЙДАЛАРИ

Кейинги изоҳларни ойдинлаштириш учун "танлаш" (танлов) тушунчаси талқинига аниқлик киритиш зарур. "Лексик машқларни танлаш" деганда машқларкинг турларини, гурухларини, хилларини ажратиш (танлашнинг сифат томони), машқлар миқдори ва ҳажмини аниқлаш (миқдор жиҳати) ва машқларни ўқув жараёнининг босқич ва қисмлари бўйича тақсимлаш (танлашнинг ташкилий томони) тушунилади. Тавсия этилаётган қоидалар танланадан машқларкинг сифат ва миқдори кўрсаткичларига нисбатан, шунингдек, уларнинг хорижий тил ўргатишида тутган ўрнига нисбатан фарқлаш ва бевосита амалиётда қўллаш йўлларини белгилаш учун хизмат қилиши кўзда тутилади.

СИФАТ КЎРСАТКИЧЛАРИГА КЎРА ЛЕКСИК МАШҚЛАРНИ САРАЛАШ ҚОЙДАЛАРИ

Тадқиқотларимизда режалаштирилган мақсадга мувофиқ, мазкур қисмда, юқори босқиңча, яъни битиравчи синфларда фойдаланиладиган машқларни танлаш қоидалари ҳақида тўхталсан.

Маълумки, юқори синфларда чет тили учун ажратилган ҳафталик соатлар ўқувчиларнинг ёш ҳусусиятлари ва ақлий қобилияtlарига жуда мөదдир.

Шу туфайли намуна учун X синфда бажариладиган машқларга асосий зътиборни қаратамиз. Бу ўринда яна бир муҳим масалага зътибор берни лозим бўлади. Бу масала ҳозирги ўқув-методик тизимида янги лексика сифагида бериладиган бирликларни қай даражада ўзлаштириш талаб қилиниши билан бўғлиқ. Бошқача айтганда, лексика устида ишлашда уни тўлигича экспрессив нутқий фаолиятда қўлланишини таъминлайдиган даражада ўзлаштириш лозимми ёки актив ва пассив лугат бойлиги сифатида ўзлаштириш йўлларини излаш керакми, деган савол тутилади.

Таъкидлаш жоизки, ушбу масаланинг ечими бирмунча мураккабdir, чунки у методиканинг таянч муаммоларидан ҳисобланган тил материалини ўзлаштириш даражаси ва савиясини аниқлаш ҳамда тил ўзлаштиришда лексикани қўллаш даражаси билан муқобиллаштириш муаммосини ҳал

қилинишини талаб қилади.

Маълумки рецеңтив-репродуктив, яъни асосида эсда қолишини таъминлаш усуларининг танқидчилари 1954 йилдаёқ лексикани бир қолицда ўрганицида машқларнинг бир қисми хотираадаги материални қайта ишлазтишини талаб қилиши лозим эканлигини таъкидлаган эдилар. Бунда ушбу лексиканинг оғзаки нутқи машқлари таркибига киритилishi назарда тутилган эди.

Шундан сўнг, ушбу фикр пассив лексикани ўзлаштирища репродуктив машқларнинг улуши ва ўринини аниқлаштиришга уринаётган бошқа методистлар томонидан янада ойдинлаштирилди. Уларнинг фикрича ушбу масалаларни ечилиши лексиканинг қайси мавзута алоқадорлиги, ўқигипши шароити, ўқувчининг ақдий қобилияттадражаси ва ўрганилувчи лексика хусусиятига кўра ўқувчиларнинг тил тайёргарлигини зътиборга олиш кабилар билан ботлик эканлиги таъкидланди. Ўқувчиларнинг ўз аугат бойлигининг жуда ҳам кам қисмини фаол қулай олишларни ва сўзларнинг ўзаро боғлиқликларини тушунишларни рецеңтив ўстула кетта миқдордаги сўз бойлигидан фойдаланиш имконини бермайди. Шу сабабли мактаб дастурига киритилган лексикани, унинг оғзаки нутқда қўлланишини талаб қиладиган нутқни машқлар воситасида ўзлаштирилиши шартлиги ҳақидаги таклиф юзага келди. Фақатгина байналмилад ва ясама сўзларгина рецеңтив усульда ўзлаштирилиши мумкин. Олтмишинчи йилларгача ҳукмрон бўлган ушбу фикрга сўнти тадқиқотлар муайян аниқликлар киритди. Г. В. Рогова лексикани одий эсда сақлаш ва қайта қўллаш қобилияти асосида ўзлаштиришини ва шунга мунофиқ ўқувчиларнинг хорижий тил лугат бойлигини дифференциялари ва уларни машгулотлар бўйича тақсимлашни таклиф қилди. Бу лексикани фаол ўзлаштиришга фарқли ёндагиши имкониятини яратди. Сўзни ва матнни фақатгина тушуниб этиш учун лексиканинг қисман фаоллашуви етарли бўлиб, бу билан қайта қўллаш (репродуктив) усулининг устун томонлари ҳам тасдиқланди.

Бу масалага кейинги аниқликни С.К.Жбанова киритди. Унинг тадқиқотларида таъкидланнишпича пассив лексикавинг фаоллашуви бир тилли оғзаки нутқ машқларда ҳам рўй бериши мумкин, лекин бунда янги сўз она тилига таржима қилиш топшириги воситасида киритилади, натижада, микротаржима стереотипи юзага келади. Шу билан бир

Қатерда, Г. И. Иткис асосан инглиз тилида таниш ўзак ва иетизлардан ясалган лексемаларнинг нутқда фаоллашувини инкор қилиб бўлмаслигини таъкидлади. Бу турдаги лексиканинг фаоллашуви, айниқса, инглиз тилида енгил кўчиши маълумдир. Б. А. Лапидус улбу муаммо бўйича тадқиқотларни давом этириб, ўқитиш методикасига "процентия лексика" тушунчасини киритади ва бу турорга рецептив нутқда ишлатилип даражасига кўра фарқданадиган ва продуктив лексик бирликларни киритишни таклиф қилди. Шу турорга қисман фаоллашадиган ва хусусан оғзаки нутқда кам қўлланиладиган, лекин ёзма матнда тез - тез учрайдиган бирликлар ҳам киритилади.

Демак, ўқувчиларнинг узлуксиз таълимнинг қўйи босқичида тўнлаган лугат бойлигидаги сўзлардан фойдаланиб уларни чуғқда қўллай олиш даражасига кўра рецептив, репродуктив ва продуктив туркумларига бўлиш лозимми, деган саволга жавоб топиш асосий масаладир.

Узлуксиз таълимнинг иккинчи босқичида ўрганилаёттан лексикани рецептив ва продуктив турларига ажратиш мақсадга унчалик мувофиқ эмас, чунки бу босқичда ўқувчилар унчалик кагта бўлмаган лугат бойлигига эгадир. Шунинг учун лексикани ўзлаштиришда бир тилли нутқий машқлар ва она тилидан таржима асосий ўринни эгаллайди. Лексикани ўқитиш борасида тавсия қилинаёттан тамойилга биноан турли туркумдаги эсда сақдашни талаб қилувчи машқларнинг барчаси ҳам ўзига мос равишда продуктивликка эга. Бу борада рецептив машқлар продуктивлигини ҳам унугтаслик керак, зоро, таркибида ўзлаштирилаёттан сўз бўлган гапни эшитиб тушуниб олиш, алоҳида ажратилган сўзни она тилига таржима қилиш, матнадаги сўзни таржима қилиш каби машқлар самараси ҳаммага маълум. Баён этилган фикрлар асосида қўнидаги умумий хуносаларга келиши мумкин:

Узлуксиз таълимнинг иккинчи босқичда қўлланиладиган лексик машқлар мезонларини ишлаб чиқиш учун, бу синфларда янги лексикани фаол лугат бойлиги сифатида туркумласакда, асосий эътиборни репродуктив-машқлар, бир тилли ва икки тилли машқларга қаратиш мақсадга мувофиқдир.

Бу ўринда ўқувчиларнинг ёш ва психологияк хусусиятларини инобатга олиш ҳам муҳимдир.

Ўрга бугин синфларида чет тили учун ажратилган

ҳафиталик соатлар миқдори ҳозирча жуда ҳам кам (3 соат) бўлиб, дарслар ўртасидаги вақт узилиши ҳамда кам миқдордаги нутқий амалиёт фанният ўзлаштиришда табиий қийинчиликлар туғдирмоқда. Ўқувчиларнинг бошқа фаоллар ҳисобидан жуда ҳам бандлиги сабабли, уйга бериладиган вазифа ҳажмини қўпайтириши ҳам кутилган натижаларни бермачити; одатда ўқувчилар уй топширигини дарсдан бир кун олдин бажаришади ва бунга бор йўги 30 - 40 минут вақт сарфлашади. Бундай шароитда чет тилини ўзлаштириш субъектив факторга, яъни ўқувчининг физиопсихологик хусусиятлари аниқловчи омплга айланади.

Маълумки, таълим жараёнининг самараатдорлиги ўқувчиларни маълум фаолиятта уйдовчи уларни ушбу фаолиятни бажаришга қизиқтирувчи мотив, яъни бажарилаетган иш натижасидан манфаатдорлигига бевосита боғлиқдир. Шу сабабли лексик машқларни ташлашда субъектив омилларни инобатга олиш зарур. Бундан ташқари, ушбу тағловда тил ўрганиувчи ўқувчининг ёши билан боғлиқ бўлган фикрлаш, тафаккур, эслаб қолим қобилийгидаги фарқлар ҳам албатта ҳисобiga олинади.

Илмий адабиётларда ҳар бир ёш гуруҳдаги шакллануви психологик хусусиятлар орасида ўқувчининг барча психологик сифатларини шаклланиш заманида турувчи асосий белгиловчи боғланиш тутунларини фарқлашнинг муҳим услубий аҳамият қасб этишлиги қайд қилиб келинмоқда:

1) Узлуксиз таълимнинг икюнчи босқичидаги ўқувчиларнинг чет тили ўрганишида ўзлаштирилаётган ўкув материалига ва бажарилаеттан ўқув фаолиятгига ийсбатан бўлган шахсий манфаатдорлик ва қизиқиш дарражасига катта эътибор берилади;

2) фикрлаш хотирани ривожлантиришда етакчи урин эгаллаши, яъни мантиқий хотирада сақлаб қолмашлинг меканик ёдлашдан устуворлиги таъкидланади.

В.А.Кругецкийнинг таъкидлашича, алтилаганлар каторига диққатни шакллантириш ва такомиллантиришнинг ўзига ҳос хусусиятларини ҳам киритиш лозим. Бу хусусият ўқувчиларнинг ўкув материалини аҳамиятини, унинг амалий натижасини баҳолашда ўз аксини топади. Ўкув материалининг аҳамиятини тушунган ўкувчи уни ўзлаштиришга фаол киришади.

Агар ўкув материали уччалик зарурдек туюлмаса, унга

бўлган муносабат кучсизланади.

Айни шу хилдаги психологик хусусиятлар асосида ўқувчининг хорижий лексикани ўзлаштиришда қўл келадиган мантикий асосланган ўқув фаолияти юзага келади.

Узлуксиз таълимнинг иккинчи босқич ўқувчилари томонидан лексикани ўзлаштиришда ўзларининг билимлар бир тизимга солишга уринишлари мухимдир. Ўзлаштирилган билимларни маълум бир тизимга солишга интилиш кўникмасини шаклантиришнинг таълим жараёнида тутган ўрнига алоҳида эътибор бериш лозимлиги бундан анча илгари руҳшунос Фестингар ва бошқа олимлар томонидан алоҳида таъкидланган.

Ҳақиқатдан ҳам, ўқувчилар ўзлари ўзлаштирган билимлар микдоридан ҳажмидан, яъни воқеа-ходисалар тўғрисидаги маълумотлардан, тўлиғича қониқмайдилар ва ўз билимлар доирасини кенгайтириш, тўлдириш ва тартибиға солиш эҳтиёжини сезадилар.

Билдирилган фикрлардан икки мухим холосага келиш мумкин: ўқув материали талаб қилинган даражада тўлиқ, барча керакли маълумотлар қамраган ҳолда берилishi лозим; ўқувчиларнинг ўқув фаолияти эса уларнинг тўлиқ ва тизимлашган маълумот олишига йўналтирилиши керак.

Шундай қилиб, лексик машқлар ташлашининг самара-дорлиги ва уларни бажариш услубларининг самара-дорлигига, ўқузчининг ўрганилаётган материалаға нисбатан шахсий қизиқиши мавжудлигига, ўқув жараёнида мантикий фикрлаш қоблиятигининг барча имкониятларини ҳаракағита келтиришга, ҳамда ўзлаштириладиган билимининг тўлиқлигича интилишини шаклантириш билан бөглиқдир.

Шуни алоҳида қайд қилиш лозимки, бу ижобий йўналишларнинг таъсири фақат ўқувчига нисбатан қўйилган талаб кучайтирилса ва унда билим олишга эҳтиёж ва маъсулият ҳиссиёти ошгаидағина сезарли даражада намоён бўлди. Демак, машқлар мазмуни бажариладиган лисоний топшириқлар билан мослаштирилиши керак. Бу эса, машқларни тузища аниқ максадни режалаптирилишини тақозо қиласи, ва бу талаб лексикага ўргатиш жараёнининг барча босқичларида асосий ўринни эгаллайди.

Агар бажариладиган машқ масалан, янги сўзлар кўлланилаётган матнини ўзлаштиришни кўзда тутса, унда олдин бажарилган лексик машқлар қўйидағи характерда бўлладилар: асосий лексик бирликлар рўйхатини тузиш;

қисқартырған матн таркибида бүш қолдирған сұзлар үрнини тұлғазиши; она тилядаты сүздингі хорижий мұқобиленің эсласи; матидаты мұраккаб таркибли лексик бирлікден изборат гапларни ёддан айтқын беріш.

Бу турдаты машқұларнинг барчаси аниқ топшириқтада, шунинг учун ҳам улар заминида үқувчиларда көлгуси машғулоттарни бажаришга шағсий қызықиши үйғонады да улар тайёргарлик босқычини үтайдылар.

Лексик машқұлар луғат материалы түлік тизимлаштырылған бўлиши шарт, шу сабабли лексик гурӯжланиши мағарі үзлаштырылған ҳамда янги сұзларни ўз ичига олади. Ишлатылаётган сүздингі барча турдаты бөглиқтіларини очиб бериш керак да машқұлар изчиликті билан үқувчи холирада сиқатиал ҳам ассоциатив алоқалар мәжмусини, тематик, синоним, антоним гурӯжларни шакллантириштира үйналаштырылған бўлиши керак.

Үқувчиларда мәнтиқиј фәолият натижасыда лексика устида мустақил ишлаш күнікмасини ҳосна қилип ҳам алохидә үрин тутади. Шу мақсадда мустақил равишда турған асоддаты лексик гурӯжларга ажратып топшириларни бажарилади.

Үқувчиларда турған хиљдаги мәнтиқиј услубларни күллаш ийли билан лексика устида мустақил ишлаш күнікмасини ҳосил қылдырыш мұхит ақамынгы касб штади. Ушбу мақсад учун күйидеги мезонлар асодсыда сұзларни мустақил равишда гурӯжлаш машғулотлари уюштирилади: маълум гурӯждаги сұзларни жавобда күллашни талаб қылувчи саволлар тузиш; таянч лексика қаторларини ажратып; сұз семантикалық алоқалари харитасын тузиш да босқалар. Ушбу күрсатмалар машқұларни бажариш тартиби да йүлларни белгилаб беради. Күрсатылған қодиса яна бир ҳолат билан бөглиқ эканлигини унұтmasлғымыз лозим, яғни дарс ҳисобида луғат учун жуда ҳам кам миқдорда вакт ажратылғандығы сабабли, үзлаштырылған лексиканың тақрорлашыға кам вакт қолади. Бу, албатта, лексика устида ишлашни жадаллағыришни талаб қылади. Бұтдан яна шу нараса тасдиқданадықи, юқори босқыч дарсларыда лексик бирлікларнинг үзаро бөглиқтік дарақтасын алохидә ақамынгы берилши уларни самарали үзлаштырилиштегі олиб көлини мүмкін.

Янги мавзулар олдинги мавзуларни давом эттирса, ҳар бир янги дарсда үзлаштырылған лексиканың мағарі

ўрганилган лексика билан боғловчи машқлардан фойдаланиши имкониятини беради. Дарслықда бу хилдаги боғлиқлик бўймаса ёки у кам даражада бўлса, бу камчиликни лексиканинг тематик қаторларини тузиш машгулотлари воситасида тўлдириш мумкин. Лексик машқлар танилашда бу боғлиқликни унугмаслик лозим. Бундан ташқари, дарслклар тузишни ягона муаллифлар жамоасига топшириш ҳам яхши натижка беради, деган фикрдамиз.

Амалий тажриба шуни кўрсатадики, инглиз тили лугат таркибини ўргатишни режалаштираётган ўқитувчига ёки услубиётчига ўқув жараёнида лексикани ўргатиш ёки унинг боиқа бирор қисми билан алоҳида ишлашга тўтири келмайди. Асосий эътибор ўқув чорагига мўлжалланган материални режалаштиришга берилади. Шу сабабли, ўқувчи вақт бюджетининг асосий қисми бўлган чораклар бўйича лексикани ўргатишни режалаштириш эҳтиёжи тунилади. Демак, ҳар бир чорак мобайнида киритиладиган янги лексикани ўзлаштириш ва олдинги босқичларда берилган лексикани тақрорлашни уйгунаштириш ҳамда шу материал доирасидаги машгулотларни тартибга солиш муаммоси пайдо бўлади. Шу билан бир қаторда режалаштириш жараёнида муайян чоракда киритилаётган сўзлар билан ишлашини нағбатдаги чоракда келажакда давом эттириш масаласи ҳам назардан четда қолмаслиги керак. Дарҳақиқат олдин ўзлаштирилган сўзлар устида ишлашини давом эттириш лозимлигини ҳеч ким инкор қилмайди, лекин, ушбу муаммо кўнинча кейинги чораклар иш режаси тизимида ўз аксини топмайди. Шу сабабли, алоҳида олинган чорак жараёнида киритилаётган ва тақрорлананаётган лексикани ўргатишга доир фикр - мулоҳазаларни билдиришига ҳаракат қиласиз.

Буни кўйидагича шарҳлаш мумкин. Янги лексикага ўргатиш ва уларни тақрорлаш, шу мақсадга мос келадиган машқлар тизимини танилаш ҳар бир чорак доирасида алоҳида алоҳида режалаштирилиб бажарилади. Шунинг учун ҳам ҳар бир чорақда ўзлаштириладиган янги сўзлар ва олдин ўзлаштирилган лексика рўйхати кўрсатма сифагида берилади. Одатда бу рўйхатнинг биринчи қисми (янги сўзлар) дарслықда келтирилган бўлади, аммо, тақрорланиши лозим бўлган сўзлар рўйхатини эса айрим махсус мезонлар асосида тузиш талаб қилинади. Улардан айримларини эслатиб ўтамиз. Чоракка мўлжалланган ўқув материалида янги лексика матнлар орқали киритилиши барчага маълум. Аммо, ўқиши

учун бериләёттан матнда тақрорланаётган лексикани фақатгина ўқиши учунгина берим билан чегарағаның қолмаслик керак, уларнинг лексик машилар таркибида тақрорланишигина ўқишга - ўргатиш самарадорлигини ўргатади.

Максус тажрибаларда аниқланишича, лексиканинг матнда ҳатто уч-турт марталяб кўлланиши ҳам, уни кейинги дарсларда бериладиган ўқиш матнда тушинарли бўлишини таъминчамайди. Демак, чорак давомида тақрорланиши мўлжаллананаётган лексика албатта, максус, иложи борича, фаол машқлар таркибида тақрорланиши лозим.

Машқлар танлаш навбатдаги қоидаси "сифатли танлов талаби", деб аталади. Юқори босқичда ҳатто кучсиз ўқунчилар томонидан ҳам бажариш имконини берадиган машқлар тизимини тузишни талаб қиласди.

Бинобарин, икки дарс давомида 15 лексик бирлиқдан иборат сўзларни ўзлаштириш учун қўйицаги турдаги машқлар талаб қилиниади:

- ўқиши жараёнида янги сўзларни ажратиш;
- таркибида янги сўзлар бўлган ибораларни эшишиб англани;
- сўзларнинг фонетик таркибининг таҳлил ѹисми;
- сўзларни лугат дафтарчасига киритиш ва транскрипциясини ёзиш;
- сўзларни инглиз тилидан ўзбекчага таржима килиш воситасида ёд олиш;
- берилган намунага қараб янги сўзлар иштирокида гап тузиш;
- матнда бўш қолдирилган янги сўзлар ўрнини тулғазиш;
- нуқталар ўрнини ёрдамчи сўзлар (предлоглар | билан тулғазиш;
- матн доирасида тузилган саволларга жавоб бериш;
- асосий матнга мазмунан мос келадиган қўшимча матнни она тилидан инглиз тилига таржима қилиш;
- режа асосида матнни ҳикоя қилиб бериш;
- диалоглар тузиш ва ёд олиш.

Иккиланмасдан айтиш мумкинки келтирилган, албатта бажариладиган машқлар тўпламида юқори синф ўқунчиларини меъёрашсан шароитда инглиз тили лексикасига ўргатишнинг барча асосий тамсийлари ўрин топган. Ушбу фикрни исботлашта ҳаракат қиласмиш.

Лексикани матн воситасида киритиш, асосий эътиборни

матн мазмуни доирасида түзилган машқлар орқали янги лексикани қўллашга қаратиш, лексика усигуда ишлашти нутқий малакаларни тақомиллаштириш мақсади билан мослашув тамойили асосида амалга оширилади. Таъкидлаш жоизки лексика ўргатиш машқлари нутқий малакани ўстириш машқлари билан тўлигича қоришиб кетмайди, чунки, янги лексикани маҳсус мақсади машқлар таркибида қўллаш режаси ҳам мавжуд.

Кеалирилган машқ турлари ва тизими сўзларнинг ўзаро мослашувини, тап структурасини асосий турлари бўйича кўнишка ва малакалар шакллантиришга олиб келади. Пировард натижада фаол тақорорланувчи сўзлар қатори шаклланади.

МИҚДОР КЎРСАТКИЧЛАРИГА КЎРА ЛЕКСИК МАШҚЛАРНИ САРАЛАШ ҚОЙДАЛАРИ

Кейинги йилларда бир дарсда киритиладиган янги сўзларнинг ўргача миқдори ва улар билан бирга илгари ўзлаштирилган сўзлар миқдорини аниқлашга ҳаракат қилинмоқда. Бошлиғич ва ўрта ёшдаги ўқувчилар бир дарсда ўргача учтадан кўп лексик бирлик ўзлаштирумасликлари қайд этилган. Бу шундан далолат берадики, қайсиadir дарсда 12 та бирлик киритилган бўлса, қоидага мувофиқ кейинги уч дарсда янги сўзлар бўлмаслиги лозим. Гал шундаки, ҳафта мобайнида ўтказиладиган кам миқдордаги ўқув соатлари давомида шунчалик кўп топшириқларни бажаришга тўтири келадики, юқорида берилган ўртача кўрсаткичини асосли, деб тан олиш амри маҳодидир. Ишнинг таҳминий натижасини ўртача 1,5-2 раҳамлари билан белгиласак (яъни, бир дарсда шунчалик миқдордаги янги сўзлар ўзлаштирилиши мумкин), бир ўқув йиалида 50 - 70 янги сўз ва, шунга мувофиқ, 1-чорақда 20 янги сўз, иккинчисида-15, учинчисида-29 ва тўртинчисида-15 янги сўз ўзлаштиришга эришилади. Ушбу миқдорлар, албатта, нисбатан олинмоқда, лекин улар ўзлаштирилиши лозим бўлган миқдорини акс эттиради.

Аммо фаол тақорорланувчи лексик бирликлар миқдорини аниқлаш тўғрисида ҳалигача бир фикрга келинмаган. Месалан, А.А.Ортиқовнинг, X - XI синфларда ўтказган таҳлилига биноан, ўртача шароитда, яъни синфнинг эллик фоизи кучсиз ўқувчилар бўлганда, бир дарсда мукаммал

такрорланиши мумкин бўлгай сўзлар миқдори 3 - 4 дан ошмаслигини аникланди.

Бу муаллифнинг таъкидлашича, изчилик таъкидлаши учун шундай сўзларни танлаш зарурки, бунда сўзлар муайян чорақдаги мавзулар бўйича ўқувчи нутқида камидаги ҳар иккинчи дарсда икки маротаба ўқувчи нутқида кўлланиши зарур. Бундан талиқари, чорак давомида муайян сўзларни таъкидлаш лексик машқлар таркибига камидаги 4 - 5 марта киритиш таълиф этилади. Шундай қилиб, биринчи чорақдаги 40 сўзни, иккинчида 30, шунга мувофиқ, учичи ва тўғгинчи чорақда 30 сўзни таъкидлаш мумкин. Натижада ўқувчи йил давомида асосли таъкидлаши натижасида 150 сўзни ўзлаштириб, матнда тушунниши, алоҳига келганда она тилидан инглиз тилига таржима қилиши, нутқий мулосот таркибида эркин ишлага олиши мумкин бўлади. Бу масалага оид тадқиқот ўтказган А. Ф. Суслова хорижий тил факультатив ўрганиладиган олий ўқув юргаси шароитида бошқача назият юзага келишини қайд қиласди. У келтирган хуносалардан бири биз учун ҳам муҳимдир: муаллиф янги лексика таълимнинг энг бошидан киритилаётган нутқи машқларда ҳам илгари ўтилган лексика билан мувофиқлашиб, биринчи келиши лозим, деб ҳисоблайди. У таъкидлаши учун икки даражасини фарқлашни лозим топади:

1. Янги лексикани фаол-мустаҳкам таъкидлаш;
2. юқори-андозали таъкидлаш (Суслова 1989, 3-24).

Бизнингча, ушбу хуносалар умумтаълим мактабларни учун ҳам мувофиқдир, ҳамда улар амалиётга тадбиқ этилса, таъкидлашни сўзлар миқдори бирчунча кўтаяйган бўлади.

СЎЗЛАРНИНГ ТЕМАТИК ГУРУХЛАНИШ ХУСУСИЯТИГА КУРА ЛЕКСИК МАШҚЛАРНИ САРАЛАШ ҚОЙДАЛАРИ

Лексикани ўзлаштиришининг самарадорлиги унинг қайдай усуlda тақдим этилиши билан боғлиқдир. Ўзлаштирилган лексик материалнинг мустаҳкам ўзлаштирилиши унинг тизимлаштирилиши ва тақсимланиши даражаси билан белгилашади. Янги ва таъкидлашни тизимлаштириш бўйича бир қатор аниқ тавсияларни бериш мумкин. Қўйида уларнинг айримлари келтирилади:

1. Киритилаёттан янги сўзлар мажмуасини алоҳида гуруҳларга бўлиш лозим; бунда ҳар бир гуруҳ муайян мавзуга оидити билан фарқланади. Масалан, Travelling мавзуси бўйича жами 30 лексик бирлик атрофида сўз киритилиши режалаштирилган бўлса, уларни қўйндандагича мақсадга мувофиқдир: саёҳат турлари-8 бирлик, саёҳат турлари ҳақида фикр-6 бирлик, транспорт воситасини қиёсий тезлиги-5 бирлик, темирийўл транспортги (поезд ва вагонлар баёни)-6 бирлик, чилтгаларни олиш ва буюмларни жойлаштириш-5 бирлик ва ҳакозо:

Юқорида айтилганлардан шу нарса маълум бўладики, ҳар бир сўз гурухи кичик мавзулар ёки мавзу бўлакларига мансуб ва улар изчиллик билан гуруҳлар таркибида ва кетма-кет мавзулар доирасида киритилиши ва ўзлаштирилиши мумкин.

Фаол тақрорлани учун, биринчи наебатда, ўрганилаёттан мавзу билан боғлиқ ва мавзудаги янги сўзлар билан осон бирикадиган лексик бирликлар танлаб олинади. Шундай қилиб, фаол ва асосли тақрорлаш учун 40 лексик бирликни London мавзуси доирасида танлаш ва уларни мавзу бўлакларига алоқадорлигига нисбатан тақсимлани мумкин. Бундай лексик бирликлар одагда, нисбатан кўпроқ қўлланиувчи сўзлар ҳисобланади ва улар гаплар таркибини ўзлаштириш учун самарали омил бўлиб хизмат қиладилар. Шунинг учун уларни танлаш унчалик мураккаб эмас. Масалан, visit сўзи London мавзусининг барча бўлакларида тақрорланувчи сўзлар қаторига киритилиши мумкин, чунки, Лондоннинг ҳар қайси қисмига ташриф буюриш мумкин. Демак, ҳар бир мавзучча бўйича икки хил рўйхат тузиш мумкин: биринчиси янги сўзлар ва сўз алоқасининг асосий турларини ифодаловчи сўзлар рўйхатини тузиш мумкин. Иккинчи рўйхатта эса фаол тақрорланувчи сўзлар киритилади. Бунда тақрорланувчи сўзларнинг ўзаро ва янги сўзлар билан алоқаси алоҳида таъқидланади. Ана шу мақсадлар учун ҳар бир тақрорланувчи сўзга уни қўлланилиши ҳақида қисқача изоҳ берилади ва шу йўсинда маълум даражада мавзу мазмунини ўзлаштиришга эътибор қаратилади.

2. Алоҳида, мавзу доирасига кириши қийин бўлган лексик бирликларни танлаш ва тақрорлашда айrim қийинчиликлар юзага келади, бироқ лекин улар юқори коммуникатив қийматтага эга эканлиги сабабли, фаол

такрорлашга мажбурмиз. Бу, энг аввало, ҳолат равиншлари: always, often, usually, sometimes ёки seldom, already, now, soon, not yet, шунингдек quickly, slowly каби равинш ва сифатларга ва бошқа сўз туркумларига қарашли лексемаларга алоқадордир.

Бундай сўзларни ўзлаштирганда мұхим бир қоидаге риоя қилиш лозим, яъни уларни ҳеч қатон алоқида такрорламасдан, ҳамма вақт семантик жиҳатдан бир түрдаги қаторга киритиш ва уни ёппасига барчасини такрорлаш лозим. Баъзан бундай қаторларни маъно боғлиқдигига кўра эмас, балки ташки тузилиш ўҳшашлигига кўра ҳам фарқлаш мумкин. Масалан, ўкувчи to be afraid, to be sorry, to be tired каби феъл ибораларини эса саклашда қийналади. Гарчи бу феъл бирикмалари семантик жиҳатдан турли хил бўлсада, ташки тузилишининг бир хиллиги уларни бир қаторда такрорлаши ва қўллаш имконини беради.

Умуман ўзлаштириш давомида янги, такрорланувчи лексикани қўллашда рўйхат қаторини тўлғазиб бориш лозим. Масалан, рўйхатда summer сўзи бўлса, бунда spring, autumn, winter сўзларини киритиб бориш, agar rain бўлса, snow, ice каби сўзлар билан тўлдириш талеб қилинади.

Г.В.Рогованинг кўрсатишича, лексик бирликлар миқдорининг бундай кўпайтирилиши ўзлаштиришга тўқсинглик қилмай, балки хотирада саклашни таъминлади. Демак, лексикани танлашда (янги, такрорий) якка сўз танлашдан қочиц ва ҳар бир лексик бирликни бошқа уқшиш лексема билан боғлашга ҳаракат қилиш керак.

Шундай қилиб, янги ва такрорий сўзлар рўйхати икки асосий мезон синтагматик сўзларни ажратиш ва парадигматик қаторларни ажратиш мезони воситасида бажарилади. Мавзуча доирасида такрорий сўзлар тағлови уларининг синтагматик белгиларига нисбатан ўтказилса, мавзудан ташки сўзлар эса уларнинг парадигматик белгилари асосида ўтказилади.

Шундай қилиб, парадигматик қаторига бир қатор машқлар берилса ва уларга қўшимча равишда, такрорлаш имкониятларидан тўлиқ фойдаланилса, бир неча мавзулар доирасида ушбу парадигмадаги сўзларнинг фаол такрорланиши тўлиғича таъмин этилади.

Биз маҳсус янги ва такрорланувчи сўзлар рўйхатини тузиш агрофида батафсил мулоҳаза юритдик, чунки бу керакли лексик машқлар танланган йўлларини белгилаб беради.

Методик жиһатдан түгри тақсимлаған рўйхатга эта бўлган ҳолда ва ҳар қандай кичик мавзуларга оид сўзларнинг бирбири билан ўзаро алоқасини ҳисобга олган ҳолда машқларни танлашнинг кейинги қоидасини изоҳлашга киришиш мумкин.

Лексикани ўргагиши тамойиларида бири бутун бир гурӯҳ сўзлари устида ишлашини албатта алоҳида сўзларни ўзлаштириш билан боғлаб олиб боришни тақоза қилади. Бундан лексик машқларнинг мувофиқ объектини аниқлаш зарурияти келиб чиқади. Бирор бир мавзууга оид сўзларни муайян семантик, тематик умумийлик мезони асосида катта - кичик мажмуаларга ажратиши лозим. Аյн шу мажмуалар ичида биргалиқда ўзлаштирилиши лозим бўлган сўзлар гуруҳини фарқланади. Бундай гуруҳлар кичик ва катта бўлиши мумкин, кичик гурӯҳ 2-4, каттаси эса 5 ва ундан ортиқ сўзлардан иборат бўлади. Бундан ташқари, алоҳида ўзлаштириш учун ҳам сўзлар танланади. Бундай усуздаги дастлабки тақсимот машқлар танлашда зарурдир, чунки бирорта ҳам машқни, унда қайси кўринишдаги ва қандай миқдордаги материал билан иш олиб борилишини аниқламасдан туриб, ўкув қўлланмасига киригтиб бўлмайди. Мазкур қоидани янада конкретлаштириш мақсадидан алоҳида ўзлаштирувчи ва гурӯҳ доирасида киритилувчи сўзларни танлаш мезони ҳақида тўхтаб ўтиш лозим. Бунда олдиндан лексикани ўзлаштириш машқлари учун ажратилishi мумкин бўлган вақт меъёрини ҳам аниқлаб олиш лозим бўлади. Бу масалани ижобий ҳал этилишига ўқитиш шароитлари, мавзу таркиби, ўзлаштирувчи лексик бирликларнинг типологик хусусиятлари, шунингдек, лексикани ўзлаштиришнинг умумий тамойиллари таъсири этади. Бу омиллар ҳар бирининг ўзро таъсири нуқтаи назаридан бир -бири билан узвий боғлиқдир.

Шу нарса аниқки, инглиз тили ўқитишга кам вақт ажратилган юқори синфи шароитида сўзлар гуруҳи бўйича машқлар алоҳида сўзларни ўзлаштириш машқларидан устуналликка эгадир. Тажрибалар шуни кўрсатадики, алоҳида лексик бирликларни киритиши ва мустаҳкамлаши учун вақт қолмайди, бунда унчалик кўп бўлмаган фонетик машқлар билан чегараланишига тўтири келади. Ҳафтада уч маротаба дарс ўтиш имкони бўлганда алоҳида сўзлар билан ишлаш учун машқлар, ҳеч бўлмагандан, бир машқ, бажариши учун етарли вақт қолади. Бундай ҳолда бир қанча мавзууга доир асосий лексик бирликлар танлаб олиниади ва уларнинг

мантиқий алоқадорлик қаторини ўзлаштиришига оид тоғшириқлар берилади. Ўзлаштирилиши қийин, бінзан, "кічин" сүzlар алоқида ажратилиши мүмкін. Бирок улар, одатда, бошқа сүzlар билан аралаштирилиб (already, not yet) бериладилар. Лексиканы кічин мавзулар бўйича ўзлаштирилиши таъминловчи ва шунта мувофиқ ҳолда лексик гурӯхлар тушиб машқлар бажарилиши зерур. Юқори синфларда вактнинг чегараланғанлиги туғайли ўнчалик катта бўлмаган, бир таркибли мавзулар тавсия этилади. Масалан, 9 синфнинг биринчи чорагида дастур бўйича кўйидаги тўрут мавзуни ўзлаштириш кўзда тутилган: London, The United States of America, The Constitution of Uzbekistan; Human life. Уларнинг ҳар бири учун уч соатдан ўқув машгулоги режалаштирилган. Мавзуга доир лексика ўртача 10 лексик бирликни ташкил қиласди ва уларни кічин мавзулар бўйича тақсимланиши мақсадга мувофиқ келмайди, лекин умумий тоғшириқлар қаторига 2-3 сўз устида ишлашни мўлжалланган машқлар қаторида барча сўzlар устида такрорланиши кўзда тутадиган машқдарни ҳам киритиш мүмкін. Ҳар бир дарсда янги лексиканы ўзлаштирилишини режалаштиришда янги ва такрорланадиган сўзларни машқлар бўйича тақсимоти ҳал этилиши лозим. Бошқача айтганда, ўқитувчи сўzlарни машқдарига тақсимлашнинг ўзига хос "харита кўрсаткичи"та эга бўлиши лозим. Машқлар таиловининг кейинги қоидаси уларнинг миқдори билан борлиқдир. Ушбу масала борасида тажриба жараёнида 9-синфларда бажарилган машқларга кеттан вақт ўлчовига (хронометраж) эътиборни қартишимиз мүмкін, бунда сарф бўлган вақт ўлчови синфхонада ва уйда ҳам бир хилда бўледи. Сарф этиладиган вақт ҳар бир машқнинг ўзига хос хусусиятини инобатта олган ҳолда ўлчанади. Бунда машқнинг бажарилиш ўрни (уйда, синфда), қайта бажарилиш миқдори, ўйлаш учун ажратилган вақт, муракқаблик даражаси каби хусусиятлари эътиборга олинди. London мавзусидаги машқларни бажаришга кеттан вақт ўлчови натижалари кўйидагича аниқланади:

- 1) London матнини ўқиши, қисман таржима этиш асосида янги сўzlар билан танишишга кетган вақт (бир маҳотаба бажариш)-10 минут;
- 2) Янги сўzlарни ўқиши ва талаффузини ўзлаштириш (ҳар бир сўз ўртача 4-5 бор такрорланади)-8 минут;
- 3) Янги сўzlар иштироқида янти мавзу доирасида

санол -жавоблар (ўртача 10 савол атрофида, 10 ўқувчи иштироқида) - 5 минут (хатоларни тўғрилашни ҳисобга олган ҳолда);

4) Икки яхши ўзлаштирувчи ўқувчи иштироқида режа асосида матнни ҳикоя қилиб (дастлабки ҳикоя), ҳар бирига режадаги матнни ярми тоширилади ва нисбатан кучсизроқ уч ўқувчини ҳам кейинчалик бу машгулотта жалб қилиш - 5 минут.

Бир дарс жараёнида бажариладиган умумий машқларга ажратиладиган вақт:

1) бўш қолдирилган ўринларни янги ва тақороланаётган сўзлар билан тўлғазиш-6-7 минут;

2) бўш қолдирилган ўринларга предлогларни қўйиш - 4-5 минут;

3) барча янги сўзларни ишлатиб ҳикоя тузиш - 8 минут;

4) жами сарф қилинган вақт - 20 минут.

Навбатдаги дарсда:

1) янги сўзларни ўзбекчадан инглиз тилига таржима қилиш (синф билан ёппасига ишлаш)-5минут;

2) мазмунан бутун матнни таржима қилиш (12 гапдан иборат матн) - 12 минуг;

3) режа асосида ҳикоячалар тузиш (уч ўқувчи иштироқида)-8 минут; мавзу бўйича якунловчи саноллар (ўқувчилар турмуши билан боғлаб)-5 минут.

Жами-40 минут.

Албатта бу кўрсаткичлар ўртacha меъёрларда олинган. Машқлар турлари уларга қўйилган мақсад ва ўқувчиларнинг ўртacha билим даражасини ииобатта олган ҳолда дифференциялаштирилади. Ҳар бир мавзуга икки соат дарс ажратилиши ва бажарилётган машқларнинг "мажбурий" эканлигини назарда тутиб, уларнинг миқдори ва ҳажмини ҳам бундан бошқа кенгайтириб бўлмаслигини таъкидлаш лозим.

Демак, ҳар бир кўриниш ва турдаги машқни бажаришга кетган вақт унинг таркиби ва мақсадига мос келади.

ХУЛОСАЛАР

Баён қилинган лексик машиларни бажарилиши натижасида хорижий ва она тилядаги сұзлар мүқобиллігінің таъминловчи семантик алоқадорлыкка эришилади. Чунки танлаб олинган сұзларни ўзлаштиришда улар ҳосил қиласынан типик сұз бирикмаларининг шаклланишини күриш кийин эмас. Бу жараёнда лексик бириккларнинг типологик күсусияттарини ҳам ҳисобға олышта түрті келади. Бунда маълум мавзуга алоқадор сұзлардан әнд күп ишлатыладигандар танлаб олинади ва она тилининг интерференцион таъсирини ҳисобға олган қолда уларнинг мураккаблығы инебатта олинади, бу лексемаларнинг қар бир сұз билан бирикші күп бөр күлланилиши асосида ўзлаштириш амалға оширилади. Энд мұхим сұзларни махсус тузилған машқлар, масалан, сұзлар ўрнини алмастырып машқлари таркибида, алоқуда машқлар орқали ўзлаштириш имкониятты мавжуд. Янги лексиканы лугат дафтариға қайд этиш, инглизча матнда қоғдирған ўринлар янги сұзларни қўйиш каби ёзма машқлар виситасида сұзларни барча "жиҳатларини" ўзлаштиришга эришилади. Сұзлар ва гапларни эштириб тушуниш ва ўзлаштириш алоқуда лексема ва бирикмаларни таржима қилиш машқларининг бажарилишини ҳам назарда тутади. Бажарилиши шарт бўлган машқлар танлови лексиканы ўргатишнинг қолган барча тамойилларига мос келиши талаб қилинади.

Келтирған машқ турлари ва шакллари бажарилиши шарт бўлган машқлар рўйхатига киритилиши қўйидагича асосланади: машқлар нафақат аълочи, балки аста - секундик билан ўзлаштирувчи заиф ўқувчиларнинг ўзлаштириш имкониятларига мос келиши керак. Шунинг учун лексик машқлар мажмусасидаги кўпина машқ турлариги муқаррар бажариладиган машқлар қаторига кўшиб бўлмайди. Машқлар танловига бўлган зарурий талаб уларнинг бажарииш усулининг оддийлиги, намуна ёки таянч бириккларидан фойдаланиш имконияти, лексик машқлар орқали конкрет нутқ фаолиятта йўллашга тайёр гарлик босқичи бўлиши каби имкониятлар ҳисобға олинади.

Бажарилиши шарт машқлар мажмусини тузини яна қўйидаги талабларга жавоб бериси керак. Ўзлаштириш даражаси паст ўқувчилар ҳам синфда ўқитувчи раҳбарлнигида

матнни ўқиб, имкониятлари даражасыда янги сұзларни толиши, уларни транскрипцияда ўқиши, ёдлаш үчүн тақрорлаши талаб қилинади. Шундан сүнг бу сұзлар иштироқида жадвал асосида үрин алмаштириш мәсілелери бажарилади. Бундай машқлар (Мақсад-мавзу доирасыда монологик нұтқи шаклантириш) бүш қолдирған үринларға сұз күйин машқлари, сұзнинг грамматик алоқаларини акс эттирувчи машқлар ва ўқитувчи ёрдамида ова ти哩даги матнни инглиз тилиге таржима қилиш каби усуларда амалға оширилади. Жұмладан, тематик хабарни асосий матн мазмунини муайян синф шароитига мослаштириб ифода қилиш машқларини бажариш үчүн ҳам көрекли шароит яратылади. Янги лексика құлланиладын қысқа диалогларни ёд олиш жуфтликларга булиніб диалоглар тузиш үчүн етарлы восита бўлиб хизмат қиласы. Бундай машқлар ҳам барча тоифадаги (кучли ва кучсиз) ўқувчилар томондан бажарылиши мумкин.

Шундай қилиб, ажратылған бажарылыш шарт бўлған машқлар мажмуаси, бир томондан, лексикага ўргатишининг барча тамойилларига мувофиқ келса, болықта томондан дидактиканикинг асосий талаби- ўқувчилар бажара оладынган топшириқлар туркумига кирадилар. Албағта, таълимнинг бошқа шароитларида, масалан күйи синфларда, ёки инглиз тили соатлари кўпайтирилган тақдирда зарурый танлов кенгроқ бўлиши ва лексик машқлар умумий жадвалидаги бошқа турдаги машқларни ҳам қамраб олиши мумкин.

САРАЛАНГАН МАШҚЛАРДАН ФОЙДАЛАНИБ ЛЕКСИКАНИ ЎҚИТИШ

Мустақиллик туфайли Ўзбекистон Республикаси дунё ҳамжамияти томонидан тан олинди, ўз ташки иқтисодий ва маданий алоқаларини кенгайтириди. Мамлакатларо иқтисодий, маданий ва илмий ҳамкорлик ривожланиш йўлига кирди. Бу ўзгаришлар халқ маорифи ҳодимлари оддига янги топшириқлар қўйди. Жумладан, бундан келиб чиқиб чет тили ўқитувчиларининг вазифалари ҳақида талирилганда, хорижий тилга ўргатишнинг самарадорлигини ошириш биринчи ўринга чиқди. Даврнинг ушбу талабига хорижий тиллар ўқитишнинг анъанавий методлари ва усуллари тўлиқ жавоб берса олмайди. Демак, хорижий тил ўқитишни замонавий техник, айниқса, компьютер техникаси юситаларини қўллашга қаратилган лингводидактик усуллар билан бойнитиш лозим. Компьютер техникаси - мультимедиа инг жадал қўлманилиши хорижий тилларни ўқитишнинг компьютер асосида ўрганиш деб комланувчи янги йўналишни ривожланишига олиб келди (Ариқулов 1986; Носенко 1988; Гиотровский 1988; Ахмедов 1991; Daldolian, Weiss, 1991; Galisson 1994).

Ушбу ўринда танлаб олинган лексик машқлар мажмусини мактабларнинг юқори синфларида тажриба натижаларига эътиборингизни қаратамиз. Шунингдек, инглиз тилини компьютер асосида ўқитиш борасидаги айrim тажрибалар ҳақида ҳам фикр юритишга қаракат қиласми.

ТАЖРИБА БОШИДАГИ ИЛК МАЪЛУМОТЛАР

Бундай тажриба Қарши шаҳридаги 7, 16 - сон мактабларида ва туманидаги 10, 20 - сон ўрта мактабларда ўтказилди. Бу тажрибада 7-мактаб IX синфидан 14 ўқувчи, VIII синфдан 16 ўқувчи; 16-мактабнинг IX синфидан 17 ўқувчи; X синфидан 16 ўқувчи иштирок этди. Тажрибага қатнашган жами ўқувчилар сони - 63 киши. Тажриба 1996 - 97 ўкув йилида ўтказилди ва юқорида кўрсатилган гурӯҳлар (синфлар)да биринчи чоракни қамраб олди. Ўқитиш синф ўқитувчилари томонидан ва ушбу асар муаллифи назорати остида олиб борилди. Тажрибани тайёрлаш ва уни ўтказишида

қўйидағилар бажарилди:

а) ўқув материалини тайёрлаш: ҳажми катта бўлмаган матн олдиндан тайёрланди, бунда матн чанлашнинг асосий тамойиллари ўқитувчиларнинг услубий шубаси йигилишида келишиб олинди;

б) вақтнинг матн ҳажмига кўра белгиланди ва 15-20 минутдан иборат бўлди.

в) ўқувчилар 5-7 кишилик гуруҳларга бўлинди;

г) ҳар бир гуруҳ, дасглабки ўқув материалини ўрганиб, ўз жавобларини тайёрладилар;

д) ҳар бир гуруҳ, ўз тахминий жавобларини умумий муҳокамага тақдим этдилар ва бу, одатда, баҳс, мунозарага чорлади.

Ушбу иш жараёнида, шубҳасиз, ўқигувчи асосий шахсdir, у ўқувчиларнинг ўқув фаолиятини бошқаради. Ана шунга мувофиқ, тажрибаларимиздан келиб чиқиб, жавобларни муҳокама этишининг бир қатор ташкилий йўлларини таклиф этамиз:

а) биринчи бўлиб жавобни тугалловчи гуруҳ, ўз тахминий жавобларини доскага ёки синфда ҳисоблаш техникаси мавжуд бўлса, компьютерга ёзади. Иккингчи гуруҳ ҳам ўз натижаларини доскага ёки компьютерга ёзади, қолган ўқувчилар биринчи гуруҳнинг тахминий жавоблари ҳақидағи ўз фикр-мулоҳазаларини билдирадилар.

Жавобларнинг текширилиши шу усулда барча гуруҳлар ўз жавобларини тайёрлаганга қадар давом эттирилиши лозим. Бажариладиган ишни баҳолаш тўлигича ўқувчилар зиммасига юкландади;

б) гуруҳлар таклиф этилган ўқув материалидан тури хыљдаги машқларни танлаб оладилар;

в) ўқитувчи тури гуруҳ вакиллари машқни тўғри ёки ног’тири бажарилганигини навбат билан текшириб боради, бу эса, ўз навбатида, иштирокчилар қизикишини кучайтириб, дёрга кўтариинки рух беради.

Иш тартибининг асосида тил ўргагишининг коммуникатив тамойиллари инобатта олинган. Ўқувчилар гуруҳ ишида фаол иштирок этишиб, ўз фикр-мулоҳазаларини айтиш имкониятига эга бўладилар. Жавобни баҳолашга, бошқалар фикрини билишга ўрганадилар ўз жавобларини гуруҳдоши билан муҳокама қилиб, ўз муносабатини билдира оладилар. Лекин энг асосийси - улар фаол ишлашга жалб қилинадилар. Нотаниш сўзларни лугатдан излашидаи, ёзид

Боришиди.

Гурух бўлиб, айни вақтда, якка тартибда ўқув фаолиятни ташкил қилиш "зарур" сўзни тез ва пухта ўзлаштиришга ёрдам беради, ўқувчилар ўз гуруҳининг таҳминий жавоблари устида самарали ва онгли равишда бош қотирадилар, бу эса ўз навбатида, билдирилаётган фикрнинг аниқ шаклланиси ва айтилаётган сўзниң тушунарли бўлишини таъмин этади. Юқори синфларда ҳар бир мавзуда машқ турларининг ўзгартиб борилиши муҳим аҳамият касб этади. Ўқувчилар турли хил машқларни бажаришга жалб этилаади, уларнинг бажариш "техника"сини ўзлаштиради ва бу жараёнда ўзларининг ўқув ўзлаштириш имкониятларини азиқладидилар.

Бу эса ўқув материалига нисбатан кизиқиш, майл ўрганишга эҳтиёж тутдиришнинг муҳим воситаларидан ҳисобланади. Ўқувчиларда хорижий лексиканни ўрганишта нисбатан бўлган қизиқиш ва эҳтиёжни қондириш таълимнинг самарали омилийdir (Galisson 1994).

ТАЖРИБА ДАРСЛАРИДА ФОЙДАЛАНИЛГАН ЎҚУВ МАТЕРИАЛИ

Тажриба сифатида ўтказилган машгуллар VIII-IX синфлар дастури бўйича ўтказилди ва 2,5 ой, яъни бутун III чорак давомида давом этди. Тажриба машгуллари учун танланган ўқув материали, янги лексикадан таҳқари, бутун бир мавзуларга кирунчи бошқа соҳаларни ҳам қамраб олди. Лексикага ўргатиш бошқа турдаги машқлар билан биргалиқда амалга оширилди, чунки лексик машқлар ўрганилаётган мавзулар доирасида тузилган. Шуни таъкидлаш жонизки тажриба сифатида фойдаланилган ўқув материалига киритилган мавзулар юқори синфлар учун мўлжалланган ўқув дастурида ва, айниқса, мавжуд дарсларда тўлигича ўз аксини топмаган. Шу сабабли матнлар маҳсус танланди, уларга машқлар илова қилинди.

Янги лексик бирликнинг катта қисми to decide, to become, to consist of шаклидаги сўзлардан иборат. Лексиканинг тақрорланиши мавзулар боғлиқларини таъминлади. Тақрорланаётган сўзлар ҳар бир кеийинги мавзу доирасида ўкувчининг фаол иштакида келинди. З марта, матнда ва машқларда 4 марта учрайди. Ҳар бир мавзу бўйича лексик йўналтирилган, муқаррар бажариладиган машқлар

түшлами (ўртача 10 машқдан иборат) берилади. Бунда ҳар бир мавзунинг ўзига хос хусусиятлари ҳисобга олиңди, лекин машқларнинг ўртача миқдори қарийб бир хил бўлди. Шу асосда ўзлаштириувчи лексик бирликларга нисбатан талаб бир хил қўйилди.

ТЕХНИК ВОСИТАЛАРСИЗ ЎТКАЗИЛГАН ТАЖРИБА ДАРСЛАРИНИНГ НАТИЖАЛАРИ

Лингводидактик тажриба сифатида ўтказилган дарсларнинг айrim натижаларини, улар ҳақида айrim мулоҳазаларимизни баён қиласиз. Қўйидаги жадвалда London мавзуси доирасида киритилган сўзлар қўлланиши натижалари келтирилган:

Мак- таб	Синф	Синов ишти- рокчи- лари	Мавзуя онд сўзларинин бир ўқувчи Томонидан ўртача қўллагишин миқдори						
			Ўкувчилар тартиб рақами						
			1	2	3	4	5	6	7
7	IXa	7	73%	77%	76%	81%	74%	72%	84%
7	IXb	7	71%	68%	70%	73%	69%	74%	68%
16	Xa	6	89%	85%	74%	82%	80%	83%	81%
16	Xb	7	69%	71%	73%	70%	76%	75%	79%
10	Xia	5	58%	60%	59%	61%	62%	57%	79%

Мавзу ҳисмларини ўргатишга сарфланган вақт лексика ўзлаштирилиси самарадорлиги ва даражасига утчалик катта таъсир этиши сезилмади. Агар лексикани қўлланилиши маълум маънода ташаббускорлик асосида ва фақат ўзбекча мұқобиллари айтиб турилиши ҳисобига бажарилганлигини инобатта олсак, бундай даражадаги кўрсаткичларни қонуний, деб ҳисоблаш мумкин.

Саволларга жавоб бериш топширикларини бажариш йули билан лексикани ўзлаштириш ҳам яхши натижга беради. Шу мақсадда ҳар бир синфда қўйидаги топшириқ тури бажарилди

